


РИМ  
ХУСУСИЙ  
ХУКУКИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

---

**З. Ш. ШОМУҲАМЕДОВА**

**РИМ  
ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИ**

**Дарслик**

УДК 342(45)

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлараро илмий-  
услубий бирлашмалар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи  
Кенгаш томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этилган

ЎзР Олий ўқув юртлараро „хуқуқ“ илмий-услубий  
бирлашмасида маъқулланган

Тошкент давлат юридик институти  
илмий кенгashiда маъқулланган

*Масъул муҳаррир* — Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекис-  
тонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
юридик фанлар доктори, профессор  
**Х. Раҳмонкулов.**

*Тақризчилар:* М. Улугбек номли Ўз.Р. Миллий уни-  
верситети, хукуқшунослик факульте-  
ти халқаро ва қиёсий хуқуқ кафедраси  
мудири, профессор Қ. З. Алимов,  
ўқитувчи Н. Тожиқулов.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети Ҳукуқий тадқиқотлар  
маркази директори, юридик фанлари  
номзоди З. Убайдуллаев.

Ушбу дарслик хусусий мулкчилик хуқуқининг бешиги бўлган  
Римда мазкур хукуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва камолотига  
багишланган. Бунда Рим хусусий хуқуқининг барча соҳалари ҳозирги  
замон романтика фани нуқтаи назаридан ёритилган.

Она тилимизда биринчи тажриба бўлмиш бу китоб „Рим хусусий  
хукуқи“ фани бўйича Тошкент давлат юридик институтида тайёрланган  
дастур асосида юзага келган бўлиб, юридик ўқув юртлари талабалари  
ҳамда хукуқ соҳаси ходимларига мўлжалланган.



Ш 4306020700  
353(04) 2002 Кетъий буюртма 2002

© З. Ш. Шемухамедова  
© Конс忧虑тиформ

**Ўзбекистон Республикаси Конституция-  
сининг 10 йиллигига бағишиланаади**

## СЎЗ БОШИ

**Мустақил давлат — Ўзбекистон изчил равища ҳуқуқий демократик давлат қуришга киришди.** Озод мамлакатимизнинг жаҳондаги илғор ҳуқуқий давлатлар ҳамжамиятига онгли равища кириб бориши ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларидан яхши хабардор бўлиши, улардан тўғри фойдаланиши ва уларни оғишмай бажаришини талаб этади.

Бу соҳада, албаттa, хусусий ҳуқуқ масалалари алоҳида ўрин тутади. Зеро, биз бозор иқтисодиётiga ўтар эканмиз, мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари қарор топмоқда. Демак, фуқароларимиз, биринчи галда, ҳуқуқшуносларимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари хусусий ҳуқуқ масалаларини теран тушунган бўлишлари керак.

**1** Бугунги кунда мамлакатимизда амалда бўлган хусусий ҳуқуқ, жумладан, фуқаролик ҳуқуқи тизими ҳақидаги ҳуқуқий билимларнинг негизини Рим хусусий ҳуқуқи ташкил этади. Рим хусусий ҳуқуқидан ҳам тўғрироқ ва мукаммалроқ ҳуқуқни ҳеч бир халқда топиб бўлмайди. Буни бутун жаҳон тан олган ва йигирма асрдан ортиқ вақтдан буён дунёning кўпчилик маданиятли халқлари Рим ҳуқуқидан ўз шароитларига мослаштирган ҳолда фойдаланиб келмоқдалар. Римликларнинг башарият тарихи олдидаги ушбу буюк хизматларини барча халқларнинг ҳуқуқшунос олимлари эътироф этганлар.

Рим хусусий ҳуқуқининг бундай баркамоллиги ва универсалиги бир неча муҳим омилларга асосланган, аммо уларнинг барчасини умумлаштириб айтиш мумкинки, улар хусусий мулкчилик муносабатларининг *объектив*, яъни кишининг хоҳишидан ташқари амал қиласидиган қонуниятларини кашф эта олганлар ва уларни ўз шароитларида *оқилона қўллаш* йўлларини ишлаб чиққанлар.

Бу қонуниятларнинг кўпчилиги **ислом ҳуқуқи** — шариятда ҳам ўз ифодасини топган, аммо бу алоҳида тадқиқот мавзуини ташкил этади.

Республикамизда бозор иқтисодиёти мустаҳкамланиб борган сари иқтисодиётимизнинг ҳуқуқий асослари таркибига Рим хусусий ҳуқуқи **категориялари** (реституция, виндика-

ция, негатор, мажбурият, деликт ва ҳ.к.)нинг кириб келиши ва маълум соҳаларда ўз ҳукмини ўтказа бориши муқаррар. Янги қабул қилинаётган қонунларимизда ҳам унинг тасири сезилмоқда. Бу эса хусусий мулкчилик ҳуқуқининг асослари энг яхши ишлаб чиқилган Рим хусусий ҳуқуқини ўрганиш, уни чукурроқ *таҳлил қилиб тушунишини* тақозо этади.

Боз устига, инсоният тарихида муҳим босқич бўлган ушбу ҳуқуқнинг ривожланиш жараёнидан хабардор бўлиш, уни теранроқ идрок этиш **маънавиятимизни** бойитиши аниқ. Шунинг учун ҳам барча юридик таълим муассасаларида Рим хусусий ҳуқуқини ўрганиш йўлга кўйилган.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ҳуқуқий асосларимиз ҳам умумбашарий йўлга тушиб бормоқда. Президентимиз **И. А. Каримовнинг** чукур назарий асосланган китобларида умумбашарий қоидалар ва мамлакатимиздаги шарт-шароит, миллатимизнинг ҳозирги аҳволини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий давлат куришнинг назарий асослари ишлаб чиқилди ва изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда. И. А. Каримовнинг таъкидлаб ўтишича, „*Мустақиллик ишларида республикада ҳалқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоналитар тузумнинг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидағи маъмурий ҳўжалик тузумлари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик*“.

Бу эса, биринчи галда, бозор иқтисодини мустаҳкамлаш, давлат мулкини хусусийлаштириш, яъни хусусий мулкчилик муносабатларини кенг жорий этишни талаб қиласди. Хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаи бўлиб, хусусий мулк ташкил топмасдан туриб бозор муносабатлари ҳақида юритилган ҳар қандай фикр хомхаёлдир. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилик фаолиятимизда янгилик бўлганлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг** тегишли моддаларида қатор мураккаб масалалар ўзига хос ечимини топди.

<sup>1</sup> **Каримов И. А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., „Ўзбекистон“, 1997, 201- б.

Яқин ўтмишда хусусий мулк кишининг ўзгалар кучидан фойдаланиши, яъни эксплуатация қилиши учун манба деб баҳоланиб, унга йўл қўйилмас эди. Жамиятда шахснинг эркинлиги унинг хусусий мулкдан озод бўлиши билан таърифланарди. Лекин ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган халқ ўша воситаларнинг яккаю ягона эгаси бўлган давлат иродасига итоат этарди. Ижтимоий ҳаётнинг моҳияти янгича талқин этилиши туфайли республикамизда хусусий мулкка йўл берилди. Бунга Конституциямизнинг 53- моддасида асос солди.

Хусусий мулкнинг хукукий асосларини эса биз Рим хусусий хукуқидан топамиз. Шу боис ҳам республикамизда хусусий мулкнинг шаклланиши жараёнила Рим хусусий хукуки ёрдамга келиши, байзи қоидаларининг эса қонунчилигимизда қабул килиниши табиий бир ҳолдир.

Рим хусусий хукуки ўзининг ҳозирги кўринишида бирданига пайдо бўлгани йўқ. У ривожланишнинг кўплаб даврларини босиб ўтди. Дастлабки кўринишида у ius civile, яъни ҷивиль ёки гражданлик хукуки шаклида намоён бўлди. Ўша даврда жиноий жавобгарлик ҳақидаги қоидалар, қарз бўйича тўланадиган фоизнинг энг кам миқдори ва бошқа ҳозирги даврда ҳам хукуқнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича қабул қилинган қонун-қоидаларнинг битта умумий хусусияти ифодаланган — уларда назарда тутилган қоидалар Рим фуқароларига тегишли бўлиб, ажнабийлар ва қулларга жорий қилинмаган. Ушбу маънода, яъни қонунлардаги хукуқ фақат Рим фуқароларига тегишли бўлгани туфайли ius civile, яъни фуқаролик хукуки деган ибора шаклини олган.

Рим империясининг юксалиши, унинг бошқа давлатларни босиб олиши билан фақат римликларга тегишли бўлган қонун-қоидалар талабга жавоб бермай қўйди. Бунинг устига нафақат Римда, шунингдек, Европа мамлакатларида ҳам товар-пул муносабатларининг жадал ривожланиши, биринчи галда, турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги мулкий, савдосотиқ муносабатларига тегишли қоидаларни қайта кўриб чиқиши талаб қиласарди. Бу янги Рим хукуки таркибида ius gentium, яъни ҳалклар хукуки тизимининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу хукуқ римликлар ва римлик бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатларга татбиқ қилинди. Одамлар ишбилармонлик фаолиятининг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, товар айирбошлашнинг, савдо алоқаларининг ривож топиши натижасида ius honorarium, яъни

премтор ҳуқуқи вужудга келди. Ушбу ҳуқуқ *ius civile* ҳуқуқ қоидаларига қатъий амал қилган ва унга ёндашгани ҳолда *ius gentium* қоидаларини ҳаётда амалга ошириди.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқ соҳалари Рим хусусий ҳуқуқи тизимининг алоҳида соҳа сифатида ташкил топишига ва такомиллаштирилишига, оммавий ҳуқуқдан фарқланнишига жиддий таъсир кўрсатди. Унда хусусий мулк ҳақидаги қоидалар ва уни ҳимоя қилиш, бошқа *ашёвий ҳуқуқлар*, *турли битимлар*, шартномага *асосланган* ва *асосланмаган* мажбуриятлар, мерос ҳуқуқи ва бошқа масалалар ҳақидаги қоидалар мукаммал ишлаб чиқилди.

Демак, Рим хусусий ҳуқуқи узоқ йиллар давомида шаклланди ва ҳалқаро юридик жамоатчилик томонидан тан олинди. У қатор давлатларнинг фуқаролик қонунчилиги амалиётига ўз таъсирини ўтказди. Рим хусусий ҳуқуқи қоидалари 1804 йилги Наполеон „Фуқаролик кодекси“да ва бошқа давлатларнинг фуқаролик қонунчилиги соҳасида кенг кўламда ўз аксини топди. Бу ҳол Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам кўзга ташланади. Рим хусусий ҳуқуқи юридик олий ўқув юртларида ўқув дастурига киритилган, у ҳақда кетма-кет янги асарлар нашр этилмоқда.

Ўзбекистондаги юридик таълим муассасаларида давр талабидан келиб чиқиб, Рим хусусий ҳуқуқи фани киритилфанига қарамай, шу кунгача ўзбек тилида дарслик ва ёки ўқув кўлланмасининг йўқлиги юридик ўқув юртларида ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаларида ҳам кўплаб қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу боис Рим хусусий ҳуқуқи ва шу каби хорижда нашр этилган ҳуқуқий адабиётларга танқидий ва ижодий ёндашиб ҳамда Тошкент давлат юридик институти яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, тажриба сифатида ушбу дарслик яратилди. У юридик институтларда ўқитиладиган Рим ҳуқуқи курсининг дастури асосида ёзилган бўлиб, унда Ульпиан алоҳида шахслар фойдасини кўзловчи ҳуқуқ “деб атаган ҳуқуқ, яъни .хусусий ҳуқуқ “ни ўрганиш вазифаси қўйилган. Бунда жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга алоҳида тўхталиб ўтилмайди. Шахс ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун дарсликда унга (айниқса, унинг даъволар бўлимига) мурожаат этиб туришга тўғри келади.

Ўқув фанининг асосий вазифаси уни ўрганувчиларда юридик дунёқарашни шакллантириш, яъни уларни воқеаларга

хуқуқий нуқтаи назардан қарашиб, юридик фикрлаш ва  
пировард натижада уларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий мада-  
ниятини янада юксалтиришга ёрдам беришдан иборатдир.

Ҳар қандай биринчи ишда бўлганидек, унда ҳам муайян  
камчиликлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам, муҳтарам  
китобхон, сизнинг китоб мазмунини бойитишга хизмат  
қиласиган барча таклиф ва мулоҳазаларингизни ушбу  
дарслик муаллифи З. Ш. Шомуҳамедова мамнуният ва мин-  
натдорлик билан қабул қиласиди. Зеро, билдирилган таклиф  
ва мулоҳазалар китобнинг кейинги нашрлари янада пухта  
бўлишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

*Ҳ. Раҳмонқулов,  
юридик фанлар доктори, профессор,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан  
арбоби, Ўзбекистон ФА академиги.*

# I боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИ – ЎҚУВ ФАНИ

## 1- §. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

Ҳуқуқ тизими алоҳида ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топади. Ҳар бир илм соҳасининг ўзига хос предмети, яъни баҳс мавзуи мавжуд бўлиб, у ана шу мавзуи билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқланади. Фанинг предмети деганда у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг нормалари воситасида тартибга солиналиган ижтимоий муносабатларни туцунамиз. Муайян ҳуқуқ соҳасининг прелмети, унинг мазмунини ташкил килувчи маълум доиралаги муносабатларнинг хусусиятлари билан ифодаланади.

Рим хусусий ҳуқуқи ўз даврида нафақат Рим, балки ўзга давлатлар қонунчилигигига ҳам манба бўлиб келди. Ҳозирги даврда у деярли барча олий юридик таълим муассасаларида ўқув фани сифатида ўрганилади ва фуқаролик ҳуқуқи фанининг асосий тартиблари ва назарий категорияларига нисбатан ўз мавқеини сақлаб келади. Шундай экан, биз умум тан олган анъанага мувофиқ, ўқув фани сифатида Рим хусусий ҳуқуқининг предметини аниқлаб олишимиз лозим.

Рим ҳуқуки жумдалан. Рим хусусий ҳуқуқи қадимий ва ўлмас маданий, сиёсий, ҳуқукий қадриятларга киради. У қадимий ва навқирон шаҳар Римда бўндан 2,5 минг йил аввал пайдо бўлган. Рим ҳуқуқи қоидаларининг аксарияти кўпгина давлатларда қабул қилинган ва шу вақтгача Европа, Америка, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигига таъсир ўтказиб келмоқда.

Рим ҳуқуқи машҳур XII жадвал қонунлари „адолат“ ва „инсоф“, яъни „яхши эзгу ниятлар“ мезонлари нуқтаи назаридан ишлаб чиқилганлиги унинг жуда юқори баҳоланишига сабаб бўлди. Бу қонунлар ўзгармас ҳуқуқлардан иборатлиги билангина эмас, балки ҳаёт тақозоси ва шароитга қараб одилона талқин этилиши билан ҳам безавол қонунларга айланди ҳамда кўп замонлар ва халқларнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўла олди.

Буни ҳаммадан аввал улуғ немис файласуфи Гегель тушунган эди. У, Рим ҳуқуқи қонунлари турмуш талабаларига түғри келмай қолган тақдирда, Рим юристлари ўз талқинла-рида доимо бир хилда турмаганликларини кўрсатган эди. Шу тариқа Рим преторлари ва ҳуқуқшунослари қадимги қонунларнингadolatпарвар руҳини сақлаган ҳолда Рим ҳуқуқининг шаклан қотиб қолган қисмидан, яъни ҳаёт воқелигига зид келадиган қонунлардан кутила борганлар, пиравардида қонуннинг асосий вазифасини кучайтирганлар, уни такомиллаштирганлар. „*Тарихга чуқурроқ назар ташласак, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва феъл-атворларидан келиб чиқишига амин бўламиз*“,— деб ёзган эди Гегель.

Рим ҳуқуқшунослари ҳам шу мазмундаги сўзларни ёзиб қолдирганлар. Бу ўринда гап, албатта, қонунни ҳар ким ўзи хоҳдаганча ўзгартиравериши ҳақида эмас, балки замон, одат ва одоб тақозоси билан қонун талабларини *одилона ва оқилона* талқин этиш ҳақида бормоқда. Рим қонунлари ана шундай талқин этиш учун имкон берган. Бу эса уларга *устуворлик, барқарорлик* баҳш этган.

Демак, Рим ҳуқуқи қонунларининг куч-кудрати, ўлмас аҳамияти унга ижодий ёндашиш имкониятининг мавжудли-гидадир. Шунинг учун ҳам у жуда кўп замонлар ва маконлар қонунчилигига манба бўлиб келди. Уни чуқур ўрганиш вази-фасининг долзарблиги ҳам ана шу билан боғлиқ.

Бу нарса Рим давлатининг ўзидаёқ намоён бўлган. Конун-ларни адолатли ва оқилона талқин этиш, шарҳлаш Рим преторлари қўлида товар муомаласи, пул муносабатлари ва хўжалик фаолияти йўлида гов бўлиб ётган бошқа кишан-ларни улоқтириб ташлаган кучли курол бўлди. Қадимги Рим оиласи ҳам ота-бала ҳамда эр-хотин муносабатларининг либераллашуви (эркинлиги, муросасозлиги) асосида қайта курилди.

Преторлар ижоди бўлган классик ҳуқуқда хўжайнлари (масалан, кема капитанлари, сотувчилар, дўкондорлар, уй-жой бошқарувчилари ва ҳ. к.) бирор ишни топширган қуллар ҳуқуқи ҳам яхши ҳимоя қилинади. Илгариги қонунларга кўра улар бутунлай ҳуқуқсиз бўлганлар. Бу нормалар, биринчи галда, мамлакат қонунлари ва халқ урф-одатларига ҳурматни талаб этади.

Шундай қилиб, Рим юристлари республикачиллик тузуми доирасида оммавий ва Рим ҳуқуқларидан мавхум-

лашган шахс ҳуқуқларини ишлаб чиққанлар. Улар борган сайн сайқалланиб, такомиллаша борган. Хусусий мулк ҳуқуқи ҳам худди шу тариқа юзага келган ва ривожланишда давом этган. Шу боис ҳам Рим хусусий мулкчилиги хусусий мулкчиликнинг классик кўриниши ҳисобланади.

Хусусий ҳуқуқ мулкий ва шахсий ҳуқуқдао йигинди-сидан ташкил топади. Мулкий ҳуқуқнинг хусусияти шундан иборатки, унинг қоидалари ҳўжалик муомаласида ҳуқуқ соҳибининг раъий, эрки билан амалга оширилади. Шахсий ҳуқуқлар мутлақ хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқ эгасидан ажратилмайди ва унинг раъида, эрк ва ӯродасида намоён бўлади (эр-хотинлар, ота-оналар, фарзандлар ҳуқуқи каби). Шунинг учун ҳам шахсий ҳуқуқни ҳуқуқ эгасидан (субъектидан) ажратилган ҳолда қараш мумкин эмас.

Рим хусусий ҳуқуқи ўзининг дастлабки ҳолатига кўра ашёларни эгаллаш билан боғлиқ, сўнгра эса мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратиласди. Чунки ашёни эгаллаш мулк ҳуқуқи вужудга келишидан аввал юз берган жараён ҳисобланган.<sup>1</sup> Ушбу муносабатлар таркибида шартномаларга асосланган ва шартномаларга асосланмаган мажбуриятлар маълум даражада кўп жой эгаллаган. Рим хусусий ҳуқуқи ўзининг тартибга солиш таъсирини оилавий муносабатларга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳимоя қилишга нисбатан ҳам ўтказган.

Рим хусусий ҳуқуқи ўзининг дастлабки бошланишида цивиль ёки фуқаролик ҳуқуқи (*ius civile*) шаклида намоён бўлади. Ушбу ҳуқуқ тизими миллий хусусиятга эга бўлиб, фақат Рим фуқароларига нисбатан жорий қилинган. Бундай йўналишга сабаб Рим ҳуқуқи ўзининг эндигина таркиб топишида миллий хусусиятга эга бўлиб, ушбу мамлакатларда вужудга келган муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган.

Ишлаб чиқариш, маҳсулот айирбошлиш ва савдо алоқаларининг ривожланиши туфайли Рим хусусий ҳуқуқнинг ривожланишида претор ҳуқуқи (*ius honorarium*) алоҳида ўрин эгаллайди.

Рим билан бошқа давлатлар ўртасида савдо ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ажнабий давлатлар савдогарлари ва ҳунармандлари билан Рим фуқаролари ўртасида алоқалар кучайиши, улар ўртасида юзага келадиган

<sup>1</sup> Қаранг: Косарев А. И. Римское право. М., Юридическая литература, 1986. С. 31.

муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи хусусий хуқуқнинг ривожланишини талаб қиласди. Шу туфайли Рим хукуқи таркибида мустақил хукуқ соҳаси — *халқлар хукуқи (ius gentium)* пайдо бўлди. Халқлар хукуқининг ижобий таъсири асосида фуқаролик хукуқининг хукуқ *ва муомала лаёқати, ашёни эгаллаш, мулк хукуқи ўзганинг ашёсига нисбатан хукуқ, шартномалар, деликт* ва бошқа шу каби институтлар жадал ривожлана бошлади.

Хусусий хукуқ ўз хусусиятларига кўра оммавий хукуқдан ажralиб туради, унда хукуқ субъекти ўз фаолиятида мустақиллар. Бунда давлатнинг тартибга солиш фаолияти бор, албатта, аммо у чекланган бўлди. Мулкдор ўз мулкини ҳимоя қилиши ва қилмаслиги ҳам мумкин, шартноманинг мазмун ва шартлари тарафлар томонидан белгиланади, шахслар манфаати фақат унинг талабига кўра муҳофаза қилинади.

Оммавий хукуқда эса бундай танлов имконияти, яни муқобиллик йўқ (масалан, солиқ тўлаш ёки тўламаслик ҳақидаги масалани шахснинг ўзи ҳал қилолмайди). Бунда субъектлар автономияси (танлаб олиш имконияти) чексиз эмас, у оммавий хукуқ доирасидан чиқолмайди. „Хусусий келишув оммавий хукуқ кўрсатмаларини ўзгартира олмайди“, — дейилган Дигестларда (Д. 2.14.38).

Рим хукуқшунослигида оммавий хукуққа қараганда хусусий хукуқ кўпроқ шаклланган. Унда ҳаётнинг энг нозик томонидан майда икир-чикирларигача тартибга солинган ва амалда қўлланилиб, такомилига етган. Унда товар ишлаб чиқариш ва айирбошлишга доир таърифларнинг барчаси аниқ ишланиб, маромига етказилган.

Рим хукуқида кишилик жамиятининг хукуқий маданиятига хос тараққиётнинг маълум бир даври ва босқичи бой юридик хужжатлар билан шундай акс этганки, ўзининг миллий ва жуғрофий жиҳатларидан қатъи назар, уни ҳар бир кишилик жамияти, ҳар қандай маконда ва ҳар қандай замонда чуқур ўрганиши керак. Чунки у ўзининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаёқ бутун башарият тажрибаси ва тафаккур ривожига суюниб, унинг энг олий ақлий ютуқларини ўзига сингдирган. Зоро, Рим империяси энг тараққий топган пайтларида дунёнинг кўзга кўринган давлатларини ўзига қўшиб олган эди. У Шотландиядан Мисргача, Гибралтардан Жанубий Кавказгача бўлган катта майдонни, Ўрта денгиз ва Рейн оралиғидаги Болқон ярим оролини, Кичик Осиё ва Африка-

нинг каттагина қисмини эгаллаган эди. Ўрта дengiz атрофидаги мамлакатлар билан эса улар эгалланмасидан илгари ҳам қизғин савдо-сотиқ алоқалари ўрнатилган эди.

Демак, Рим хукуқи Шарқ ва Farb халқарининг ақлзаковати эришган муваффақиятларга суянган ҳолда ривож топган эди. Аммо Рим давлатининг бунчалик қенгайиши ва бошқа халқарнинг бўйсундирилиши натижасида Қадимги Рим фуқаролик (цивиль) хукуқлари иш бермай қолган. Бу даврга келиб халқаро масалалар тез-тез кўтарилиб турган. Шу боис миллийлик ва маҳаллийчиликдан фориф бўлган янги ҳуқуқий нормалар зарур бўлиб қолган.

Римликларнинг тарихий хизматлари шундан иборат бўлдики, улар турли жойлардаги турли миллат халқлари ҳуқуқий нормаларини синтез қилиш, қайта ишлаш натижасида халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқдилар, уларни универсал, батартиб ва яхлит конун-коидалар тизимига айлантириб, **Юстиниан Кодификацияси** шаклида кейинги авлодларга етказдилар.

Конуншунос олимлар эса эришилган ушбу ютуқларни янада ривожлантириб, авлоддан авлодга етказа бордилар. Рим ҳуқуқининг дунё бўйлаб тарқалишига яна икки нарса сабаб бўлди: биринчидан, ушбу ҳуқуқнинг мавҳумлиги, яъни у аниқ бўлмаганилиги учун, хусусий мулкка тегишли ҳар қандай ҳолатда ҳам, турли ўзгаришлар билан бўлса-да, кўлланилиши мумкин бўлган; иккинчидан, Рим хусусий ҳуқуқининг хусусий мулкчилик ҳақидаги ҳуқуқий тизимлар ичida энг баркамоли эканлиги. Шунинг учун ҳам Рим ҳукуқи асослари бутун дунёда қабул қилинган ва турли халқлар уни ўз шароитларига мослаштира бошлаганлар.

Собиқ Иттифоқ давридагина ўзгача ҳолни кўрамиз. Мазкур жараён, биз ҳеч қандай хусусий мулкни тан олмаймиз, деган таълимотда ўз ифодасини топган янги тузум иқтисодиётдан Рим ҳуқуқлари мажмуасига эмас, „инқилобий“ ҳуқуқий онга асосланишни талаб қилди. Бу „инқилобий“ ҳуқуқий онгнинг нимага олиб келгани эса эндиликда ҳаммага маълум.

Ўзининг универсал хусусиятлари туфайли Рим ҳукуқи кейинги давр (XII—XIII асрлар) Farbий Европа феодал давлатларида ҳам қабул қилинди. Бу воқеа улар учун ўз вақтида муҳим ижобий ютуқ бўлди. Чунки у *товар ишлаб чиқариш, савдо ишлари, молия ишлари ва, умуман, буржуа капиталистик муносабатларининг юзага келиши ва тараққий топишига ижобий таъсир кўрсатди*.

Францияда буржуа инқилобининг ғалабаси (1789—1794) ва, айниқса, Наполеон Бонапарт даври (1804—1810)да юзага келган янги кодекслар туфайли Рим ҳуқуқи барча эътироф этган буржуа ҳуқуқларининг, кўпроқ фуқаролик ҳуқуқларининг манбайи бўлиб хизмат қилди.

Ўз-ўзидан маълумки, унга янги буржуа муносабатлари юзага келтирган қонун-қоидалар таъсир этмай қолмаган. Аммо шуниси ҳам аниқки, бу қонунлар негизида ҳам Рим ҳуқуқи асослари муҳим ўрнини йўқотмаган. Бу ҳолатни биз фақат Франциядагина эмас, балки Наполеон қонунчилигига асосланган барча Европа мамлакатларида кўрамиз.

Рим ҳуқуқи қонунлари бизнинг кунларда ҳам деярли барча демократик давлатлар қонунчилигига ўз таъсирини ўтказган, дейиш учун асослар бор. Энг аввало, унинг тизими тез ўзгариб турадиган турмуши шароитига мослаша олган, унинг ижодий рухи, яъни воеаларга котиб колган назар билан эмас, балки уларни чуқур тушуниш, моҳиятини ўрганиш орқали ёндашиб хусусияти, унинг *атама* (термин)лари ва бошқа жиҳатлари жаҳон қонун ижодкорлиги маданиятига кирган энг муҳим бойлиқdir.

Рим юристлари судларга ҳам қонун доирасида маълум даражадаги эркинликлар бериш тарафдори бўлганлар, чунки улар қонунга ўзгармас бир қоида деб қарамаганлар. Аксинча, улар қонун сўзларини воеалар оқимига қараб оқилона ва одилона талқин этиш лозим бўлган кўрсатмалар деб билганлар.

„Одамлар манфаати учун киритилган нарсаларни, қонундан цитаталар келтириш йўли билан уларнинг зарарига айлантириш адолатдан эмас“, — деган Эди Рим қонуншуноси Модестин. Бошқа бир қонуншунос Ульпиан эса: „Агар ҳуқуқ адолатга тўғри келмаса, унда адолат тарафини олиш керак“, — дейди. Шундай қилиб, Рим ҳуқуқида адолат ҳар қандай қонундан устун турган.

Рим ҳуқуқи мажмуаларида фуқаролик ҳуқуқига қарангда хусусий ҳуқуқقا кўпроқ эътибор берилганлиги; хусусий ҳуқуқнинг кўпроқ тарақкий этганлиги, шахслар орасидаги муносабатларнинг энг чалкаш, чигал ва нозик томонлари ҳисобга олинганлиги; товар ишлаб чиқариш, алмашиш ва савдо-сотиқнинг турли шакллари натижасида юзага келадиган муносабатлар ҳар томонлама таҳлил этилганлиги бунинг асосий сабабларидан бири эканлигини эътироф этиш лозим бўлади. Аммо, шу билан бирга, Рим фуқаролик ҳуқуқи асосларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Хусусий

хукуқ ва фуқаролик хукуқи орасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш лозим бўлади. Рим юристлари ва магистрлари (амалдорлари)нинг фаолияти оммавий хукуқ қонунияти чегарасидан чиқмас эди. Хусусий хукуқ кўпинча оммавий хукуқ нормалари билан қўллаб-қувватлантирилган. Бундан заиф қонун чиқариш натижасида маъмурий ва суд фаолияти ҳам амалда мумкин бўлмай қолар эди.

Оммавий хукуқ хусусий хукуқ қурилиши ва тараққиётининг асосларидан бири бўлиб хизмат қиласи. Рим юристларнинг „хусусий ҳукуқ оммавий ҳукуқ кўрсатмаларини буза олмайди“, — деган сўзлари ҳам мазкур фикримизни тасдиқлайди.

Улыпианнинг сўзларига қараганда, ҳукуқни ўрганиш икки бўлимдан иборат бўлмоғи керак: 1) оммавий ва 2) хусусий. Рим давлатининг ҳолатига тааллуқли ҳукуқ — оммавий; алоҳида, якка шахсларга тааллуқли; уларнинг манфаатларини ҳимоя этувчи ҳукуқ эса хусусий ҳукуқ ҳисобланади.

Руҳонийлар ва магистрлар фаолияти оммавий ҳукуқ доирасида кечади. Хусусий ҳукуқ эса хусусий шахслар манфатини ёқлайди. Улар ҳукуқ субъекти ҳисобланадилар ва қонун олдида барчалари баробардирлар. Бунга хусусий мулк ва унга эзалик ҳукуқи, шартномаларда эътироф этилган мажбуриятлар, оиласи муносабатлар, ворислик ҳукуқлари киради.

Ҳозирги замон ҳукуқшунослигида хусусий ҳукуқ деганда, *фуқаролик ҳукуқи* ёхуд *фуқаролик* ва *савдо-сотиқ ҳукуқини* биргаликда тушуна бошладилар.

Оммавий ва хусусий ҳукуқлар орасидаги фарқ шундан иборатки, оммавий ҳукуқ нормалари буйруқ ва фармонларга асосан юзага келади ва барча учун мажбурийдир. Хусусий ҳукуқ нормалари эса тарафларнинг келишуви асосида қўлланилади, унда фармонлар асосида тасдиқланган нормалар кам учрайди.

Масалан, XII жадвал қоидалари ичida ҳам қарз шартномалари ҳақида „тарафлар қандай келишсалар, шундай бўлсин, шу ҳукуқ бўлсин“ сингари қоидалар мавжуд. Хусусий ҳукуқ нормалари орасида „тўлдирувчи“, „шартли равишда“, деган диспозитив хусусиятга эга қоидалар ёки кўрсатмалар бор. Бу эса ҳукуқ субъекти норматив кўрсатмалардан ўзи истаган тартибда фойдаланиш ҳукуқига эга эканлигини билдиради.

Рим юристларнинг асарлари кўпроқ хусусий ҳукуқ масалаларига бағишлиланган. Оммавий ҳукуқ таҳлили уларда камроқ учрайди. Аммо, шунга қарамай, улар оммавий ҳукуқ

**Борасида ҳам кўп ишларни амалга оширганлар. Улардан давлат ҳукуқи, жиноят ва суд процесслири ҳақида муҳим холосалар бизгача етиб келган.**

**Бевосита Рим фуқаролик ҳукуқи асосларига ўтишдан оддин Рим Республикаси даврида бўлган давлат органлари билан қисқача танишиб чиқиш лозим, чунки ана шундагина бу ҳукуқ нормаларининг мазмунини чукур тушуниш мумкин булади.**

## **2- §. РИМ ҲУҚУҚИННИГ ТАРКИБ ТОПИШИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ**

**1. Сенат.** Сенат Рим Республикасининг етакчи органи ва Рим аслзодаларининг таянчи бўлган. Сенат аъзолари сайланмаганлар, улар консуллар ва (кейинроқ) цензорлар томонидан тайинланганлар. Аввалига сенат аъзолари фақат патрицийлардан тайинланиб, кейинчалик плебейлардан ҳам қўшилган. Сенат 300 кишидан иборат бўлган. Сенаторлар рўйхати ҳар беш йилда янгиланиб турилган, аммо янгиси эскисидан кўп ҳам фарқ қилмаган. Шундай қилиб, сенаторлик лавозими бир умрга қолган. Сенаторлар олтин узук тақиши, қизил этик ва кенг қизил ҳошияли тўн (того) кийиш каби фахрий ҳукуқларга эга бўлганлар.

Сенат мажлиси консул томонидан чақирилган ва унинг раислигига ўтган. Сенатда овоз бериш ўз номларини кўрсатиш ёки икки томонга ажралиш йўли билан ўтказилган. Сенат расман қонун чиқарувчи ташкилот ҳисобланмаса ҳам, амалда унинг қарорлари (*Styfnus consulta*) қонун кучига эга бўлган ва магистрлар томонидан сўзсиз бажарилган.

Халқ мажлисларининг қарорлари эса Сенатда тасдиқланиши лозим бўлган. Бу жараён „оталар томонидан маъқулланиши“ (*auctoritus partum*) деб аталган. Сенат магистратурани назорат қилган, консул бўлмаган пайтларда янги консул сайлангунича сенаторлардан беш кунлик муддатга консул тайинланган ва ҳар беш кунда узгартириб турилган. Сенат давлатни идора қилиш соҳасида жуда кенг ҳукуқларга эга бўлган. У давлатнинг даромад ва буромад (кирим ва чиқим) бюджетларини тузган, давлат мулкини ва бошқа давлатлардан тортиб олинган ерларни идора қилган, уруш ёки кўзғолонлар вақтида ҳоким (диктатор)ни тайинлаш ҳам Сенатнинг вазифасига кирган. Уруш эълон қилиш ҳам, сулҳ тузиш ҳам сенат ихтиёрида бўлган. Уруш вақтида қуролли кучларни

ҳар томонлама таъминлаш ҳам, улардан қайси жабҳада фойдаланиш ҳам, асирларни алмаштириш, қутқариш ва бошқа шу сингари масалаларнинг барчасини Сенат ҳал қилган. Сенат диний ишлар ва хорижий давлатлар билан муносабатларга доир ишларни ҳам у ўз қўлида тутган.

2. **Магистратура.** Римда сайлов йўли билан тайинланадиган амалдорлар *магистрлар* деб юритилган. Одатда бир йилга сайланган амалдорлар халқ мажлиси олдіда жавобгар бўлганлар. Масалалар халқ мажлиси аъзолари билан бамаслачат ҳал қилинган, аммо улар ҳар қандай масалаларни ҳам кўпчилик овоз билан ҳал қиласкерганлар. Лекин, шу билан бирга, ҳар бир магистрат ўз ҳамкасбининг ишига аралашиши, ҳатто унинг ҳукмини бекор қилиши, ўзгартириши ҳам мумкин бўлган.

Рим магистрларининг ҳуқуқлари икки хил бўлган: улардан биринчи турқуми *imperium* деб аталса, иккинчиси *Potestas* дейилган. *Imperium* доирасига кирувчи мухтор ҳуқуқлар куйидагилардан иборат бўлган:

1) қўшинларга олий қўмондонлик қилиш ва уларни ташкил этиш; зобитларни тайинлаш; рақиб билан сулҳ тузиш;

2) Сенат ва халқ мажлисини чақириш ҳамда уларга раислик қилиш;

3) ҳарбий ва фуқаролик юрисдикциясига эга бўлиш, яъни судлов ишларини олиб бориш;

4) фармонлар чиқариш ва уларнинг ижросини назорат қилиш.

*Potestas* — кичикроқ ҳокимият бўлиб, буйруқлар чиқариш ва жарималар солиш билан шуғулланишдан иборат бўлган. *Imperium* — фақат олий мансабли амалдорлар, яъни олий ҳоким, консуллар ва преторларга, *Potestas* эса қолган барча магистрларга мансуб бўлган. Шунга мувофиқ, магистрлар *sunt imperio* (империяли) ва *sine imperio* (империясиз) деб юритилганлар. Рим амалдорларининг мухтор ҳуқуқлари турлича бўлган. Улар орасида: консуллар алоҳида мавқега эга бўлганлар, шунинг учун ҳам баъзи романистлар уларни подшоларга тенглаштирганлар. Масалан, олий ҳарбий ҳокимият, молиявий ҳокимият, суд ҳокимияти, урушларда кўлга киритилган ўлжаларни тақсимлаш ва бошқалар консулнинг вазифаларига кирған. Аммо шундай кенг ҳуқуқларга эга бўлишига қарамай, консулнинг ҳаракатини чекловчи омиллар ҳам бўлган. Чунончи:

1) унинг магистратлик муддати фақат бир йил бўлган;

2) у бошқалар билан бамаслачат иш юритиши лозим

**бүлган**, зеро бошқа магистратлар унинг буйругини ўзгартиришлари ва ҳатто бекор қилишлари ҳам мумкин бўлган;

3) шаҳар ҳудуди доирасида қўлланиладиган консул фармонлари юзасидан халқ мажлисига шикоят қилиш мумкин бўлган;

4) Сенат уруш вақтида ҳам консулни назорат қилган, маблағлар сарфини текшириб туриш учун *guaestor* (квестор) деб юритилган маҳсус одамни юборган.

Консуллардан ташқари, *плебейлар* (яъни халқ) трибуналари ҳам мавжуд бўлган. 494 йилдан бошлаб плебейлар ўз ораларидан маълум бир амалдорни сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Плебей трибуналари (минбарлари, нотиқлари) деб аталган ушбу амалдорлар магистрларнинг манфаатига зид бўлган ҳар қандай фармон ва буйруқларга аралашишлари мумкин бўлган. Уларнинг шахси муқаддас ва дахлсиз ҳисобланган, трибун ҳётига қасд қилганлар ўлим жазосига ҳукм этилганлар. Улар алоҳида *consilia plebis tributa* деб аталган плебейлар мажлисида 2 кишидан иборат қилиб сайланганлар ва Сенат, ҳатто консулларнинг ҳарбий фаолиятини назорат қитувчиларга айланганлар. Кейинчалик уларнинг сони беш, ҳатто ўн кишига етказилган.

3. **Диктаторлар** (хукмдорлар) амалининг қачон пайдо бўлгани номаълум. Подшолик даврида ҳам хукмдорлар мавжуд бўлган ва улар *magister populi* деб аталганлар. Республика даврида бундай хукмдорлар фавқулодда ҳолатларда, хусусан, ички қўзғолонлар ёки катта урушлар пайтида тайинланганлар ва уларга фавқулодда ҳуқуқлар берилган.

Консулдан тортиб магистрларгача — барча диктаторга бўйсунган. Диктатор олти ой муддатга тайинланган. Диктатор зиммасига юклатилган вазифасини адо этиб бўлгач ёки ундан олдин ҳам вазифасидан озод этилган. 216 йилдан сўнг бу амал умуман қўлланилмаган.

4. **Цензор.** 444 йилда *цензор* (мухтасиб) амали жорий этилади. Унинг вазифаси назоратчилик бўлиб, у давлат мулкини бошқарган, солиқ солиш, босиб олинган ерларни назорат қилиш, давлат иморатларини барпо этиш, бошқариш ишлари билан шуғулланган. У сенаторликка тавсия этилган кишиларнинг ахлоқи ва мулкий ҳолатларини яхши билган.

5. **Эдиллар** — бозор-учар ишлари, Римни нон билан таъминлаш, шаҳар тозалиги масалалари билан шуғулланганлар.

**Халқ мажлислари** — республика даврида уч хилдаги халқ мажлислари амал қилган. Улар *comitia curiato*, *comitia conturiata*, *comitia tributa* деб аталган.

**1. Куриат халқ мажлислари** — уруғчилик даврларидан қолган қабилаларо йиғилишлар бўлиб, уларда плебейлардан ташқари, фақат Рим фуқаролари қатнашганлар. Милодий III асрга келиб уларнинг таъсир кучи камая борган. Улар расман магистрларни турли лавозимларга тайинлаш, фарзандликка олиш, ворислик масалалари, хусусан, васиятномалар тузиш билан ҳам шуғулланганлар. Римда бу дастлабки давлат органлари бўлиб, кейинчалик демократлаштириш томонга ўзгарган.

**2. Центурат мажлислари** — Рим халқининг ҳаммаси қатнашадиган — жуда муҳим мажлис бўлган. Овоз бериш центурияларда ўtkазилган. 193 та центурия мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида овозга эга бўлган. Уларга магистратлар (консуллар, претор)ларни сайлаш, ўлим жазосидан афв сўраганлар аризасини кўриш каби вазифалар юклатилган.

**3. Триб ёки ҳудудий округ мажлисларига патрицийлар ҳам** плебейлар ҳам, қатнашганлар. Уларнинг қарорлари „*популю-сцитлар*“ деб аталган. Мажлисга фақат плебейлар йигилган бўлса, унинг қарори „*плебесцит*“ дейилган. Плебесцит барча фуқаролар учун бирдек кучга эга қонун ҳисобланган.

### **3- §. РИМ ҲУҚУҚИННИГ ТАРИХИЙ ДАВРЛАРГА БЎЛИНИШИ**

Ўзининг минг йилдан ортиқ тарихи даврида Рим ҳукуқи замон ўзгаришларига ва ҳодисаларига қараб турли ўзгишларга учраши табиий бир ҳол эди. Бу эса Рим ҳукуқи тарихини даврларга бўлиб ўрганишини тақозо этади. Зеро бундай усул ҳар бир даврнинг ўзига хос томонларини ажратиб, ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини беради.

Ҳозирги замон романистика илми Рим ҳукуқи тарихини беш даврга бўлади. **Булар:**

- 1) қадимий (архаик) давр — мил. ав. 753—367 йиллар;
- 2) классик даврдан олдинги давр — мил. ав. 367—17 йил;
- 3) классик давр — мил. ав. 17 йилдан милодий 235 йилгача;
- 4) классик даврдан кейинги давр — милодий IV—V асрлар;
- 5) Юстиниан даври — 527—565 йиллар.

**1. Қадимги давр.** Рим ҳукуқи тарихининг бу даври мил. ав. 753 йилдан, яъни Рим шаҳрига асос солинишидан бошланган. Бу даврда шаҳар преторлиги ташкил топган. Албатта, жамият ҳаётини ҳукуқий тартибга солиш анъаналари римликларда Апенин ярим оролини италияликлар (Кельт қабила-

**лари)** эгаллаб, ўзлаштиришларидан анча илгари бошланган. Аммо кўрсатилган даврий чегарада жамиятда моддий дунёга Қизиқиш кучайган, ташқи дунёни мустақил ўзлаштираётган шахс, яъни қабила, уруғдан ташқарида яшовчи инсон ҳам тан олина бошланган.

Римдаги қадимий жамоачилик анъаналари киши ўзини оиласнинг бир бўлаги деб тасаввур қилган давр хусусиятларини акс эттирган. Оиласнинг яшаш жойи ҳам (аждодлар қабри билан бирга) муқаддас ҳисобланган. Ундан ташқаридаги дунё **бегона** ҳисобланган. Ижтимоий муносабатлар ҳам мана шу ақидага асосланган. Нарсалар алмашиш ҳам иқтисодий хусусиятга эга бўлмай, фақат алоқа воситаси бўлган.

Бундай алоқалар бегона оиласларни яқинлаштирган, душманларни дўстлаштирган. Бошқалар билан дўстлашган одам ўзини ҳам шахс сифатида тан ола бошлаган. Бундай дўстлик садоқат (*fides*) (афсун-жоду) ва *диний восита* (қасам, фол очиши, тотемлар алмашириш ва ҳ. к.)лар билан мустаҳкамланган. Сўнгра шулар асосида турли маросимлар пайдо бўлган. Уларнинг бажарилишини алоҳида *коҳинлар* (руҳонийлар) назорат қилиб турганлар. Римликлар ўз хукуқий ривожланиш тарихининг ilk давриданоқ алоҳида суд *хукмронлиги* (*iurisdictio*) га эга бўлганлар.

Ромулдан бошлаб барча кейинги подшолар шундай хукмронлик хукуқига эга бўлганлар. Хусусий низолар ва баҳсларни подционинг ўзи текширган, муҳокама қилиб, хукм чиқарган. Қонун чиқариш хукуқи ҳам подшога тегишли бўлган. Ижтимоий муносабатлар ҳақида у бир ечимга келиб, уни куриялар бўйича ҳалқ мажлисига киритган. Деярли барча ҳолларда мажлис уларни ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилган, яъни тасдиқланган.

Мил. ав. 509 йилда подшоларнинг кувилиши билан суд ҳокимияти ва қонун чиқариш фаолияти икки олий магистрат, яъни консуллар ва сенат зиммасига тушган. Улар зода-гонлар кенгаши ҳисобланган.

Республиканинг ташкил топиши ҳалқ мустақиллигининг фалабаси (*populus* ва шундан „*Publikus*“) ва Римнинг фуқаролар жамияти (*civitas*)га айланишини билдирган.

Бу жараённи мил. ав. VI асрда хукмронлик қилган Этрусс сулоласининг подшолари бошлаб берганлар. (Подшо Сервий Тулий ислоҳотлари.) V асрга қелиб Римда икки табақа — патрицийлар ва плебейлар мавжуд бўлган. Плебейлар ўз магистратларига эга бўлиш хукуқини қўлга киритганлар. 367 йилга қелиб эса консулларнинг биттаси, албатта, плебейлардан

сайланишини белгилаб берган қарор чиқсан. Патрицийлар шаҳарни идора қилиш учун олий ҳоким — „*шаҳар претори*“ (*praetor urbanus*) мансабини жорий этгандар. Бу эса суд ҳокимиятининг алоҳида институт сифатида ажралиб чиқишини билдиради. Қадимий давр шулар билан ифодаланади.

**2. Классик даврдан олдинги давр.** Миллодан аввалги 367—17 йилларни ўз ичига олган бу даврда Рим Республикаси ўз тараққиётининг энг юксак чўққисига етган ва инқирозга дуч келган. Бу давр охирида, яъни мил.ав. 27 йилдан бошлаб **Август** ҳукмронлиги ўрнатилган. Плебей трибуналари, консерватор сенатчилар партияси, ҳарбийлар орасидаги курашлар қизғин тус олган;

Римда узоқ вақт давом этган фуқаролар уруши фақат Октавиан Августнинг янги — *принципат* тузуми ўрнатилиши билангина барҳам топган.

Рим ҳукмронлиги Европа, Осиё ва Африкадаги катта худудларга тарқалган. У Италияни тўлиқ эгаллаб, Ўрта денгизга чиқсан ва Карфаген билан урушга киришган (264 йилдан).

Бу урушдаги галабалар Римнинг денгиз орти давлатлари устидан ҳам ҳукмронлик қилишига олиб келган. У ерларда ҳам *консуллар* ва *преторлар* вазифасини бажарувчилар пайдо бўлган.

Шундай қилиб, классик даврдан олдинги даврни янги *муносабатлар*, янги ҳуқуқий нормаларнинг қарор топиш даври дейиш мумкин.

**Расмий** (раткул) шаклга риоя қилинса ҳам, ҳар икки тарафнинг розилиги билан тузилган контрактлар эндиликда преторлар томонидан ҳимояга олинади. Аммо претор XII жадвал қонунларига риоя қилиши шарт бўлган.

Мил. ав. II асрнинг иккинчи ярмида **Эбүций қонуни** билан (*lex Aebutia*) янгича судлов тартиби жорий этилган. Кейинги юз йилликда Рим ҳуқуқий тизими анча мураккаблашиб, фуқаролик даъволари қаторига претор даъволари қўшилган. Бу билан фуқаролик ҳуқуқий нормаларига тўғри келмаган ва ҳатто зид бўлган даъволарни ҳам ҳимоя қилиш мумкин бўлган. Бу эса ишнинг ҳал этилишини чўзиб, чалкаштириб юборган. Ушбу норма мил.ав. 17- йилда одил судловни юритиш тўғрисидаги подшо Август қонунининг қабул қилиниши билан бекор қилинган.

Бу давр ҳуқуқшунослиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири ҳуқуқшуносликка оид ҳужжатларнинг диалектик метод асосида тартибга солиниши бўлган. Бунинг

**натижасида хуқуқшунослик тартибға келтирилган фан (ars) хусусиятига эга бўлган.** Бу соҳада пайдо бўлди. **Цицерон, Сервий Руф, Арабан Вар, Эпитетома Павел** каби кўплаб хукуқшунос олимлар етишиб чиққан.

Юридик қонунларни тартибга солиш ҳақида Цицерон ўзининг „**Нотиқ ҳақида**“ асарида шундай ёзди: „*Аввалига бутун фуқаролик ҳуқуқини турларга бўлиб чиқши лозим, кейин бу турга киргандарни яна хилларга тақсимлаш, кейин ҳар бирини таърифлаш орқали аҳамиятини баён қилиб, фуқаролик ҳуқуқи ҳақида мукаммал фанга эга бўласиз*“. Бу даврда Рим босиб олган ҳудудларни идора қилиш учун муниципал қонунлар ҳам ишлаб чиқилган. Классик даврдан олдинги давр қисқача шулар билан таърифланади.

**3. Классик давр.** Рим ҳуқуқининг бу босқичи янги сиёсий тартиб ўрнатилган принципат тузуми даврига тўғри келади. Фуқаролар урушидағолиб чиққан **Октавиан Август** мил. ав. 17- йилда асос солган бу тузум милоднинг 235 йилида **Александр Север** ўлими билан инқирозга юз тутган.

Август тузган *маслаҳат кенгashi* (*konsilium*) кўп масалаларда Сенат ўрнига ўтган. Август *плебейлар трибуни* вазифасини ўзидан соқит қилган, аммо у хоҳлаган магистратининг қарорига вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу даврдан бошлаб янги сиёсий тузум батамом шаклланиб бўлган. Давлатни идора қилишнинг бундай усули сенат билан сиёсий ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш ва империяни самарали бошқариш имконини берган.

Император Август даврида *максус девонлар* (идоралар), масалан, *Цезарь ёзишмалари*, шахсий кишилар илтимосларига жавоблар тайёрлаш идораси, император номига келган шикоятларни кўриб чиқиши идораси ва бошқалар пайдо бўлган.

Кейинчалик, бу бюрократик тузилмалар кучая борган. Унда император амалдорлари муҳим мавқени эгаллаганлар. Бу даврда Рим империяси Европада ўз чегараларини Шотландиягача кенгайтиради, жанубда Мисрни қўшиб олади, марказ ва чет ўлкалар билан муносабатлар тартибга солинади. Бу эса Рим хусусий ҳуқуқининг такомиллашувига, фуқаролик ҳукуки нормаларининг ривожланишига олиб келади.

Бу даврда кўпроқ консерватив дунёқарашибга эга бўлган **Амей Капитан** ва ижодий ёндашиш тарафдори **Лабсон** каби қонуншунослар фаолият кўрсатдилар. Улардан қолган бир қатор (30 тача) асарлар классик давр қонуншунослигини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади.

Классик даврда ҳам күплаб машхур ҳуқуқшунослар фаолият күрсатғанлар. Улар ўз мактабларини яратиб, „*қириқ ёриб*“ ёзган асарларида Рим ҳукуқи ва, умуман, ҳуқуқшунослик фани ҳақида инсониятга жуда қимматли фикрлар ёзиб қолдирғанлар. Булар орасида **Гай, Юлиан, Пий, Кассий, Собин, Прокул, Лобеон** ва бошқалар бўлган. Уларнинг асарлари ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган.

XIX аср олимлари **A. Рудольф** ва **O. Ленель** шундай бой манбалардан фойдаланиб, мил. ав. I асрда вужудга келган **Преторлар эдиктигининг** барча бўлимларини тиклаб чиққанлар. Бу эдикт асосан тўрт қисмидан иборат бўлган: 1- бўлим — суд муҳокамасигача бўлган тарафлар ҳукуқи ҳақида; 2- бўлим — алоҳида даъволар ва уларнинг шакллари ҳақида; 3- бўлим — суд қарорининг бажарилиши ҳақида ва 4- бўлим — преторларнинг алоҳида ҳимоя воситалари ҳақида бўлган. **Муниципал қонунларнинг** турли вариантлари ва, умуман, бу даврдан қолган ҳужжатлар қонуншунослик тарихини ўрганишда жуда муҳим ўрин тутади.

**/ 4. Классик замондан кейинги давр (IV—V асрлар).** Бу даврга чуқур *сиёсий* (доминатнинг шаклланиши), *маданий* (христианликнинг қарор топиши) ва Европанинг қиёфасини кўп асрларга белгилаб берган илк ўзгаришлар хос. Бу даврда республикани идора қилишда ҳам яхлитлик бўлмаган, ҳар бир подшо ўзича йўл тутишга ҳаракат қилган.]

Даврнинг ҳуқуқий тараққиётига келсак, у ҳам *бюрократик* (расмиятчилик, тўрачилик), давлатни феодаллаштириш ва шахс эркининг тушқунлигига мослашган ҳолда инқирозга учрай борган. **Константин** замонида тажрибага суюнган ижобий ҳуқуқ эдикт шаклидаги *император конституцияси* эди. Бу даврда идора ишларининг сифати кескин пасяди. Юридик қонунларнинг тили ва ифода йўсини классик даврга асло тенглаша олмайди. Бу давр юристлари ижодий ёндашувдан фойдаланмаганлар, чунки уларга қолган ҳуқуқий мерос улуг ва қудратли, унинг обрўи жуда баланд бўлган.

Классикларнинг бу асарлари дарслер вазифасини ўтаган, уларга арзимас қисқартиш ва ўзгаришлар киритилган, холос. Бу йўсин давр одати бўлиб қолган. Масалан, IV аср бошида Ульпианнинг „*Redulae*“ китоби асосида ундан қисқароқ дарслер тузилган. Шундай кўлланмалар бошқа китоблар асосида ҳам тузилган ёки уларнинг мазмуни императорлар чиқарган фармон-қонунларни изоҳлашдан иборат бўлган.

IV аср охирларидан бошлаб **қонуншунослик** мактабларида хукуққа нисбатан классик даврдагидай муносабат ривожлана бошлаган: *қироатхонлик*, қуруқ ёдлаш кучайган. Классик даврдаги обрўли олимлардан узундан-узоқ *иқтибослар* (цитаталар) олиш одатга айланган. Ушбу олимларнинг ишларига тарихий ёндашув ўрнини уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзгармас ақида сифатида қабул қилиш авж олган.

Университетларда юристларни тайёрлаш **Гайнинг** энг оддий асарлари билан таништиришдан бошланган. Сўнгра эдиктлар (у ҳам Ульпиан талқинида), ундан кейин **Папиниан** асарлари ўқитилган. Шундан кейингина амалий ишга ва Павел асарларини мустакил ўрганишга ўтилган. Факат 5- йилига келиб хусусий профессорлар раҳбарлигига конституцияни ўрганишга киришилган. Классик давр муаллифларининг кўпгина асарлари ёки улардан йиғилган парчалар турли хрестоматиялар кўринишида ёхуд бошқа шаклларда бизгача етиб келган.

✓ **5. Юстиниан даври.** Юстиниан даврида хукуқшунослик ва хукуқий илмга бўлган талаб ва қизиқиш давлат даражасига кўтарилилган.

Император Юстиниан классик давр хукуқ фанининг кўлга киритган ютуқларига суюниб хукуқшуносликда маълум барқарорликка эришишга ҳаракат қилган ва бунга муваффақ ҳам бўлган. У юридик илмнинг қайта уйғонишига эришиди ва бу „**Юстиниан классицизми**“ деб аталди.

Норматив барқарорликка эришишга ҳаракат қилган император ва унинг идоралари *классик* меросга таянган ва қонунларни *кодификация* қилган. Бу эса жуда кўп эдикт тўпламлари, императорлар фармонлари ва, умуман, *юридик мавзудаги* шоҳ асарларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бу асарлар бутун Европа учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Юстиниан кодекси император Адриандан то **Юстиниангача** (534 йилгача) бўлган императорларнинг конституцияларини ўз ичига олади. Улар кўпинча қисқартирилган ҳолда берилган ва эскириб қолган атамалардан тозаланиб, таҳрир қилиб чиқилган. Улардан кейин Юстиниан эълон қилган янги фармонлар келтирилган.

Юстиниан кодификациясида энг муҳим ўринни „*Дигестлар*“ эгаллаган. Бу нашр классик юридик матнларнинг энг муҳимларининг бизгача етиб келишига сабаб бўлган.

XI асрда италияликларнинг ўzlари ҳам шу китоб орқали қадимги классик давр Рим хукуқини қайта кашф қилганлар ва бутун Европа мамлакатларида уни қайта-қайта нашр қилиб ўрганганлар.

Дигестлар китоби 38 хуқуқшуноснинг 275 китобидан олинган асарлардан ташкил топган бўлиб, тузувчилар фақат биринчи манбалардан фойдаланганлар ва уларни аниқ кўрсатиб ўтганлар.



### *Nазорат учун саволлар*

1. Рим хусусий хукуқи нима?
  2. Рим хусусий хукуқининг предмети нимадан иборат?
  3. Рим хусусий хукуқининг дастлабки шакллари қандай бўлган?
  4. Цензорларнинг вазифалари нималардан иборат бўлган?
  5. Диктаторлар ва эдиллар кимлар?
  6. Сенат ҳақида нима биласиз?
  7. Халқ мажлислари неча хил бўлган?
  8. Қадимги даврга хос хусусиятлар нималардан иборат?
  9. Илк классик даврининг асосий белгилари нималарда кўринади?
  10. Классик давр нима учун „классик“ дейилади?
  11. Юстиниан давридаги асосий, ўзгарышлар нималардан иборат?
-

## II боб. РИМ ХУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

### 1- §. РИМ ХУҚУҚИ МАНБАЛАРИ

Рим ҳуқуқи манбаларининг муҳим томонларини теранроқ тушунмоқ учун аввал уларнинг аниқ таснифи билан муфассал танишиб чиқиш лозим бўлади. Шу боис энди турли табақа ҳуқуқларининг таърифига ўтамиз. Аввало шуни қайд этиш лозимки, ҳуқуқнинг мазмуни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни билан боғлиқ деган гапда ҳам жон бор, аммо, шу билан бирга, жамиятнинг маънавий ҳолати ҳам бунда катта аҳамиятга эга.

Рим ҳуқуқи билан шўгулланган олимларнинг кўпчилиги ҳокимият тепасида турган синф вакиллари ўз ҳоҳиш-иродаларини, инон-ихтиёрларини ҳуқуқ йўли билан ўтказишга интилганликларини ва бунга Эришганликларини таъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам улар ҳукмрон синфнинг иродади-ихтиёрини Рим ҳуқуқининг **асосий манбай** деб ҳисоблайдилар. Аммо бу ироданинг шаклланишида асосий ўринни эгаллаган манбалар ҳам мавжуд ва улар одат, қонунчилик, магистрлар эдиктлари, ҳуқуқ фанларидан иборат. **Куйида уларга алоҳида тўхталамиз.**

1. Одат — инсонлар ҳаётида, аждодлар турмушида юзага келиб авлоддан авлодга ўтиб, ривожланиб келадиган одоб-ахлоқ нормалари.

Одат, расмий хужжатда ёзилиб мустаҳкамланмаса ҳам ҳалқ онгида сақланиб келади ҳамда кўп марта такрорланиши натижасида норматив кучга эга бўлиб кетади ва ҳаёт муаммоларини тартибга солишга хизмат қиласи.

Рим ҳуқуқшуноси **Помпоний**: „*Давлатчилигимизнинг бошланғич даврларида ҳалқ аниқ ёзилган қонунларсиз, аниқ қайд этилган ҳуқуқий қоидаларсиз яшаган ва ҳамма нарса рекслар ҳукми билан бошқарилган*“; — деб ёзган эди.

Кейинчалик қонунлар қабул қилина бошлаган, қоидалар ўрнатилган. Аммо шу билан қадимий одатлар бирдан унүтилган эмас. Уларнинг Рим ҳуқуқига таъсири ва ҳатто ҳуқуқий кучи узоқ вақтгача сақланган.

II асрдаёт ҳуқуқшунос Юстиниан одатларнинг Рим ҳуқуқи манбаларидан бири эканлигини қўйидагича таърифлаган: „Қадимий илдиз отган одат қарор топган ҳуқуқий қоида сифатида қабул қилинади ва бу ҳуқуқ ҳалқ табиатига мос ҳуқуқ даражасини олади. Модомики, агар қоидалар ҳалқ томонидан қабул этилиши лозим бўлса, ҳалққа маъқул келган (аммо ҳали расмий ҳужжатга тушмаган) одатлар ҳам қонун ўрнига ўта олади. Чунки ҳалқ ўз хоҳишини овоз бериш йўли билан эълон қиладими ёки кундалик иши биланми, бунинг фарқи йўқ.“.

2. Қонунчилик ва қонунлар. Ёзилмаган ҳуқуқ ҳисобланмиш одатлардан фарқли равища, давлат идоралари томонидан чиқарилган қонун ва фармонлар ёзма ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлади. Улар давлат ташкилотларининг маҳсус фаолияти натижасида юзага келади.

Қонун давлат олий идоралари фаолиятининг натижасидир.

Римда қаттиқ сиёсий курашлар натижасида юзага келган сиёсий ўзгаришлар, давлат тўнтаришлари табиий равища қонун чиқарувчи идораларнинг ҳам ўзгаришига олиб келган.

Илк даврларда ҳалқ мажлислари шундай идора бўлган, сўнг *принципат даврида* — Сенат ва, ниҳоят, монархия даврида император қонун чиқариш функциясини бажарган. Демак, қонунлар манбанини ҳалқ мажлиси ёки Сенатнинг қарори ёхуд императорнинг конституцияси ташкил этган.

Рим давлатининг кенгайиши, унинг ривожлана ва мустаҳкамлана бориши билан ёзма ҳуқуқ қоидаларининг етишмаслиги, улардаги ноаниқликлар, уларнинг эскириб қолганлиги ва, умуман, ҳалқнинг кўпчилигини ташкил қилувчи плебейларга етиб бормаслиги яққол сезила бошлаган. Чунки қонунлар асосан патрицийлар қўлида бўлиб, улар чидаб бўлмас ўзбошимчаликка йўл қўйганлар, қонунларни бузиб талқин этганлар. Улар ўзлари учун имтиёзлар яратиб, плебейлар учун эса сиёсий ва иқтисодий зулмни авж олдирганлар.

Плебейларнинг қаттиқ талаблари натижасида мил. ав. 462-йилда „Децемвирлар“ комиссияси тузилган. Бу комиссия қонунларни қараб чиқиб, қофозга тушурувчи ўн кишидан иборат бўлган. Ана шу комиссиянинг фаолияти натижасида XII жадвал қонунлари жамланган ва нашр этилган. Булар Рим фуқаролик ҳуқуқининг энг аввалги мажмуаси ҳисобланади. XII жадвал қонунлари — Рим миллий одатлари ҳақидаги ёзувлар бўлиб, унда, асосан, кишиларнинг мулкий муносабатлари ифода этилган, шунинг учун чиқарилган бу

қонун фүкаровий (цивиль) ҳуқуқ асослари манбаи бүлган дейиш учун тұла асос бор. У ҳуқуқшунослик тарихида жуда мұхим үрин тутади. Бу қонунлар қабул қылинганидан 500 йил кейин ҳам улар мактабларда үрганилған ва ёд олинған.

XII жадвал қонунларидан бошқа қонунлар мажмуалари ҳақида тарихий маълумотлар кам. Масалан, мил. ав. IV асрда қабул қылинған қарзини тұлолмаган кишини құл қилиш ёки үлдириш ҳақидаги қонунни бекор қылған **Петелиев қонуни** (*Lex Postelua*), III асрда қабул қылинған үзига тегишли ашёни шикастлантиргани учун жавобгарлик белгилаган **Аквилий қонуни** (*Lex Aquilia*) ва бошқалар.

3. **Сенат қарорлари** (*Senatus consultum*). Мил. ав. 27 йилда республика тузуми ағдарилиб, принципат жорий этилиши билан халқ мажлисларининг қонун чиқариш фаолиятига ҳам барҳам берилған. Бу вазифа сенат ваколатига киритилған ва сенат чиқарған қарорларига халқ қонунлари кучи берила бошлаган. Ҳақиқатда эса сенат принципат сиёсатини үтказувчи ташкилот бүлған. Қонун кучидаги қарорлар чиқаришни ҳам тез орада принципат үз тасарруфига олған. Унинг таклифлари (*orationes*) Сенатта киритилған ва Сенат уларни ҳамма вакт зытиrozсиз тасдиқлаган. Бундай таклифларнинг сенат томонидан рад этилиши Рим тарихида бирон маротаба ҳам учрамаганлиги дикқатни үзига тортади.

4. **Император конституциялари** (*Ueges*). Принципат даврида императорнинг шахсий құрсатмалари (*constitutiones*) катта аҳамият касб этади. Чунки бу даврда „*Императорнинг хоҳиши — қонундир*“ деган қоида амалға киритилған. Бундай фармонларнинг түрт хили құлланилған: 1) *эдиктлар*, яғни умумий құрсатмалар; 2) *декретлар*, яғни суд низолари бүйіча император қарори; 3) *раскриптлар*, яғни нормаларни құллаш ёки шархлашда иккиләніш юз берган тақдирда императорнинг жавоблари; 4) *мандатлар*, яғни суд ишлари ва идора қилиш ишларига доир императорнинг амалдорларига берган құлланмалари, *йүл-йүриқлари*.

Мұтлақ монархия даврида император конституциялари „*Ueges*“ деган умумий ном билан бирдан-бир қонун чиқариш ҳуқуқига зәға бўлиб қолдилар.

5. **Магистратлар эдиктлари**. Мил. ав. V асран, подшолар күвиб юборилганидан сүнг Рим ҳар йили халқ мажлисларида сайланған амалдорлар томонидан идора этиладиган бўлди.

Магистратларнинг, айниқса, юқори лавозимлардаги консуллар, преторлар, эдиктларнинг вазифаси давлат ичидә тинчлик, тартиб-интизомни жорий қилиш ва сақлаб туриш-

дан иборат бўлган. Бу вазифанинг кўп асрлар давомида бажарилиши алоҳида ҳуқуқий манба (*jus nonorarium*)нинг пайдо бўлишига олиб келди.

Масалан, икки киши орасида низо чиқса-ю, уни ҳал этиш учун XII жадвал ва бошқа қадимий қонунларда тегишли кўрсатмалар топилмаса ёки улар етарли бўлмаса, даъвогар преторга мурожаат этган, у эса текшириб, бир хуло-сага келган ва унинг қарори қонун кучига эга бўлган.

Бора-бора бир хил даъво муносабатларига нисбатан бир хил ечимли қарорлар тўплана борган ва улар эдиктларга айланган, Эдиктлар преторлар ҳуқуқига тааллуқли бўлган. Вақт ўтиши билан преторлар ҳуқуқи фуқаролар ҳуқуқи билан тўқнашган ва Рим хусусий ҳуқуқида „қўшалоқлик“ (жуфтлик) пайдо бўлган, яъни хусусий ҳуқуқнинг бир жабҳасида икки манбадан чиқсан икки хил қонун-қоида қўлланила бошлаган.

6. Преторлар ҳуқуқи — республикачилик даврининг маҳсулидир. У билан боғлиқ бўлган „қўшалоқлик“ (жуфтлик) эса римликларга қонунчиликда ҳаёт талабини ҳисобга олиш имконини берган. Преторлар ҳар бир аниқ ҳолатда шароитта қараб қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлганлар. Республиkaning ағдарилиши билан преторлар ҳуқуқи ҳам ўз кучини йўқота борган. Натижада эдиктларни ҳам қайта кўриб чиқиши зарурати юзага келган. Принцепс Адрианнинг фармони билан 125—128 йилларида юрист Салвий Юлиан эдиктни қайта ишлаб чиқсан. У тайёрлаган лойиҳани Сенат „доимий эдикт“ сифатида қабул қилган ва у ҳар қандай мансабдор ҳар қачон, ҳар ерда ва ўзгаришсиз қўллаш керак бўлган ҳужжатта айланган. Преторлар ҳуқуқини маълум бир тартибга келтирган ушбу ҳужжат Рим ҳуқуқида XII жадвалдан сўнг турадиган иккинчи муҳим ҳуқуқий манба бўлган.

7. Юриспруденция — ҳуқуқ илми. Рим классик ҳуқуқшунослигини яратишда Рим ҳуқуқшуносларининг хизматлари ҳам преторларницидан кам бўлмаган. XII жадвал қонунларининг чиқарилиши уларни шарҳлаш масаласини келтириб чиқарган. Бунинг учун эса фуқаролик ҳуқуқлари нормаларини белгилаш лозим бўлган.

III асрдан бошлаб бу фаолият борган сари кенгая борган. Бу соҳада билимдонлар, мутахассислар пайдо бўлган. Давлат ҳам ҳалқ ичидаги ҳуқуқий билимни кенгроқ ёйиш чораларини кўрган, чунки расмий қонунда ҳар бир фуқаронинг магистрликка ёки судга сайланиши белгиланган.

ГХуқуқшунослар фаолияти узоқ вақттacha қуийдаги уч

## **Йұналишда давом эттан:**

- 1) шартномалар түзишда ёрдам бериш;
- 2) даъво ва келишув масалаларида маслақатлар бериш;
- 3) турли хил ҳуқуқий масалаларда юзага келган фикрлар ва тушунмовчиликлар борасида тушган саволларга жавоб излаш.

Республикачиликнинг охирги даврларида юристлар фаолияти күпроқ амалий қиёфа касб эттан ва бу амалиёт ҳақида анча-мунча китoblар чақирилган. Булар орасида биз фуқаролик ҳуқуқидан қисқача ўкув қўлланмалари (институциялар), изоҳ ва шарҳлар, турли савол-жавоблар мажмуалари, рисолаларни учратишимиз мумкин.

Шундай қилиб, бутун бир фан — ҳуқуқшунослик илми пайдо бўлган. Уни ўқитиш муассасалари ҳам юзага келган.

Империя вақтида доимий равишида сабоқ берадиган ҳуқуқшунослик ўкув юртлари очилган. Бу соҳада турли йұналишлар вужудга келган. Ҳуқуқ фанлари Римдагина эмас, чекка ўлкаларда ҳам ўқитила бошланган. **Берит, Искандария, Цезор** шаҳарларидаги мактаблар, айниқса, катта обру қозонган.

Ҳуқуқшуносликнинг ижодий томонларигина эмас, балки юристларга кўп масалаларда расмий қарор чиқариш ҳуқуқининг берилиши бу соҳанинг обрўини ошириб юборган. Бундай одат Август даврида жорий этилиб, **юристлар фикрини император фармони** даражасигача кўтариб қўйган.

Юристларнинг бундай фикрлари ёки муайян вазиятда қўллаган ечимлари бошқа шунга ўхшаш вазиятларда ҳам қўлланиб (прецедент), охир-оқибатда қонун кучига эга бўлиб қолишлари ҳам кузатилган. Юристлар эса қонун шарҳчиларидан қонун ижодкорларига айлана боргандар. Шундай қилиб, ҳуқуқшунослик (юриспруденция) ҳуқуқни қўллашдан уни ижод қилиш даражасига кўтарган.

III асрда охирларига келиб Рим давлатининг *сиеcий, иқтисодий* фаолиги пасайган. Юридик адабиёт кам ёзилган, юристлар ижодий иш ўрнига қадимги юристлар ишларидан сайланмалар түзиш билан машғул бўлганлар. Бунинг натижаси ўлароқ, 426 йилда *иқтибослар* (цитаталар) ҳақидаги қонун юзага келган. Унга кўра, фақат беш юрист (**Гай, Папиниан, Ульпиан, Павел ва Модестин**)лардан олинган иқтибосларгина эътиборга сазовор ҳисобланган.

**8. Юстиниан қонунлари.** VI аср бошларига келиб Рим ҳуқуқи манбалари шу даражада хилма-хил бўлиб кетдики, эндиликда уларни тартибга келтирмаса бўлмайдиган бир

ҳолат вужудга келди. Бу муаммо ва уни ҳал қилиш йўллари ҳақида император Юстиниан шундай фикр юритади: „*Барча ишлар орасида қонун ҳукмронлигидан муҳимроқ ҳеч нарсани кўрсатиш мумкин бўлмаган, чунки у илоҳий ва инсоний ишларнинг барчасини тартибга солади, ноҳақликни орадан кўтариади. Лекин, шунга қарамай биз шунга амин бўлдикки, Римга асос солинган даврдан бошлиб яратилган қонунларнинг барча соҳалари шундай қоришиб, чалкашиб кетганки, улар чексиз йўналишларда ишлайверади ва уларни инсон ақли қамраб ололмайди.*“

У ўз мулоҳазаларини давом этдириб:

„*Бизнинг биринчи вазифамиз принцепсларни бошлиш, улар конституцияларини тўғирлаб, мазмунини равшанлаштириши эди. Биз уларни бир кодексга тўпладик, ортиқча тақрорланишлар, ноҳақ зиддиятлардан тозаладик. Уларнинг мазмунан яхлитлиги ортиб, кишиларга тез ёрдам берадиган бўлсин дедик*“ (*Dao suctore I*), — деб ёзган эди.

Бу ўринда гап Юстиниан кодексининг биринчи таҳрири устида бормоқда. Ушбу ҳужжатни императорнинг маҳсус фармони билан ташкил қилинган комиссия 529 йилда ҳозирлаган. Бу кодекс эълон қилинганидан кейин комиссия юристлардан қолган ҳуқуқий мерос устида иш бошлаган. Натижада 533 йилда *Дигестлар* (ёки Пандектлар) эълон қилинган. Дигестлар Юстиниан қонунларининг энг эътиборли қисми бўлган. Унда машхур юристларнинг фуқаролик ҳуқуқи, преторлар ҳуқуқи ва ҳуқуқшунослик фаолиятига оид изоҳлар тўпланган.

Дигестларда жами 39 нафар Рим юристининг 2000 дан ортиқ илмий ишларидан намунавий парчалар, фикрлар келтирилган. Улар орасида **Сцевол, Павел, Модестин, Ульпиан, Папиниандан то Гермогениангача** бўлган машхур ҳуқуқшуносларнинг фикрлари мавжуд.

Шундай қилиб, Дигестларни бутун Рим классик ҳуқуқшунослигининг самараси деса бўлади. Дигестлар нашр қилиниши билан Юстиниан институциялари ҳам ижод этилди. Бу энг оддий ўқув қўлланмаси бўлган, аммо унинг кўрсатмалари қонун кучига эга бўлган. Мана шу уч ҳужжат, яъни **Кодекс, Дигестлар ва Интитуциялардан** иборат бўлган уч ҳужжат Рим ҳуқуқи мажмуасини ташкил этади. Аммо улар устида ишлаш даврида императорнинг янги фармонлари ҳам эълон қилинган. „*Эллик қарор*“ деб аталган ушбу фармонларда Юстиниан фуқаро ҳуқуқига доир баъзи мунозарали

масалаларни ҳал қилган. Бу фармонлар Юстиниан қонунлариниг 534 йилда чиқарилган янги нашрига киритилган. Рим фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш шу билан якунланган.

556 йилда император фармонларининг норасмий мажмуаси босилиб чиққан (534, 556 йилги нашрлар асосида). Бу тўплам „*новеллалар*“ (хикоятлар) номини олган.

Кодекс, Дигестлар, Институция ва Новеллалар „**Рим фуқаролик ҳуқуқлари мажмуаси**“ (*sicpus iuris civilis*) номини олган.

XII аср Европа уйғониш даврига келиб Рим фуқаролик ҳуқуқи бошқа халқлар орасида ҳам ўрганила бошланган.

## 2- §. РИМ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ

1. Фуқаролар ҳуқуқи. Рим давлатчилиги мил. ав. VI аср охириларида шаклланган. Мил. ав. V аср бошларида Сервий Туллий ислохотларидан кейин шахснинг мавқеи қадимги Рим патрицийларнинг олий ирқ аслзодалар, оқсуяклардан келиб чиқиши, насл-насабига эмас, балки мол-мулкига қараб белгилана бошлаган. Босиб олинган ерларни тақсимлашда ҳам шахснинг бойлиги ҳисобга олина бошлаган. Бу эса плебейларнинг патрицийлар устидан сиёсий ғалабаси эди. Энди улар ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий тенглик үрнатиш учун йўл очилган эди. Бундан кейин Рим халқини ташкил этувчи Римда яшаган кишилар (фуқаролар) учун барчага баробар қонунлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу машҳур XII жадвалдан ўрин олган қонунлар бўлиб, улар мил. ав. V асрда (451—450) халқ йиғинида қабул қилинган. Улардан бизгача етиб келган қисми таҳлил қилинганида ҳам ўша даврда маълум бўлган ҳуқуқларнинг кўп қисмини ўз ичига олганлиги маълум бўлади (*масалан, хусусий мулкчилик ва мулкка эгалик қилиши ҳуқуқи, шартномалар бўйича мажбуриятлари, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, жиноят ва жазо ва бошқалар*).

Бизнинг вазифамиз Рим классик ҳуқуқини таҳлил қилиш бўлгани боис XII жадвал мазмунига муфассал тўхтальмасак ҳам бўлади. Чунки бу жадвал мил. ав. II асрда ёқ кўлланилмай кўйган. Аммо Рим юристлари ва нотиклари (масалан, Цицерон, Гай ва бошқалар) Рим давлатининг гуллаб-яшнаган даврларида ҳам XII жадвал қонунларини тегишли ҳолларда тилга олиб турганлар. „*Ким давлат ишлари билан шуғулланса, XII жадвалда давлат масалалари тўлиқ*

*жамланганигини кўради, — дейди хусусан Цицерон, — чунки унда жамоа баҳти, давлат идораси учун керакли ҳамма нарса жамланган“.*

I аср Рим тарихчиси Тит Лив (17 йилда вафот этган) фикрича, XII жадвал қонунлари „*оммавий ва хусусий ҳуқуқлар*“ манбай эканлигини ҳамма тан олган. Гарчи XII жадвал қонунлари қўлланишдан тўхтаган бўлса ҳам, Римда яна кўп йиллар қонуншунослар тайёрлашда ўрганиш шарт бўлган. XII жадвал қонунлари цивиль ёки фуқаролик ҳуқуқлари, *квирит ҳуқуқлари* деб ҳам аталган. „**Квирит**“ сўзи Ромул подшонинг (мил. ав. VIII аср) илоҳийлаштирилган шаклидан олинган бўлса керак. Шунинг учун „**Квирит**“ сўзини ишлатганлар энг қадимги Рим ҳуқуқи демоқчи бўладилар. „**Цивиль**“ сўзи эса „*шаҳар*“ сўзидан келиб чиқиб, „*шаҳарликлар*“ маъносини беради, демак, фуқаролар маъносида ишлатилиди. XII жадвал қонунлари ишлатилишдан тўхтагандан кейин ҳам ҳалқ йигинларида қабул қилинган қонунлар цивиль ёки фуқаролик ҳуқуқига киритилган.

Мил. ав. 207 йилгача ҳамма қонунлар Сервий Туллий ислоҳоти натижасида юзага келган *центратуриат комициалар* томонидан қабул қилинган. Ундан кейин эса, **Гортензия қонунига** асосан плебейлар йифилишларида қабул қилинган. Ҳалқ мажлиси жорий этган ва буюрган ҳар бир нарса қонун деб эълон қилинган. Қонунлар сирасига, аввало, давлат ҳуқуқи мазмунига эга бўлган масалалар, айниқса, ерга эгалик масалалари, Рим босиб олган ерларни тақсимлаш, ҳар бир киши ерларининг энг кўп ҳажми, *процессуал тартибни* белгилаш кабилар кирган.

Хусусий ҳуқуқ ҳақида, кам бўлса ҳам, жуда муҳим қонунлар бўлган. Масалан, **Петелий** (мил. ав. 326 й.) қонуни бўйича қарзини тўлолмаган қарздорларни қул қилиш ёки ажнабийларга сотиш тақиқланган, **Лициний — секстий** (мил. ав. VI аср) қонунига кўра ерга хусусий эгалик 500 югер (125 гектар) билан чекланган, унда бир хўжаликка тўғри келадиган молнинг неча бошгача бўлиши мумкинлиги ҳам белгиланган. Яна судлов ишларини юритиш ва суд тизимлари ҳақида ҳам қонунлар бўлган.

Бизгача етиб келган 800 қонун таққослаб текширилганда, улардан фақат 30 га яқинигина хусусий ҳуқуқга алоқадорлиги маълум бўлди. Рим юристлари ҳеч қандай қонун ҳаётда учрайдиган барча воқеаларни тўла қамрай олмаслигини яхши тушунгандар. Шунинг учун улар қонунлар турмушдаги

асосий воқеаларнинг аксариятини тартибга солиш кучига эга бўлиши, майда-чуйда масалаларга ўралашиб қолмаслиги керак, деб ҳисоблаганлар. Бу жиҳатдан улар ҳақ бўлганлар.

Бу борада Рим қонуншунослари ва ҳукмдорларининг қўплаб сўзларини келтириш мумкин. *Масалан, Гайнинг ёзишича, „шундай воқеалар учраши мумкинки, уларга аталган юридик ечимлар мавжуд, аммо уларни қўллаш адолатсизликка олиб келади ва мажбур қилиш ҳам мумкин бўлмаган ҳоллар бўлади“*. Шу боис Рим қонунларининг йифиндиси бўлмиш Дигестларда: „*Қонун ё ёзма кўрсатма беради, ё ман этади, ё рухсат беради, ё жазолайди*“, — деб ёзилган.

I аср охирлари, айниқса, II асрдан бошлаб императорларининг буйруқ ва фармонлари (рескриптлари) қонун мақомига эга бўла бошлаган. Бундай фармонларни ишлаб чиқишига машҳур қонуншунослар жалб қилинган. Улар давлат идораларида ҳам масъул вазифаларда хизмат қилганлар.

III асргача шундай давом этган. Сўнгра эса империянинг бюрократик аппарати қонун чиқариш ишини ҳам, қонунларни изоҳлаш ва талқин этиш ишларини ҳам батамом ўз қўлига олган.

2. **Халқлар ҳукуқи.** Римда подшолар даврида келиб чиқиши номаълум бўлган ҳукуқсиз плебейлар билан бирга, ҳар турли ажнабийлар ҳам яшаганлар. Улар, асосан, ҳар хил хунар эгалари бўлиб, *көсибчилик, ўқитувчилик, савдо-сотик, табиблик, кейинроқ эса банкирлик* билан шуғулланганлар ва перегринлар деб аталган. Перегринлар Римга Улуғ Греция деб аталувчи Италия жанубидан, Миср, Карфаген ва Яқин Шарқнинг бошқа жойларидан келганлар. Бу жойларда техник ва гуманитар маданият, жумладан, ҳукуқий маданият анча илгарилаб кетган.

Бу вақтда ҳар хил жойларда пайдо бўлган ҳукуқий низолар Рим аралашувисиз ўша жойларнинг миллий ҳукуқлари асосида ҳал қилинган. Бундай тортишувларга *никоҳ* ва *оила, ворислик* ва бошқа масалалар кирган. Фақат перегрин ва Рим фуқароси ораларида низо пайдо бўлгандагина унга *фуқаровий* (цивиль) претор аралашган.

Перегринлар эркин кишилар бўлиб, тижорат билан шуғуланиш ҳукуқига эга бўлганлар, аммо *сиёсий ҳукуққа* эга бўлмаганлар. Фақат алоҳида хизматлари учунгина баъзиларига Рим фуқаролиги берилиши мумкин бўлган.

Рим магистратлари (бошлиқлари), айниқса преторлар, улар билан бирга бутун жамият Рим иқтисодий ҳаётига

перегринлар билан бирга кириб келаётган янгиликлардан фўйдаланаар эдилар. Бу тажрибалар (янги билимлар) Рим империяси босиб олган Ўрта денгиз атрофидаги ерларни идора қилишида жуда қўл келган. Эндиликда преторларнинг кўтчилиги мана шу янги минтақаларда яшай бошлаганлар. Бу ерлар *проконсуллар*, *пропреторлар*, *прокураторлар* бошлиқ Рим амалдорлари томонидан бошқарилган. Вилоятлар билан иккисодий алоқалар борган сайин яқинлашиб, мустаҳкамланиб борган. Бу ишда перегринлар преторлари фуқаролар преторлари билан бирга эдиктлар чиқариш хукуқига эга бўлганлиги катта аҳамият касб этган.

Дастлабки даврларда перегринлар претори фақат судьялик, яъни ҳокимлик қилибгина қолмай, балки кўпроқ ўртада турувчи, *келишириуачи шахс* сифатида иш олиб борган. У даъвогарларнинг ва жавобгарларнинг ҳар иккисини рози қиласидиган қарор қабул қилиб, уларни келиширишига ҳаракат қилган. Чунки бу даврда сўз бериш, қасам ичиш каби қоидалар эскириб, уларга ҳеч ким ишонмай кўйган.

Перегринлар урф-одатларида умуминсоний қоидалар, бинобарин, барча халқларда бўлган хукуқлар бўлган. Шу одатлар ва баъзи норматив қоидалар асосида машхур „юс генциум“, яъни халқлар хукуки юзага келган. Бу хукуқ, аввало, римликлар ва ажнабийлар орасидаги низоларни ҳал этишда ишлатилган ва Рим қонунлари тизимининг бир қисмига айланниб қолган.

Халқлар хукуқида, хукуққа баҳо беришда унинг тўғрилиги ўлчови „инсоф“ ва „адолат“ эканлигига катта ишонч бўлган. Улар зарарли ва кишилар манфаатига тўғри келмайдиган расмиятчиликка қарши бўлганлар, ундан қочгандар. Оддий ва арzon тушадиган суд даъволарга эркинлик берган ва тортишувчилик принципига асосланган. Суд тарафлар фикрларининг тагига етиши, улар манфаатларини фақат ҳужжатлардангина эмас, балки ўзларидан суриштириб, шунга яраша иш кўриши керак бўлган. **Юс генциумда кўрсатилишича, перегринлар хукуқида, асосан, қуйидагиларга зътибор берилиши керак бўлган:**

1) фаол ҳаётни бўғиб, уни кишанлаб кўювчи расмиятчиликдан озод бўлиш;

2) ҳар турли расмиятчилик ва ҳужжатбозликдан кўра тарафлар истагини кўпроқ ҳисобга олиш;

3) шартномавий муносабатларнинг ёзма шаклда бўлиши;

4) цивиль процесси вақтидаги эскириб қолган оғир расмиятчилик ўрнига судлов процессини соддалаштириш;

- 5) томонларда бир-бирига нисбатан ишонч вужудга келиши учун шарт-шароит яратиш;
- 6) томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг манфатларига бир хилда ёндашиш;
- 7) ҳакамлар суди ва бошқалар.

Перегринлар ҳуқуқини Рим қонуншунослари уларнинг табиийлиги билан изоҳлаганлар. Чунки авлод ҳақида ғамхурлик қилиш, ўзини, ўз ерини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари табиий бўлиб, ер юзидағи барча ҳалқларга хосдир.

Ҳалқлар ҳуқуқига мурожаат қилиш қадимда ўзгармас ҳисобланган қонунларга, жумладан XII жадвал қонунларига ҳушёрроқ қараашга ўргатган, қофозда ёзилган қоидалардан кўра ҳақиқий ҳаётнинг ўзида юз берган воқеаларни одамлар манфаатидан келиб чиқиб, чуқурроқ ва адолатлироқ таҳлил қилишга чақирган. Эндиликда кишиларнинг иқтисодий, оиласиий ва бошқа манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қилина бошлаган. Шу сабабли ҳам „экцепто доли“ („алдовга қаршилик“) қоидаси ҳукм суро бошлаган. Бу билан цивиль претори, қонунан тўғри бўлса ҳам, адолатга тўғри келмайдиган даъволарни рад этган.

3. Преторлар ҳуқуқи. Преторлар ҳуқуқи (*ius gonorarium*) кундан-кунга ўсиб бораётган фаол ҳаёт жараёнидаги ва қотиб қолган қадимий ҳуқуқий қонунлар, жумладан XII жадвал қонунлари ўртасидаги келишмовчиликларнинг чукурлашуви натижасида юзага келган.

Мил. ав. 367 йилда патрицийлар магистратурасида шаҳар претори вазифаси таъсис этилган ва барча суд ишлари унинг ихтиёрига берилган.

Преторнинг ҳалқ мажслиси (*қурултойи*)ни чақириши ва қонунлар лойиҳасини таклиф қилиш, топшириқ асосида қурагли кучларга қўймондошлиқ қилиш сингари ҳуқуқлари бўлган. Шунингдек, у олий ҳукмдор сифатида бажарилиши барчага мажбурий эдикт чиқариш ва эндердикт фармонларини эълон қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Уларнинг бажарилиши кучли жазо санкциялари ва бошқа чоралар билан таъминланган.

Преторлик муддати бир йил бўлганлиги сабабли, претор чиқарган қонунлар ҳам ушбу муддат давомида кучда бўлган. Шу боис Цицерон уларни „бир йиллик қонунлар“ деб атаган. Аммо ҳар бир претор ўзидан олдинги қонунларнинг маъқул қисмини, анъанага кириб қолганларини сақлаб қолган ва улар Рим қонунлари мажмуасини тўлдира борган. Претор ҳаёт тажрибасидан, талабларидан келиб чиқиб, унга янги

қоидалар ҳам құшган. Бундай құшимчалар ҳам әдиктларнинг үзларидаёқ процессуал хусусиятга эга бўлган, яъни улар даъволарни ҳал қилиш тартибига қаратилган бўлган.

Преторлар қонунларни тұхтатиши ёки бекор қилиш ҳуқуқыга эга бўлмаганлар. Бунинг учун ҳалқ қурултойлари чақирилган. Агар фавқулодда масала чиқиб қолса, у сенат қарори билан ҳал қилинган. Преторларнинг қонун чиқариш ҳукуки бундай вақтларда жуда кўл келган, аммо камдан-кам ҳолларда қўлланилган.

Преторлар ҳарбий ва маъмурий идоранинг юқори табакаларига мансуб кишилар ҳисобланниб, Рим Республикасида муҳим ишлар билан шугулланганлар ва машхур кишилар қаторида бўлганлар. Претор юқори ҳокимият соҳиби сифатида олти кишидан иборат соқчилар билан юрган. Улар бир боғламдан хивичлар олиб юрганлар. Хивичлар орасида болта ҳам бўлган.

Легисакцион процесс ўрнига формуляр процесс жорий қилинганидан кейин преторларнинг мавқеи янада ошиб кетган. Энди даъво шакллари катта аҳамият касб эта бошлаган. Даъво шаклларини эса претор ўзининг хоҳиш-иродасига қараб белгилаган. Унинг бу фаолияти *иқтисодий* ҳамда *ижтимоий* манфаатни кўзлаган. Адолат, инсоф, ор-номус, томонларнинг истак-хоҳишлари — ҳаммаси даъво шаклида ўз ифодасини топган. Претор берган *формула* суд учун бажарилиши шарт бўлган кўрсатма бўлган. У ҳалқ учун ёзилиб, кўча ва хиёбонларга осиб қўйилган, қонун кучига эга бўлган.

Дигестларда кўрсатилишича, преторлар әдиктлари XII жадвалнинг қатъий ҳисобланган қоидаларини таҳrir қилас, улардаги баъзи тушунчаларни ўзгартирап эди. Бу ўзгаришлар, албатта, адолат нуқтаи назаридан қилинар, аммо „адолат“ тушунчасининг ўзини таърифлашда қийинчиликлар пайдо бўлар эди. Шу даврда преторлар ҳукуки (*ius ignorarium*) пайдо бўлган ва ривожлана бошлаган. Мулкий низоларни адолатли ҳал этишга қийналиб қолган преторлар қўпинча юридик уйдирмалар тўқиб чиқара бошлаган, яъни масалага аслида бўлмаган фактларни қўшиш ёки борларини ҳисобга олмаслик каби ҳоллар юз бера бошлаган. Улар рад этиб бўлмас қилиб тўқиб чиқарилгани ва преторга хос бўлгани учун янги қонун чиқариш жараёнида муҳим ўрин тута бошлаган.

Преторлар сўзда қадимий қатъий қонунларни ҳурмат қилгандар ҳолда, амалда иш буйича янги қоидаларни ўйлаб чиқарар эдилар. Рим юристи **Марцианнинг** айтишича, „*У цивиль (фуқаро) ҳуқуқининг тирик товуши бўлиб, янги ҳаётий*

жөндиёжларни қондирисида мұхим омил бўлди. Бу талаблар савдо алоқаларининг кучайиши билан кетма-кет бўлиб турар эди“.

Империянинг шаклланиши билан преторларнинг ҳукуқ ижодкорлик фаолияти қисқара бошлаган. Чунки, бир томондан, деярли барча масалалар бўйича қонунлар ишлаб чиқиб бўлинган бўлса, иккинчи томондан, эндиликда қонун чиқариш императорнинг кўрсатмаси — фармонлари ва Сенатнинг қарорлари кўринишида рўй бера бошлаган. 130 йилда машхур Рим юристи **Юлиан** император Адриан буйруғи билан претор эдиктлари мажмуасини тузиб чиққан. У „Доимий эдикт“ деб аталиб, император **Юстиниан** давригача жамият ҳаётида мұхим ўрин тутиб келган.

Перегрин преторлари қонунлар мажмуасининг тузилиши ҳақида маълумотларга эга эмасмиз. Шуни айтиш мумкинки, III аср (212 й.)дан бошлаб Римнинг эркин аҳолиси *фуқаролик* (гражданлик) мақомини олган, шундан сўнг „халқ ҳукуки“ деб аталган перегринлар ҳукуки ўзининг алоҳида мақомини, мавқеини йўқотган, фуқаролик ва перегрин ҳукуқлари бирлашиб кетган. Претор ҳукуки ва фуқаролик ҳукуқлари билан ҳам худди шундай бўлди.

VI асрда византиялик юрист **Дорофей** бу ҳақда шундай деб ёзган: „*Секин-аста, вақт ўтиши билан фуқаролик ҳукуки преторлар ҳукуки билан келиша бошлиди ва шундан бир ҳиллик келиб чиқди, яъни илгари бир-бiri билан қарама-қарши турган ҳукуқ манбалари қўшилиб кетди*“. Биз ўрганаётган Рим классик ҳукуки ана шу тариқа вужудга келди.

4. Ҳукуқшунослар фаолияти. Рим ҳукуқшуносларининг шарҳлари ҳам фуқаро ҳукуки таркибига кирган эди. Республика даврида эса, ҳукуқшунослар фаолияти, асосан, **қўйида-гилардан иборат бўлган**:

1) ҳукуқий масалаларда ёрдам сўраб келган фуқароларга тушунтириш (маслаҳат) бериш;

2) турли иш ҳужжатларини таҳрир қилиш, бунга биринчи галда мураккаб шартномалар ва шунга ўхшаш ҳужжатлар кирган;

3) тарафларнинг процессуал ҳаракатларига раҳбарлик қилиш, йўналтириб туриш, яъни *agere* (бироқ бунда у адвокат сифатида иш юритмаган).

Мана шу фаолият натижасида фуқаролар ҳукуки билан бир қаторда шарҳловчилар ҳукуки, яъни қонунларнинг юристлар қилган шарҳларидан ташкил топган ҳукуқий қоидалар вужудга келган.

Ҳозирги кунда қонунларни *шарҳлаш*, *тушунтириш* ҳүкүқи фақат қонун чиқарувчиларга ёки суд идораларига берилган, холос. Римда қонунларни *шарҳлаш ҳүкүқи* Сенатта берилган. Аммо Сенат, асосан, умумхалқ ҳуқуқлари билан шуғулланган, кундалик ҳаёт эса жуда кўп масалаларни ўргага кўярди. Шу боис хусусий ҳуқуқ масалалари билан билимдон мутахассислар шугулланганлар.

Бинобарин, ҳаётдаги бошқа масалалар каби ҳуқуқий масалалар ҳам чукур илмий тавсиф ва талқинга муҳтож бўлган.

Бу давр юристларининг талқинлари давлат томонидан кувватланиб, давлат қонуни кучига эга бўла бошлаган. **Юлиан, Помпоний, Марциан, Ульпиан, Павел, Цельсий** ва унинг ўғли даврларида Дигест (қонун тўпламлари) жуда кўп яхши қонунлар билан бойитилган. Кейинчалик, Римда мутлақ ҳокимият ўрнатилганидан кейин Рим ҳуқуқшунослиги таназзулга учрай бошлаган даврларда (III аср) ҳам юқорида номлари келтирилган юристларнинг нашр қилинган асарларидан **иқтибос** (цитата)лар келтирилиши одат бўлган. Масалани ҳал қилишда икки тараф баравар келиб қолган вақтларда Папиниан қайси тарафда бўлса, ўша фикр қабул қилинган.

Шу ўринда ҳуқуқшунослик илми тарихида муҳим ўрин тутган олимлардан бири, II аср юристи **Гайни** эслаб ўтиш жоиз. У ҳуқуқшуносликдан сабоқ бериш билан бирга, кўплаб асарлар ҳам ёзib қолдирган, Рим ҳуқуқини оддий, содда, тушунарли ва аниқ қилиб таърифлаб берган.

Гай ўз китобини учта муҳим қисмга бўлган: **1- бўлими** – шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатларига, **2- бўлими** – ашёларга, **3- бўлими** эса мажбуриятларга бағишланган.

Кодексми, ўкув кўлланмасими – барибир, бу йўсинда таърифлаш тизими институция деб аталган.

**5. Юстиниан дигестлари.** Гай асарларнинг бизгача етиб келган қисми қанчалик муҳим бўлмасин, улар Рим классик ҳуқуқи ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Аммо Византия императори **Юстинианнинг** (483—565) дигестлари бизгача тўлиқ етиб келган бўлиб, улардан кўпроқ маълумот олиш мумкин. Юстиниан деҳқонлардан чиққан бўлиб, доно *иш бошқарувчи* ва *аскарбоши* бўлган. Интизомли ва адолатли давлат барпо этишга уринган Юстиниан ўз даврининг энг машҳур юристларини чақириб, уларга қуидаги ишни топширган:

Рим-Византия ҳукуқий нормалари мажмасини тузиш (у кейинчалик „институция“ (дарслик) номини олади);

117 йилдан бошлаб Римни идора қылган императорлар чиқарған конституциялар, қонун-қоидалар мажмасини тузиб чиқып;

3) кейинчалик „дигестлар“ деб номланган қонулар кодификациясини тузиш („дигестлар“ юридик матндар, яъни „қонулар йигиндиси“ деб таржима қилинади). Византия империясининг давлат тили бўлган юон тилида эса у „пандект“ деб аталади. Шундан келиб чиққан „пандект ҳукуқи“ термини эса дигестларга асосланган ҳукуқни билдиради).

Дигестлар, албатта, юридик матнларнинг оддий йифинди-сигина эмас эди, уларга Византия давлатининг феодаллаштирилиши учун хизмат қиладиган қонун-қоидаларгина танлаб киритилган эди. Айни вақтда унда бу давлатнинг бошқа манфаатлари ҳам эътиборга олинган эди. Бунинг учун 17 кишилик комиссия тузилиб, унинг ишини императорнинг ўзи назорат қилиб турган. Бу ишга университет профессорларидан тортиб лотин тилини яхши билган билимдон юристлар ҳам жалб қилинган. Комиссиянинг бошлиғи империянинг биринчи юристларидан ҳисобланган Трибониан эди. Дигестлар ўша давр талабларига жавоб берадиган барча муҳим қонуларни қамраб олган, дейиш учун етарли асослар бор. Улар ҳам амалий, ҳам фалсафий томондан ўзларига, яъни эндиликда юзага келаётган феодал тузумга хизмат қиладиган юридик ҳужжатларга кўпроқ аҳамият берганлар.

Шундай қилиб, „*Дигест концепцияси*“ юзага келган. Дигестга киритилган барча қоидалар қонун мақомини олган, унга кирмай қолганлари эса, четга суриб ташланган, эътиборга олинмайдиган бўлган ва бора-бора ўз кучини йўқотган.

Юстиниан ҳукуқ нормалари кодификациясини тамомлагач, уларни таърифлаш ва шарҳлашни ман этган, чунки турли хил талқинлар уларнинг мазмунини бузиб юбориши ҳам мумкинлигини назарда тутган.

Наполеон I ҳам шундай фикрда бўлган. У тасдиқлаган Фуқаролик кодексига 1804 йилда кодекс муаллифларидан бири ёзган шарҳ чиққанини эшигтан Наполеон: „*Кодексим тамом бўлибди!*“ — деган экан.

Аммо ҳаётий воқеаларнинг барчасини қонулар қолипига солиб бўлмаган: ҳаёт доимий равишда ўзгариб, янги қирраларини намоён этиб турган, бу эса тор доирада ёзилиб,

тасдиқлаб қўйилган қонунларга ҳар тарафлама ижодий ва оқилона ёндашишни талаб қилган. Шунинг учун ҳам уларни илмий ўрганиш ва шарҳлаш зарур бўлган.

Ушбу дигестларни тузиш учун комиссия аъзолари, юқорида айтилгандек, жуда катта ишни амалга оширганлар: улар уч йил давомида 2000 китобни ўрганиб чиқиб, улардаги уч миллион сатрдан 150 мингини танлаб олганлар. Бу эса 50 та китобни ташкил этган. Бу китобларда, яъни Дигестларда мил. ав. II асрда яшаган юристлардан бошлаб милоднинг III асригача яшаган жами 39 ҳуқуқшунос олимларнинг асарларидан иқтибос (цитата) лар келтирилган.

533 йилда Дигестлар устида ишлаш охирига етган ва улар қонун тусини олган.

50 китобнинг биринчиси ҳуқуқ тарихи ва бир қатор умумий масалалар ҳақида; 2—4- китоблар — суд, суд жараёни, даъволар ҳақида, 5—11- китоблар — ворислик ҳуқуқи нормалари ҳақида маълумот берган; 12—19- китоблар — гаров ҳуқуқига бағишлиланган; 23—25- китоблар — оила ва эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқлари ҳақида; 26—27- китоблар — васийлик ва ҳомийлик ҳақида; 28—38- китоблар, васиятлар ҳақида; 40- китоб — қулларни озод қилиш; 45—46- китоблар бошқа шахс томонидан ёзиладиган оғзаки (вербал) шартномалар ҳақида бўлган; 45—47- китобларни Юстиниан „даҳшатли китоблар“ деб атаган бўлиб, улар жиноят ва жазо масалаларига бағишлиланган; ниҳоят 50- китобда, умуман, ҳуқуқ масалаларига назарий ёндашилиб, баъзи умумий хуросалар чиқарилган.

**6. Баъзи умумий қоидалар.** Рим юристлари ўз мулоҳазалида масаланинг амалий томонига эътиборни кучайтириб, унинг назарий томонини иккинчи даражали деб билганлар. Аммо шу билан бирга, улар судлар ва адвокатлар учун йўл-йўриклар, ҳаракат қоидаларини ишлаб чиқишилари лозим бўлган. Улар, хусусан, куйидагилардир: „Суд қарори суднинг барча аъзолари ёки кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим“, „Агар акси исботланмаган бўлса, ул киши инсофли, айбсиз ҳисобланади“, „Агар васиятномада бирор нарса хато ёки чалкаш ёзилган бўлса, унда васият қилувчининг умумий хоҳиши ҳисобга олиниб, ушибу нуқтаи назардан талқин этилиши керак“, „Айбсиз кишини жазога маҳкум этгандан кўра, айбдорни жазосиз қолдирган яхши“, „Қонунни четлаб ўтиши ва қонун руҳига қарши ҳаракат ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳисобланади“ ва ҳ. к.



## *Назорат учун саволлар*

1. Ҳуқуқ манбалари истилоҳи қандай тушунилади?
  2. Рим ҳуқуқининг қандай манбалари маълум?
  3. Қонун ва одат нимаси билан фарқланади?
  4. Магистратлар эдиктларининг юридик табиати қандай?
  5. Рим хусусий ҳуқуқида „қўшалоқлик“ тушунчаси нимани билдиради?
  6. Рим ҳуқуқи тараққиётида юристларнинг хизматлари қандай бўлган?
  7. Шахсий ва умумий ҳуқуқларга бўлиниш асосида нима ётади?
  8. Ҳуқуқ субъектлари кимлардан иборат бўлган?
  9. Цивиль (фуқаро) ҳуқуқи, ҳалқлар ҳуқуқи билан перегринлар (ажнабийлар) ҳуқуқлари орасидаги асосий фарқ нимада ва қачон, қандай шароитда улар бирлашиб кетган?
  10. Преторлар ҳуқуқи ва уларнинг ваколат доираси қандай белгиланган?
  11. Юстиниан дигестлари деганда нимани тушунасиз?
  12. Рим ҳуқуқининг ривож топишида Юстинианнинг кўрсатган фаолиятини қандай ифодалаш мумкин?
  13. Нима учун Рим юристларининг фикр-мулоҳазалари ҳуқуқ манбаларига киритилади?
-

### **III боб. СУД ТИЗИМИ ВА ДАЬВОЛАР ХАҚИДА ТАЪЛИМОТ**

Шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари фуқаролик суди процессларида ҳимоя қилинган. Бу суд процесслари уч хил бўлган: энг қадимийси — „легисакцион“ деб аталган, ундан кейингиси — „формуляр“ ва энг кейингиси — „когницион“ суд процесслари бўлган.

**Легисакцион** (суд) процесс икки босқичдан иборат бўлган. **Биринчи босқичда** тарафлар даъво билан магистратура (претор)га мурожаат қилганлар. **Иккинчи босқич** судлар томонидан далилларни баҳолаш ва қарор чиқаришдан иборат бўлган.

Қонунга, яъни XII жадвал қоидаларига асосланган даъволар билан претор ёки судьялар „виждонан“ тўғри деб топган даъволар ўргасида катта фарқ бўлган. Илгари судьялар асосли деб топган даъволар адолатга, ақлу заковатга асосланган бўлса, кейинчалик пайдо бўлганлари пул муомаласига, мулкий муносабатларга асосланган бўлган.

Даъволар ўз табиати, мантиғига кўра шахсий (*in persona*) ва ашёвий (*in rem*) даъволарга бўлинган. **Даъво** бир тарафнинг ўз мажбуриятларини бажармаганилиги ҳақида бўлса, шахсий даъво ҳисобланган. Агар даъво ўртада ҳеч қандай келишув бўлмагани ҳолда, бирорнинг нарсасини ўзиники қилиб олганлиги ҳақида бўлса, у ашёвий, яъни (*in rem*) даъво ҳисобланган.

Демак, даъво тури асосан шахсга боғлиқ бўлган.) У биринчи ҳолда ўз мажбуриятини бажармаган киши (шахс) сифатида намоён бўлса, иккинчи ҳолда ўз буюми (ашёси)га бўлган эгалик ҳуқуқини ҳимоя қиласди. Шахсий даъвода шахснинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳақида баҳс юритилса, ашёвий даъвода мол-мulkка бўлган ҳуқуқка асосланниб иш юритилади.

Квиритларда мулк эгасининг бирор мулкини унинг эгаси бўлмаган бошқа киши олганлиги туфайли қилган даъвоси виндикацион даъво деб аталган. Агар жавобгар жавоб беришдан

бош тортса, мол-мулк ёки ашё тўғридан-тўғри даъвогарга ўтган. Узгалар мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи учун кураш ҳам ашёвий даъвога киритилган. Масалан, қўшнининг ери орқали ўтиш, мол ҳайдаб ўтиш, сув ўтказиш ва бошқалар туфайли фуқаронинг бирор буюмiga етказилган зарарни қоплаш талаби ҳам ашёвий даъвога киритилган.]

## 1- §. ФОРМУЛЯР СУД

Формуляр суд ҳам легитацион суд сингари икки босқичдан иборат бўлган: у аввал претор қошида, сўнгра эса суд ҳузурида ўтган. Даъвогар претор ҳузурига келиб, ўз даъвосини соддагина қилиб тушунтирган ва ҳимоя излаган. Претор унинг даъвосини эшитган, мулоҳаза юритиб, унга яраша *формула* излаган.]

Бу анча мураккаб иш бўлган. Унинг топган формуласи у мазкур даъво кирадиган ишлар гуруҳига мансуб ёки умуман ҳал қилинадиган бўлиши керак бўлган (масалан, қарз ёки гаров масалалари каби). Керакли формулани топганидан кейин претор уни мазкур даъвога мослаштириб, шахсийлаштириши ва ёзма равишда жавобгарга бериши лозим бўлган. Жавобгар эса, жавоб тайёрлаб, унга тақдим этган. Даъвогар ушбу жавоблар билан таништиргач, ўз даъвосини баён этиши лозим бўлган. Претор ишни ҳал этиш учун судья тайинлаган ва шу билан *процесснинг* биринчи босқичи тугаган.

Аммо преторнинг қуйидаги икки хил ечимга келиш ҳуқуқи бўлган: 1) даъво ҳужжатларини шундайлигича судьяга топшириб, қандай ҳал қилиш масаласини судьянинг ихтиёрига ҳавола қилиш, 2) преторнинг ўзи бир тўхтамга келиб, даъво юзасидан қандай ҳал қилув қарори чиқариш кераклиги ҳақида топшириқ бериш. Бунда претор берган ҳужжатлар асосли бўлган ҳолда, суд претор кўрсатган қарорни чиқарган.

Гай претор формулалари ҳақида гапириб, унинг учта таркибий қисми ҳақида маълумот берган:

*биринчиси — интенция* (лотинчада „айблаш“ деган маънони англатади, шу боис интенцияни „*тадаб қилиши формуласи*“ деб ҳам юритадилар). Унда даъво ва унинг ҳуқуқий асоси баён қилинган. Бу асос XII жадвал ёки бошқа Рим қонунларига (цивиль) ёки преторлар эдиктларига (Бонитар) таянган бўлиши мумкин;

*иккинчиси — эксцепция* бўлиб, „*мустасно*“, „*истисно*“ эт-

моқ“ маъноларини билдиради.

**Кўйидаги ҳолларда у претор формуласининг ажралмас қисми ҳисобланади:**

- 1) агар жавобгар даъвони асоссиз ҳисоблаб, претордан ҳимоя талаб қилса;
- 2) агар даъвони бутунлай рад этмай, айни пайтда уни бутунлай ёки қисман бажара олмаслигини айтса;
- 3) агар даъвонинг интенцияда кўрсатилган асосини рад этса.

Интенция ҳам, эксцепция ҳам ё фуқаровий (цивиль), ё претор хукуқига асосланган бўлиши мумкин бўлган. Эксцепция — даъвони сўндирувчи (йўқотувчи) ёки муҳлат берувчи бўлиши мумкин бўлган. Ёлғондан тўқилган эксцепциялар ҳам кенг қўлланган ва улар туфайли претор фуқаролик хукуқини тафтиш (ревизия) қилиш имконига эга бўлган. Преторлар уни адолат хукуқи ва преторлар хукуқи нуқтаи назаридан тафтиш қилганлар.

**Претор формулаларининг учинчи қисми — кондемнация** — ҳал қилиш маъносини англатади ва формуляр процессининг сўнгти босқичини ташкил қиласи. Унда, агар жавобгар даъвогарнинг даъволарига рози бўлса ёки уларни рад этишга қодир бўлмаса, иш осон кўчган; акс ҳолда, судья жавобгарнинг қарши талабларини ҳам ҳисобга олиши керак бўлган (масалан, жавобгарнинг тўлов қобилиятини ҳисобга олиб, тўланадиган маблағ миқдорини ўзgartиришни судья белгилаган).

**Тўртинчиси литисконтестация** бўлиб, у преторнинг ишни судьяга топширишдан аввал бир жумлага сифадиган формула тузиши лозимлигини билдирган. Бу формула гувоҳлар ҳам имзолаганларидан кейин даъвогарга топширилган, у эса жавобгарга берган. Топшириш жараёни барчанинг хузурида ўтган ва бу жараён литисконтестация деб аталган. Айни вақтдан бошлаб шахсий тортишув оммавий тус олган. Преторнинг „**фармон-формуласи**“ судья учунгина эмас, ҳар икки томон учун ҳам уларни ўзаро боғловчи маъмурий хужжатга айланган.

Литисконтестация судларининг қарорлари узил-кесил ҳисобланган, кейин ҳеч ким унинг устидан шикоят қилиш хукуқига эга бўлмаган.

Ҳозирги замон чех хукуқшуноси **М. Бартошек** претор формуласини Рим юристлари ихтиро қилган ҳамда уларнинг ижодий кучи, билимдонлиги ва истеъдодининг нақадар юксаклигини, умуман, қонунийликнинг юқори босқичда

бўлганлигини кўрсатувчи энг ноёб кашфиёт деб баҳолайди.

Мил. ав. 160 йилда Эбуция қонун билан киритган претор формуласи судловнинг янги турини жорий этган. Бу ҳол уч аср давом этди ва фақат империя вақтида когницион суднинг жорий этилиши билан орадан кўтарилиган. 342 йилдагина император конституцияси билан у бутунлай бекор қилинган.

## 2- §. СУД ВА СУДЬЯЛАР

Суд ва судьялар тайин этган куни тарафлар суд мажлисига қелганлар, унинг биринчи босқичи (*in iure*) пешинда бошланиб, қоронги тушгунича давом этган.

Римда амалдорлик мустаҳкам ўрин олган пайтдан бошлаб, то Гракхлар даври (мил. ав. II аср) гача анъянага кўра *сенаторлар*, Рим империясининг кейинги даврида эса ҳукмдорлардан ҳисобланган *суворийлар* судьялик қилганлар.

Хар бир масала учун судьялар преторлар томонидан алоҳида тайинланганлар ва шахсан ўзлари суд қилганлар. Тарафларга судья шахсига қарши чиқиш ёки претор айтган номзодлардан бирини танлаб олиш, ёхуд уни чек ташлаш йўли билан танлаб олиш ҳукуқи ҳам берилган.

Суд мажлиси Римдаги бош майдон **Форумда** ўтказилган. Аммо судьяга суд мажлисини ўз уйида ўтказиш ҳукуқи ҳам берилган. Судья икки томонни келиштирувчи ҳоким вазифасини ҳам бажарган. Томонлар бир оз ҳовурдан тушишлари учун судья мажлиси кейинроққа қолдириши ҳам мумкин бўлган.

Халқаро шартномаларга даҳлдор бўлган ва перегрин претори алоҳида кўрсатма берган ишларни *рекуператорлар* — қайтариб берувчилар муҳокама қилганлар. Бундай суд уч кишидан иборат бўлган. Агар маълум сабаблар очилса, *рекуперат суди* жиноий жавобгарликка тортиб, жазо бериши ҳам мумкин бўлган. Хусусий судьянинг эса бунга ҳақи бўлмаган.

Кулларнинг қулдорлар билан бўлган озодлик олиш масаласидаги низолари ҳам рекуперат судларида кўрилган. Агар судья у ёки бу тарафга адолатсизлиги натижасида зарар етказса, бунга ўз мулки билан жавоб берган. Судга келмаслик уни менсимаслик ҳисобланиб (узрли сабабсиз бўлса), катта мулкий жавобгарлик қўлланишига сабаб бўлган.

## 3- §. ДАЛИЛЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Судья ишни кўришдан аввал претор формуласи босилган қоғозларни тарафларга тарқатиб, сўнг муҳокамага киришган.

Тарафлар — даъвогар, жавобгар ва уларнинг адвокатлари бўлганлар. Муҳокаманинг ушбу босқичида (*in indicio*) тарафлар расмиятчилик билан учалик боғланмаганлар, аммо ёлғон кўрсатув ва ҳужжатларни сохталашибирганлик учун қаттиқ жавобгарликка тортилганлар. Судда гувоҳлар ҳам қатнашган, зарур бўлганда, экспертиза ҳам ўтказилган. Судъянинг қарори қатъий бўлиб, ундан сўнг ўша ҳужжатлар асосида ўша даъво юзасидан иш қўзғатиш мумкин бўлмаган.

Асрлар давомида юристлар *формуляр процессини* чуқур ўрганганлар ва ривожлантирганлар. Ушбу процесс ҳам замон талаби, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши туфайли ривожланиб, такомиллашиб борган. Баъзи улкан ва муҳим масалалар (кулликдан озод қилиш, мерос каби) 10 ёки 100 нафар судья иштирокида кўрилган (*децемвир* ёки *центумвир* деб номланган).

**Далилларга эркин баҳо бериш.** Рим юристларининг энг олий ихтиrolари ва авлодларга қолдирган бебаҳо қадриятларидан бири далилларни эркин муҳокама қилиш, ақл ва виждон кўрсатмаси билан қозонилган эътиқод, яъни ички ишончdir. Бу ишонч формал шароитларга эмас, ишнинг барча томонларини *оқилона ва холисона* текширишга асосланган. Бу нарса фуқаролик ҳамда жиноий ишларни кўришда баббаравар аҳамиятли бўлган.

**Суднииг ҳал қилув қарорини бажариш.** Илгариги вақтларда суд қарорини бажариш жавобгарнинг зиммасига юклатилган бўлса, мазкур даврга келиб бу ишни претор ўз кўлига олади. Бунинг учун унинг кўлида мажбур этиш воситалари ҳам бўлган.

**Реституция (*restitutio iniunctum*).** Баъзан жавобгар аёл киши ёки меҳнатга лаёқатсиз шахс, ёхуд ёш бола бўлса, ҳимоя излаб преторга мурожаат қилинган. Бундай ҳолларда *реституция* — яъни илгариги ҳолига қайтариш, қайта тиклашнинг асосий вазифаси ёмон, оғир оқибатларга олиб келадиган хатоларни тузатиш бўлган. Бу ҳолда претор даъвогарга ўз даъвосини қайта кўриб чиқиши, янги далиллар билан тўлдириш имконини ҳам берган.

Реституция кўпинча ашёвий низоларда қўлланган ва аниқ шахсий хусусиятга эга бўлган.

#### 4- §. КОНГНИЦИОН ИШ ЮРИТИШ

**Конгницио (*kognitio*), „текширув“, „тергов“ маъносини билдиради. Империя вужудга келиши билан фавқулодда иш юритиш қоидаси расм бўла бошлаган. Бунда суд ишларини**

ҳал қилиш вазифаси вилоят ҳокимларига топширила бошлиган. Бундай ишларга ашёвий даъволар ҳам, шахсий ишлар ҳам кирган. Конгницион иш юритишда *формуляр иш юритишдаги* каби *икки босқич* бўлмаган. Ишни аввал бошидан ўша вилоят амалдорининг ўзи ҳал қилган. У мутахассис қонуншуносдан маслаҳатлар олиб туриши мумкин бўлган.

Бунда тарафлар борган сари ўз ҳукуқий имтиёзларидан маҳрум бўла борганлар, анъанавий *процессуал қоидаларни* менсимай қўйганлар. Адвокатлар ҳам ўз мавқеларини йўқота борганлар.

Конгницион иш юритиш **доминато** (III аср) даврига келиб узил-кесил қарор топган. Энг олий суд вазифаси императоргагина хос бўлиб, юқори мансабдаги амалдорлар унинг номидан суд қилганлар. Далилларни тақдим этиш тартиби эскича қолган бўлса ҳам, уларни эркин баҳолаш тизими жиддий ўзгаришга учраган. Атоқли, аслзода одамнинг берган гувоҳлиги оддий одамнинг гувоҳлигидан юқорироқ, ишончлироқ ҳисобланган. Расмий ҳужжат гувоҳлар кўрсатмаларидан юқори турган.

Вилоят ҳокимлари судлов жараёнини мутахассис юристларга топширишлари ҳам мумкин бўлган, аммо унинг ҳақ-хукуқи губернаторнинг раъйига боғлиқ бўлган.

Янги иш юритиш тизими *аппеляция* (шикоят қилиш) тизимини ҳам жорий этган. Шикоятлар императоргача бориб этиши мумкин бўлган.

Формуляр иш юритиш тизимини бекор қилиш ҳақидаги аниқ фармонлар сақланиб қолмаган. Формуляр ва конгницион тизимлар II аср охиригача биргаликда ҳукм сурган. Претор бажарлиши барча учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқарган. Бу фармонлар **интердикт** (тақиқловчи, ман этувчи) деб аталган. Улардан кўзланган асосий мақсад бузилган ҳукуқни мажбурий равища тиклаш бўлган. Ушбу фармонлар мулк эгаларининг мол-мулкларини бировлар қонунга хилоф равища ўзлаштириб олишларига қарши жуда таъсирчан воситалар бўлган.

Интердикт формулалари ҳам претор эдиктига кирган. Претор барчага қандайдир ҳаракатни тақиқловчи интердикт чиқариши, талаб қонуний бўлса, судда ишни кўрмасдан олдинроқ ҳам даъвогарга мол-мулкни топшириши мумкин бўлган. Бундай формулалар қўйидаги ҳолларда чиқаришган:

1) ҳомила сифатида мавжуд бўлиб, туғилмаган боланинг отаси ўлиши натижасида юзага келган мерос ҳукуқини ҳимоя

қилиш;

2) бева қолған ёки эрдан ажрашған хотиннинг ўз сепини қайтариш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

3) қарз берувчининг қарздор қарзини тұлашга қодир әмаслигини билгач, қарзни ундиришга интилиши.

Интердикт иш юритиш суд процессиға айланиб кетиши ҳам мүмкін бўлган. Умуман, мулкка эгалик ҳуқуқини узилкесил равишда суд ҳал қилган.

## 5. ИНТЕРДИКТ ТУРЛАРИ ВА Даъво муддати

Интердикт талаби одатда бир тарафдан қўйилган, аммо баъзан икки тараф ҳам интердикт талаб қилиши мүмкін бўлган. Шу боис интердиктлар „оддий“ ёки „икки томонлама“ хилларга бўлинган. Мазмуни жиҳатидан уларни „тақиқловчи“ ёки „қайта тикловчи“ деб атаганлар.

Агар интердикт асоси судда тасдиқланса, унга қаршилик кўрсатган тараф жарима тўлаган, агар тасдиқланмаса, интердикт талаб қилган томон розилиги билан иш судеиз битган.

**Даъво муддати.** Ҳуқуқий муносабатларнинг барчасида вақт бирлиги иштирок этади. Ҳар қандай шартнома ёки битимда ҳам вақт масаласи акс эттирилади. Бунга битимда унинг тузилган вақти, бекор бўлиш вақти ёки маълум шартларнинг бажарилиш вақти кўрсатилиши яққол далиллар. Ворислик ҳуқуқида ҳам вақтнинг роли катта (масалан, меросни тақсимлаш вақти, васиятнома кучининг тугаш вақти кабилар).

*Фуқаролик процессида ҳам вақт алоҳида аҳамият касб этган. Масалан, ҳуқуқий муносабат тарафдорларининг вояга етиш даражаларини белгилашда уларнинг туғилган йиллари ва кунлари аниқ ҳисобга олинган вақтда (улар 25 ёшга тўлган тақдирдагина) вояга етган ҳисобланганлар. Агар ҳеч қандай узрли сабаб бўлмаса, вақт узлуксиз деб ҳисобга олинган. Агар касаллик, давлатнинг бирор ерга жўнатиши, асир тушиш каби сабаблар бўлса, ушбу вақтни ҳисобга олишда инобатга олиниши мумкин бўлган, яъни муддат узайтирилган.*

Рим цивиль ҳуқуқида „даъво қўзғатиши муддати“ тушунчаси бўлмаган. Аммо претор ва суд ўтиб кетган муддатини ҳисобга олганлар ва даъвогарни ҳаракат қилишга ундағанлар. Шахсий ва ашёвий даъволар учун даъво муддати V асрдан бошлаб жорий қилинади. Юстиниан даврида даъво муддатлари барча даъволарга нисбатан қўлланилади. 30 йил ўтганидан

кейин даъво муддатининг ўтиши назарда тутилади.

Претор эдиктларидаёқ баъзи воқеалар учун даъво муддатининг чекланганлигини кўрамиз (*масалан*, жарима солинадиган даъволар учун). Бозор муносабатлари даврида вақтга бўлган талаб яна ҳам ошган ва улар республиканинг қуийи магистратлари томонидан тартибга солиб турилган.

Олди-сотди шартномаларини муҳокама қилиш чоғида нарсанинг камчилиги, сифати бузилганлиги маълум бўлган тақдирда, курил эдиллари битимни бекор қилиш ва ашёлар пулинни олти ой муддатда тўлаш ҳақида қарор чиқарганлар, ашёнинг харид нархини камайтирганлар. Бундай қарорлар чиқариш амалиёти ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Юстиниан қарорига кўра, барча даъволар 30 йилдан сўнг бекор қилинган.



### *Назорат учун саволлар*

1. Даъволарнинг қандай турлари мавжуд?
  2. Қандай суд тизими мавжуд бўлган?
  3. Формуляр суд нима?
  4. Далилларни тақдим этиш қандай тартибда амалга оширилган?
  5. Когницион иш юритиш ҳақида нималарни биласиз?
  6. Интердикт неча хил бўлади?
  7. Даъво муддати қандай белгиланган?
-

## IV боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА ШАХСЛАР ТУШУНЧАСИ

1789 йилда французларнинг *Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқи ҳақидаги декларацияси* эълон қилинганидан бери у ўзига, расман бўлса-да, оғишмай йўл очиб бормоқда ва умумбашарий қимматга эга умумдемократик қадриятга айланмоқда. Декларацияда инсонларнинг озод ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилишлари ва то ўлгунча шундай қолишлари, шунингдек, озодлик, мулкка эгалик, хавфсизлик ва зулмга қарши кураш ҳар бир давлатнинг мақсади бўлиши зарурлиги ва ҳуқуқий тенглик принципи эълон қилинган.

Аммо Қадимги Римда бундай бўлмаган. Унда кулчилик тузуми тараққий этган бўлиб, қул ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган. У ишлаб чиқариш қуроли ёки иш ҳайвонига тенглаштирилган. Шу билан бирга, ҳар қандай озод фуқаронинг ҳам қулга айланиб қолиши ҳеч гап бўлмаган. Чунончи, агар у асирга тушиб қолса, қарзини тўлай олмаса, бирор гуноҳи учун сургунга ҳукм қилинган бўлса, қул қилиб ишлатилиши, сотиб юборилиши мумкин бўлган.

Ўқитувчилик, иш бошқарувчилик каби ишларни бажарувчи қулларни хўжайнилар тузукроқ аҳволда тутгандар. Бундай қулларга хўжайнлари топширган вазифалар юзасидан турли даъволар ҳам мавжуд бўлган. Қулга маълум миқдорда ер ажратиб берган хўжайин қулни боқиш вазифасидан ҳам қутулган. Бундай қул ерни ишлаб, ўзини боқсан, ерга керакли харажатларни ўзи қоплаб, хўжайнинга маълум миқдорда тўлов ҳам бериши керак бўлган. Озод қилинган қуллар ҳам маълум кунларда хўжайнинга ишлаб беришлари лозим бўлган. Ана шундай муносабатларнинг юзага келиши билан турли даъволар келиб чиқсан.

Оғир жазо берилишига қарамай, қулларнинг қочиши тез-тез учраб турган. Агар қул хўжайнини ўлдирса, ўша вақтда уйда бўлган қулларнинг ҳаммаси ўлимга ҳукм этилган. Хўжайнинг қулларни ўлдириши эса оддий ҳол ҳисобланган. Хўжайнилар қулларнинг ўзаро турмуш қуришига қаршилик кўрсатмаганлар, чунки бу уларнинг қуллари кўпайишига олиб келган.

Юқорида таъкидланганидек, қарзларини түлай олмаган фуқаролар қулликка маҳкум этилганлар. Аммо мил. ав. 326 йилда Петелия қонуни қабул қилингач, қарз берувчига мол-мулкини бериш ёки маълум вақт ишлаб бериш билан ҳам кутулиши мумкин бўлган. Бу „аддикт суди“ томонидан белгиланган.

19 йилда император Тиберия даврида кулни озод қилиш масаласи кўрилганда овозлар сони тенг бўлиб қолса ҳам озодлик тарафига ҳукм чиқарилган. Бу қонун бўйича қул сотилган тақдирда болани онадан ажратиш тақиқланган.

Рим хусусий ҳукуқининг субъектлари алоҳида жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлган. Ҳукуқ субъекти персона (persona) деб аталган. У тўла ҳукуқий лаёқатга эга бўлган ва қуйидаги гурӯҳлардан ташкил топган:

- эркин бўлиши билан — *status libertatus*;
- фуқаролик ҳукуқига эга бўлиши билан — *status civitatis*;
- оиласвий ҳолати билан — *status familias*.

*Биринчи гурӯҳ* — эркин шахслар ва қулдорлардан ташкил топган. *Иккинчи гурӯҳ* — Рим фуқаролари ва хорижий давлат фуқаролари, учинчи гурӯҳ — оила бошлиғи ва унга итоат этувчилардан иборат бўлган.

Хусусий ҳукуқ бўйича қуйидаги шахслар тўла ҳукуқий лаёқатга эга деб тан олинган: а) *ius conubii* — никоҳдан ўтиш, римликлар оила қуриш ҳукуқига эга бўлганлар; б) *ius commerci* — мулкий муносабатларнинг субъекти ҳукуқига эга бўлганлар.

## 1- §. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР

Хусусий ҳукуқ, фуқаролик-процессуал ҳукуқи, ҳалойиқ ҳукуқи берган ҳақ-ҳукуқларни, шунингдек, оммавий ва хусусий ҳукуқлар юклаган вазифаларни бажарувчи ҳар бир киши жисмоний шахс ҳисобланади. Кенг маънода, яшаш ҳукуқи, жисмоний дахлсизлиги, шаън ва қадр-қиммати қонун билан кафолатланган киши жисмоний шахсдир.

Рим хусусий ҳукуқида қонун ҳукуқ эгаси бўлган ҳар бир кишининг мулк эгаси бўлишига йўл қўйган, шартномавий муносабатлар юритишга ҳақли бўлган кишини шахс ҳисоблаган.

Шундай қилиб, „ҳукуқ субъекти“ тушунчаси шакланган. Албатта, бу шахс (ҳозирги вақтдаги каби) муомала лаёқатига эга бўлиши лозим бўлган. Бу эса унинг маълум ёшга етиши, ақлий қобилияти, қилаётган иши учун масъулиятни сезиш қобилияти билан боғлиқ бўлган.

**1. Тұлиқ ҳуқуқий лаёқат әгаси.** Тұлиқ ҳуқуқий лаёқат вұжудға келиши учун уч нарса талаб қилинган: озод инсон, Рим фуқаролиги ва оила бошлиғи бўлиш. Озод ота-онадан туғилған киши озод ҳисобланған. Кейинчалик, гарчи отаси номағым бўлса ҳам, озод онанинг боласи озод ҳисобланадиган бўлған. Агар ҳомиладор қул озодликка чиқса, шундан кейин туғилған боласи ҳам озод ҳисобланған.

Рим ҳуқуқига кўра, киши туғилған кундан бошлаб ҳуқуқий лаёқатта эга ҳисобланған. Аммо боланинг отаси вафот этиб, у она қорнида қолса ва ворислик масаласи кўтарилса, қориндаги бола ҳам ворислар қаторига киритилған. Балоғат ёши эркаклар учун — 25, аёллар учун — 18 ёш ҳисобланған.

Ҳарбий хизматда бўлиш ва сиёсат билан шуғулланиш учун фуқаро озод бўлиши керак бўлған. *Патерфамилиас* — отанинг оиласада бошчилиги бўлиб, хусусий ҳуқуқий ишлар билан фақат ота шуғулланған. Агар ота асирга тушиб қолса, вафот этса ёки фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилса, унинг ўғиллари фатерамилиас ҳуқуқини олганлар.

### **Ҳуқуқий лаёқатни чеклашнинг уч тури мавжуд бўлған:**

- а) кимки фуқаролик ва озодликдан маҳрум этилса, деярли барча ҳуқуқларини ҳам йўқотган;
- б) кимки озод қолиб, фақат фуқароликни йўқотса (масалан, Римдан кўчиб кетса), ярим ҳуқуқини йўқотган;
- в) кимки ўз оиласидан бошқа оиласага ўтса, ҳуқуқини энг кам даражада йўқотган.

**2. Лотинлар.** Римга бўйсундирилишидан олдин луциум халқлари лотин номи билан юритилғанлар. Улар қадимий лотинлар бўлғанлар.

Кейинроқ мустамлака лотинлари пайдо бўлғанлар (*Latini Coloniari*). Қадимги лотинлар Рим фуқаролари қаторига киритилмасалар ҳам, Римда тижорат битимлари тузишлари ва судларда иштирок этишлари мумкин бўлған. Баъзан Рим фуқаролари билан никоҳга кириш ва халқ мажлисларида қатнашишлари ҳам кузатилған.

Мил. ав. I асрда лотин жамоалари Рим фуқаролиги ҳуқуқига эга бўлғанлар.

**3. Перегринлар.** Юқорида айтилганидек, 242 йилда перегринлар претори лавозими таъсис этилган. У ўз эдиктларини чиқариш ҳуқуқига эга бўлған. Унинг фармонлари шаҳар претори билан келишилған ҳолда чиқарилған. Шундай қилиб, хусусий ва ҳудудий ҳуқуқлар келишиб олиб бориладиган бўлған. Пировардида ҳудудий ҳуқуқ нормалари енгиб

чиққан, чунки прегрин претори табиий ҳукуқ нормаларидан күпроқ фойдаланиш имкониятiga эга бўлган.

Перегринлар асосан Рим босиб олган ўлкаларнинг (*Греция, Миср, Франция*, ва ҳ. к.) фуқаролари бўлганлар. Император Каракалл қонунига (212) мувофиқ, прегринлар ҳолати анча ўзгарган. Эндиликда Рим пойтахт бўлиб қолса ҳам унинг имтиёзлари тугатилган, Римдаги барча озод кишилар фуқаролик ҳукуқини олганлар. Энди асл римлик ва перегрин товар алмаштириш, олди-сотдида бир хил ҳукуққа эга бўлган. Улар ўртасидаги ўзаро низолар ҳам тенг ҳукуқли асосда ҳал қилина бошлаган ва „экстраординар (фавқулодда) когниция“ деб аталган.

**4. Ихтиёрий бўшатилганлар (либертинлар)** ёки озод қилинганлар. Қадим замонларданоқ қулдорлик давлатлари, хусусан, Римда қулларни озод қилиш ҳукуқи мавжуд бўлган. **Улар турли усуllарда (масалан, суд орқали, васиятномаларга асосан ва бошқа усуllарда)** озод этилганлар. **Империя вақтида:** а) дўстларга эълон қилиш, б) озодлик хати бериш, в) оиласий дастурхон атрофига ўtkазиш кабилар пайдо бўлган. **Император Константин даврида** бу усуllар сони янада кўпайтирилган. Аммо озодлик олган қул билан унинг собиқ эгаси — қулдор орасидаги муносабат батамом узилиб кетмаган, уларнинг бир-бирларига нисбатан маълум мажбуриятлари сақланиб қолган.

**5. Колонлар.** Қулларни қўйиб юбориш амалиёти гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб турган. *Масалан, император Август* замонида тамға босилган қулларни қўйиб юбориш ман этилган ёки 30 йил хизмат қўлмаганларини қўйиб юбориш тақиқланган. **Император Юстиниан (VI)** эса қулларни хўжайнининг фармони билангина озод этиб юбориш ҳукуқини берган.

Ундан ташқари, озодликка чиққан қулга фуқаролик ҳукуқи ҳам бериладиган бўлган. Бунинг ўз сабаблари бўлган, албатта. Колонлар тарихи ушбу саволларга жавоб беради. Бирорнинг ерларини ижарага олиб, унга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўловчи (масалан, чоракор) колонлар деб аталган. Уларнинг ҳар хил турлари бўлган. Қулни бевосита ишлатгандан кўра, унга ер бериб, „ҳосилнинг бир қисми ўзингники“, дейилса, қул тиришиброқ ишлаган ва хўжайнинга ҳам кўпроқ маҳсулот етказиб берган. Аммо кейинчалик улар хўжайнининг кутулиб бўлмас қарз кишанига туша бошлаганлар.

**Ер эгалари** (латифундистлар) ва Рим империясининг манфаатини кўзлаб, ажратилган ерларини ташлаб кетувчи

колонларга қарши чоралар кўрила бошлаган. *Масалан*, 322 йилги конституцияда ана шундай колонларни мажбурий қайтариш ҳақида қоида бўлган. 356 йилда эса ерни унда ишловчи *колонларсиз* сотишни тақиқловчи қонун чиққан. Шу тариқа колонларни ерга бириктириб кўйиш юридик асосга эга бўлган.

**Колонликнинг** юзага келиши қулдорлик тузуми инқирозининг натижаси бўлган. **Пекулийликнинг** ўзи (пекулий ҳақида қўйида батафсил тўхтalamиз. — З. Ш.) кулнинг манфаатдорлигини оширувчи омил бўлиб, кейинги ўзгаришларнинг бошланиши бўлган.

Рим империяси анча сусайган бўлиб, эндилиқда ҳарбий йўллар билан кулларни кўпайтиришнинг имконияти қолмаган эди. Ундан ташқари, колонлик билан ризқ топиб, кун кўришга рози қашшоқлар ҳам кўпайиб кетган эди. Рим давлатининг ўзи ҳам колонлардан тушадиган солиқлардан кўпроқ манфаатдор бўла бошлаган, пировардида улар солиқ тўловчилар армиясини ташкил қилганлар.

Колонларнинг тўлиқ ҳукуқقا эга бўлмаган, ер эгаларига қарам табақа сифатида шаклланиши император *Анастасий* (491—518) вақтида юз берган. Унинг қонунига биноан, 30 йил давомида ерни ишлаган кишигина ўша ерга эгалик ҳукуқига эга бўлган. Шу тариқа, феодализмга йўл очилган. *Колонлар* эса крепостнойларнинг салафларига айланганлар. Шундай қилиб, ерга бириктириб кўйиш, чоракорчи ва бошқалар феодалларнинг деҳқонлар кучидан фойдаланиш воситаси бўлган.

**Пекулий.** Римда қул эгалари ўз мулкларининг бир қисмини қулларга топшириб, уларни бу мулкни идора қилишга жалб қилиб қўйганлар. Бундай мулк *пекулий* деб аталган. *Масалан*, қул кема капитани вазифасини бажарган ёки бирор ер мулкининг бошқарувчиси бўлган, аммо бу мулкларга, унинг бирор бўлагига ёки ундан келадиган даромадга ҳеч қандай эгалик ҳукуқига лойиқ ҳисобланмаган ва буни даъво ҳам қилолмаган.

## 2- §. ЮРИДИК ШАХСЛАР

Ҳозирги вақтда фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашадиган, даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар **юридик шахслар** деб аталади. Рим юристлари (айниқса, империя даврида) хўжалик ишларида айrim шахсларгина эмас, балки юридик шахслар

ҳам қатнашиши мумкинлигини пайқаган, эътироф этгандар. Аммо улар бу соҳада муфассал бир таълимот ярат олмагандар. Бунга зарурат ҳам бўлмаган. Аммо улар юридик шахс тавсифини (характеристикасини) ишлаб чиқсанлар. **Унга кўра:**

1) корпорация (уюшма)ларнинг мулки корпорация аъзолари мулкларининг йиғиндиси эмас, балки ўзи бир бутун мулк ҳисобланади;

2) корпорацияга янги аъзоларнинг келиши ёки айрим аъзоларининг ундан кетиши корпорация, унинг юридик хукуқларига таъсир этмайди;

3) корпорациянинг қарзлари учун унинг аъзолари ўз мол-мулклари билан жавоб бермайдилар;

4) корпорация ўзининг ҳомийларидан ёки қарздорларидан олган, ундирган мол-мулк унинг аъзолариники эмас, балки фақат корпорацияницидир;

5) ҳар қандай юридик шахс суд ва давлат идораларида унинг ишларини олиб борувчи вакилига эга бўлиши керак.

Корпорацияларга турли ҳайъатлар, савдо, хунармандчилик ва бошқа бирлашмалар кирган. Уларнинг фаолиятини тартибга солувчи биринчи хукуқий хужжат уларга раҳбарлар ва улардан вакиллар сайлаш ҳақидаги хукумат кўрсатмаси бўлган. **Император Август** замонидан бошлаб хусусий корпорацияларни сенат рухсатисиз ташкил қилиш тақиқланган. Ер-мулки бўлган муниципал шаҳарлар ҳам юридик шахс ҳисобланган: **Император Константин** (313 й.) вақтидан бошлаб **черковлар ҳам юридик шахс** ҳисоблана бошлаган, қариялар уйлари, меҳр-шафқат (хайрия) ташкилотлари ҳам худди шундай мақомга эга бўлган.

## **2 Назорат учун саволлар**

1. Римда кимлар тұла хукуқий лаёқатга эга саналған ва улар қандай белгиларга эга бўлишлари шарт бўлган?
2. Рим фуқаролигини олиш ва йўқотиш тартиби қандай бўлган?
3. Римда шахснинг муомала лаёқати қандай тушунилган?
4. Рим фуқароларининг қайси табақалари муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб ҳисобланган?
5. Лотинлар ва перегринларнинг хукуқий ҳолатини айтиб беринг.
6. Римда қулларнинг хукуқий ҳолати қандай бўлган?
7. Либертиналар қандай хукуқларга эга бўлганлар?
8. Колонлар кимлар ва уларнинг хукуқий мақоми қандай бўлган?
9. Юридик шахсларга қандай белгилар хос бўлган?

# В боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

## 1- §. ОИЛА ҲУҚУҚИ

Рим оиласи ниҳоятда ўзига хос бўлган. Шунинг учун *Гай уни „фавқулодда оила“ деб атаган*. Ота унда мутлақ ҳоким бўлган. Болалари, набира ва абиралари учун ҳам унинг ҳукми қатъий бўлган. Хотин эса қизлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлган, холос. Барча оила аъзолари *sui*, яъни „ўзимизники“ деб юритилсалар, ота — *sui iuris*, яъни „ўзига ўзи хўжайин“ деб юритилган.

Рим оиласининг иккинчи хусусияти шундан иборат бўлганки, унда қон-қариндошликка эмас, юридик вазиятга, ҳуқуқий алоқадорликка қаралган ва бу „агнатик“ ҳолат деб аталган. Яъни қон-қариндош бўлган ўғил-қизлар ҳам, қариндош бўлмаган хотин ва асраб олинган фарзандлар ҳам бир хил ҳуқуққа эга бўлганлар; оиласа уларнинг мавқеи бир хил бўлган.

Рим оиласининг учинчи хусусияти шундаки, оиласа, фақат агнатлар, яъни биз тушунган маънодаги оила аъзоларигина эмас, балки қуллар, уй ҳайвонлари, ҳатто жонсиз нарсалар ҳам кирган.

Оила аъзоларининг юридик ҳолати отанинг оламдан ўтиши ёки унинг хоҳиши (бирор ўғлини ўз ҳукмидан озод қилиши, қулни қўйиб юбориши, қизини эрга бериши кабилар) билан ўзгариши мумкин бўлган.

## 2- §. КОГНАТЛАР ВА АГНАТЛАР

„**Фамилия**“ (*familia*) деган римча сўзининг биринчи маъноси уй хўжалигини англатган. Кейинчалик, уй хўжалигига ашёларнинг, буюмларнинг эгалари, яъни кишилар ҳам қўшила бошлаган. Отадан тарқаган қариндошлар, фарзандлар, шунингдек, улар билан тенг ҳуқуқли ҳисобланган фарзандликка олинган болалар ҳам агнатлар деб ҳисобланган.

Она томондан қариндошлар „когнат“лар деб аталган. Бунга, аввало, турмушга чиқиш натижасида бошқа оиласа ўтиб кетган қизлар, акаларнинг сингиллари киритилган.

Шундай қилиб, отадан кейин ўғил барча хукуқларни олган, қиз эса бошқа оиласа ўтиб, эрининг ёки қайнотасининг ихтиёрига (хукмига) тушиб қолган. Бунда фақат маънавий қариндошлик муносабатлари сақланиб қолган, холос. Бироқ у ҳеч қандай хукуқий аҳамиятга эга бўлмаган.

### 3- §. НИКОХ

**Модестин никоҳни „илюҳий ва инсоний иттифоқ“ деб таърифланган бўлса ҳам, Рим хукуқида христианлардаги сингари уни илоҳийлаштириш бўлмаган.**

Никоҳлар „*сит тану маріті*“, яъни хотин эри хукмронлигидаги никоҳ (Юстиниандан аввалги даврда) ва Модестин (III аср) замонга келиб эса *sine тану*, яъни эркак хукмронлигидаги никоҳларга бўлинган. Никоҳга кириш учун қуидагилар талаб қилинган: *балогат ёшига етиш, ўзларининг ва оталарининг розилиги, ҳар икки томоннинг бу иттифоқ — никоҳ эканлигини тушуниб, доимо ёдда сақлаши, биргаликда ҳаёт кечириш, аёлнинг эрига вафодорлиги.*

Никоҳнинг қуидаги уч хил маросимидан қайси бирини танлаб олиш никоҳланувчилар, уларнинг оталари ёки бошқа ҳомийларининг ихтиёрида бўлган:

1) нон тишлаш одати. Ноннинг қолгани Юпитерга садака қилинган, руҳонийлардан ташқари, яна 10 нафар гувоҳ қатнашган. Империя даврида бу одат фақат руҳонийлар орасида қўлланилган, плебейларга тақиқланган;

2) тарозу ва мис ёрдамида амалга оширилган маросим. У беш кишининг гувоҳлигига ўтказилган. **Куёв келиндан:** „Сен менга муносиб матерфамилес бўласанми?“, — деб сўраган. „Сен қайдা бўлсанг, мени ҳам шундан топасан“, — деб жавоб берган келин. Сўнг куёв келиннинг отасига бир қуйим мис берган. У ўзига яраша қалин вазифасини ўтаган. Бу одат классик давр охирларигача давом этган;

3) XII жадвал қонунларида расмий бўлмаган, оддий никоҳ шакли ҳақида ҳабар берилади. Унга кўра, ҳаётини ҳеч қандай расмий маросимсиз эркак билан боғлаган аёл унга тобеликдан озоддир ва хоҳлаган вақтида ажрашиб кетавериши мумкин. Аммо у бир йилда уч кече эри олдига келиб туриши керак бўлган. Агар аёл бу шартни бузса, унинг норасмий никоҳи расмийлаштирилган ва у эркак тобелигига тушиб қолган. Бундай никоҳдан туғилган болалар ҳам расмий никоҳ болалариники каби хукуқларга эга бўлганлар.

Хуллас, никоҳ қоидаларининг асосий вазифаси тенг ҳуқуқли оила қуриш эмас, балки унда отанинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш бўлган.

445 йилда Кануел қонуни қабул қилингунича *патрицийлар* билан *плебейлар* ўртасида никоҳ тузиш тақиқланган. Рим фуқароси билан перегринлар озодлар билан қулликдан бўшатилганлар, озод фуқаролар билан куллар ўртасида никоҳ тузиш ҳам тақиқланган. Қариндошлар орасида эса амаки ва жиян, васий билан унинг ҳимоясидаги аёл ўртасидаги никоҳлар тақиқланган. Никоҳга киришнинг энг кам ёши қизлар учун 12, йигитлар учун 14 ёш қилиб белгиланган. Кейинчалик христианлар ҳам шуни қабул қилганлар.

**Хулоса қилиб айтганда, фақат қуидағи шартларнинг бажарилишигина никоҳга кириш ҳуқуқини берган:**

- 1) уй эгаларининг розилиги;
- 2) никоҳланувчиларнинг розилиги;
- 3) никоҳланувчиларнинг никоҳланиш ҳуқуқига эгалиги (бу ҳуқуқ фақат Рим фуқаролари орасида бўлган);
- 4) никоҳ ёшига етганлик;
- 5) бошқа никоҳда бўлмаслик;
- 6) никоҳланувчиларнинг қариндош бўлмаслиги.

**Никоҳнинг алоҳида турлари.** Бунга *конкубинат* турини киритиш мумкин. Унга, асосан, ҳар хил ижтимоий табақалардан бўлган эркак ва аёл никоҳдана олмаганлар, аммо бирга яашлари мумкин бўлган. Улар орасида расмий никоҳ маросими ўтказилмаган. Аёл ҳам никоҳдаги хотинлик ҳуқуқларидан фойдалана олмаган. Бундай беникоҳ яаш ҳуқуқига фақат эркаклар эга бўлганлар. Аёлларда бундай ҳуқуқ бўлмаган.

Перегринлар орасидаги никоҳлар ҳам никоҳнинг шундай турига кирган. Чунки Рим қонунлари бундай никоҳларни ҳам расмий никоҳга кўшмаган. Бундай никоҳлар перегринларнинг ўз қонунлари билан тартибга солинган.

**Никоҳнинг тутатилиши.** Агар эр-хотиндан бири оламдан ўтса, қамалса, ҳуқуқидан ёки фуқароликдан маҳрум этилса, албатта, талоқ вужудга келган. Расмий никоҳлар фақат эркакнинг хоҳиши билан бекор қилинган. Расмиятчиликсиз тузилган эркин никоҳлар бир томоннинг хоҳиши билан бузулиб кетаверган. Тантанали никоҳлар фақат руҳонийлар орасида узоқ сақланган, расмий бўлмаган оддий никоҳ шакли кенг тарқалган. Ундаги „узи“, яъни ажрашган эри ёнига уч кун келиб кетиши одати унутилган. Классик даврда эса *талоқ*

шакли ҳам ўзгарган, никоҳлар ҳар икки томоннинг келишуви билан ҳам, бир томоннинг хоҳиши билан ҳам бузуладиган бўлган. Гай „жаҳл устида бузулган никоҳ адолатдан эмас“ деб огоҳлантиради.

Юстиниан даврида никоҳнинг тугатилиши соҳасида анча ўзгаришлар бўлган. У никоҳнинг бекор қилинишига олиб келадиган қуйидаги сабабларни белгилаб берган: хотиннинг эрига нисбатан хиёнати, қўшмачилик билан шуғулланиш, давлатта хиёнат қилиш, соғлиқ масаласи, монастирга кетиш. Кейинчалик, мазкур кўрсатмалар христианларнинг қонунлари, Наполеон кодекси ва бошқаларга асос қилиб олинган. Бева қолган хотин бир йиллик идда сақлаши лозим бўлган. Император Август фармонларига биноан, эри ўлган тул хотин икки йилдан сўнг, эридан ажрашганлар эса 18 ойдан сўнг янгидан турмуш қуришлари, бошқа эркак билан никоҳланишлари мумкин бўлган.

Етимлар ҳақини ҳимоя қилиш мақсадида оила молмулкига тегиши, яъни уларни сотиш ёки янги эрига ҳадя қилиш ҳам тақиқланган.

#### 4- §. ЭР-ХОТИННИНГ МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

„Тўтри“ ва „нотўри“ никоҳларда аёл аҳволининг қандай бўлиши ҳақида юқорида гапирилған эди. Хотин ҳар қандай ҳукуқдан маҳрум, эрига тегишли ашёлар қаторида бўлган. Баъзан оиласий кенгац чакирилиб, хотиннинг қариндошлари ҳам таклиф этилган, аммо қарорни эр чиқарган, у нима деса, шу бўлган.

Хотин агнат сифатида эрига, меросхўр болалари бўлса, улар билан бирга меросхўр ҳисобланган. Уқимишли, зиёли ёки бадавлат аёллар эр асоратига тушиб қолмаслик учун „нотўри“ никоҳни танлаганлар. Шу тариқа нотўри никоҳлар кўпая борган, патриархал оиласалар емирилиб, камая борган. Вояга етган ўғиллар ҳам босиб олинган вилоятларга ишга кетиб, ота зулмидан қутулишга ҳаракат қилганлар, яъни пекулий олганлар.

Классик юристлар даврига келиб эр-хотиннинг мулкий ҳолати бараварлашиб қолган. Улар никоҳга киришдан аввал эга бўлган мулкларини ўзлариники ҳисоблаб, сақлаб келганлар. Эр-хотин ораларида ўз мулкларини сотиш, алмашиш каби ишларни ҳам (ҳадядан ташқари) қилиш мумкин бўлган. Ҳадя қилиш ҳақида Дигестда: „Эр-хотинлик соғ севги-муҳаббат, кўнгил мойиллиги асосида бўлиши керак, ҳадя эса

*бу асосга дөг туширади*“, — дейилган, тамагирликка олиб боради деб салбий баҳоланган. Аммо совға қилишнинг бошқа томони ҳам бор: хотинига ёки қизига ҳадя берган шахс бу совғаларнинг болаларига ва набираларига ўтишини ҳам назарда тутган.

Классик даврда аёл киши эрининг рухсатисиз қўчмас мол-мулк савдосига, қарз бериш ва шунга ўхшаш ишларга аралашмаган.

**Dos(Сеп).** Бизнинг тушунчамиздаги келиннинг сепи римликларнинг *parapherna* тушунчасига мос, чунки унда *sine manu* никоҳидаги аёлнинг мулки назарда тутилади ва аёл бу мулкни ўзи бошқариши мумкин бўлган. Шу билан бирга, мулкни **эри** (ёки *pater familias*) ҳам бошқариши, ундан олинган даромадни эса оиласига ишлатиши мумкин бўлган. Мулк нобуд бўлса, **сыра concreto** (бепарволик айби) юзага келган.

Dos эса — қуёвга бериладиган сеп бўлиб, қуёвнинг никоҳдаги ҳаётини енгиллаштириш учун берилган. (У катта микдордаги пул, ер майдонлари, подалар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар бўлиши мумкин бўлган.)

Оталар фарзандларини уйлантириш ҳақида гаплашганларида сеп масаласи ҳам келишиб олинган. Сеп келиннинг бошқа буюмларидан, чунончи, кейинчалик сотиб олган, совға сифатида келган нарсаларидан доимо ажралиб турган ва энди эрининг мулки бўлган. Хотинларнинг эридан бадавлатроқ бўлиш ҳоллари ҳам кўп бўлган.

Сеп бериш одати қадимий одат бўлиб, унинг келиб чиқиши XII жадвал қонунларидан олдин бўлган. *Патрицийлар плебей қизларига* уйланиш хукуқига эга бўлмаганлар. Аммо камбағаллашиб қолган патриций оиласлари иши юришиб, бойиб бораётган плебей оиласлари билан янги оила қуришга тайёр бўлганлар. Бундай эрларнинг плебей хотинларини кўйиб, ундан қолган сеп билан бошқа хотинга уйланиш ҳоллари кўп бўлган.

Бунинг олдини олиш учун сеп қоидасига ўзгартиш кири-тилган. Эри ўлган ёки эрининг ташабbusи билан ажрашган хотинларга уларнинг сепи қайтариб бериладиган бўлган. Кейинчалик преторлар хукуқи даврида ушбу ҳолат янада мустаҳкамланган. Агарда ажрашиш хотин ташабbusи ёки унинг айби билан содир бўлса, сеп эркакка қоладиган бўлган. Аммо эр ажрашиш рўй бермасдан олдинроқ ҳам сепга келган мулкни йўқ қилиб юбориши, тасарруф этиши мумкин бўлган. Бунинг олдини олиш учун **18 йил** қонуни чиқсан. Унга

биноан, эр сеп сифатида келган мулкни хотинининг розилигисиз сотиши ва бошқача йўллар билан тасарруф этиши тақиқланган.

Император **Юстиниан** (VI) давригача сеп масалалари ҳуқуқий категориялардан кўра кўпроқ ахлоқ-одоб категориясига кирган. Сеп эракакнинг мулкига айланиши назарда тутилиб, никоҳ бошидаёқ эркак маълум шароитлар (масалан, боласизлик) юз берган тақдирдагина сепни қайтариб бериш ҳақида тилхат ёзган. Мил. ав. III асрга келиб нотуғри никоҳлар кўпайиши натижасида сепга қарашиб ҳам ўзгарган. У эндиликда фақат эракакнинг эмас, балки бутун оиласининг мулки деб ҳисоблана бошлаган. Бундан агар ажралиш юз берса, сеп аёлга қайтарилиши лозимлиги келиб чиқар эди. Аёл тул қолганда ҳам шу қоидага амал қилинган. Кўпинча эрга сепнинг асосий қисмини ташкил қилган ер майдонини тасарруф этиш тақиқланган.

## 5- §. ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Қадимги Римда отанинг фарзандлар устидан мутлақ ҳукмрон бўлганлиги ҳақида юқорида гапирилди. Фарзанд ота ихтиёрига уч йўл билан тушганлар: ундан туғилган ёки асранди бўлган (фарзандликка олинган) ёхуд қонунлаштириб олинган (ўзининг никоҳсиз туғилган боласи). **Император Марк** қонуний никоҳдан туғилган болалар ҳақида 30 кун ичидаги оммавий эълон қилишни талаб қилган ва уларни ёзиб боришни жорий этган (121—180).

*Асраб олиш, фарзандликка олиш* — қадимдан қолган ва барча халқларга мансуб одат. Рим тарихининг кейинги даврларида асраб олиш сиёсий, династик ёки иқтисодий мақсадларда амалга оширилган. Асрандилик орқали плебей патрицийга, коҳин сенаторга айланиши мумкин бўлган.

**Римда асранди олишнинг икки хил усули бўлган:**

1) биринчи усул ҳуқуқий лаёқатга эга кишиларга таалуқли бўлиб, унда улар учун *курит мажслиси* чақирилган ва унда олий руҳоний (коҳин) „*фалончининг устидан оталик ҳокимиётини ўрнатишни*“ таклиф этган (*patria potestas*), шундан сўнг фарзандликка олинувчи тобеликка тушган (*sui iuris*).

Халқ йиғинлари барҳам топган даврдан бошлиб бу усулни ҳам кўллаб бўлмаган. **Император Диалектиан** (243—316) бу усулни қонун кучига эга бўлган император раскрипти билан алмаштириш ҳақида фармон берган;

2) иккинчи усул ўз отаси бўлгани ҳолда бирор сабабга кўра бошқа оиласа ўтадиганлар учун жорий этилган. Унда **адоптация** (*adoptio*) йўли қўлланилган. Бунда берилаётган боланинг отаси уни оловчи кишининг вакилига уч маротаба сотган. Фарзандликка оловчи болани икки марта қўйиб юборган, фақат учинчи мартасида ишга аралашган ва сохта даъво йўли билан болага нисбатан оталик хукуқига (Паирия потестас) эришган. Кичик ўфиллар, набиралар ва қизлар учун бир марта сотишнинг ўзи етарли бўлган;

3) қонунлаштириш усули фақат империя вақтида қўлланадиган, эътиборга олинадиган бўлиб, **конкубинлардан** бўлган (никоҳсиз туғилган) болаларга нисбатан қўлланилган. Қонунлаштиришнинг энг оддий йўли — боланинг онасини никоҳлаб олиш бўлган.

Яна бошқа *икки* усул ҳам қўлланилган: а) император рескрипти — бу камдан-кам одамга насиб этган; б) маҳаллий ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва болага оид мулкий ценз (чекланган мулкни тайинлаш) орқали.

Оналарга келганда, улар болаларга эгалик хукуқига эга бўлмаганлар, улар устидан хукмронлик қўлмаганлар. Аммо бу қоида сусайиб борган сайин оналар билан болалар ўргасида ўзаро мажбуриятлар ва хукуқлар вужудга келган, II асрдан бошлаб эса бир-бирларига нисбатан меросхўр ворис сифатида тан олинганлар.

Отанинг мутлақ хукуқини золимлик деб тушуниш ҳам тўғри эмас, оталар ҳам бизнинг давримиздаги каби ҳар хил бўлганлар. Кўпчилиги ўз фарзандларига меҳрибон бўлганлар. Одатга кўра, ота ўз қарамоғидагилардан бирини қаттиқ жазолаши керак бўлганда, оила кенгаши чақирилган. Бу қоида бажарилмаса, цензор аралашган.

Республиканинг охири, империянинг бошланиш даврларидан бошлаб патриархал оила асослари бузила бошлаган, аввало, янги туғилган чақалоқларни ташлаб юбориш тақиқланган, сўнгра болаларни сотиш чекланган. II асрдан бошлаб эса ўфилнинг ота хукмидан чиқиш учун империя ҳокимиятига мурожаат этишига рухсат берилган, отанинг ўз фарзандларини қатл қилиш хукуқи чекланган ва тақиқланган.

Балоғатга етган ўфиллар оила мулкини бўлиб олишга ҳаракат қилганлар ва ўз мулкларига ўzlари эгалик қила бошлаганлар, юқорида қайд этилган **пекулийлар** пайдо бўлган. Пекулийликни олган ўфил иқтисодий мустақилликка эришган. Патерфамилиас пекулийга берган мулкини қайтариб





# **VI боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

## **1- §. АШЁВИЙ ҲУҚУҚ**

Жаҳон тарихида хусусий мулкчилик ҳуқуқини ишлаб чиқишига римликлар улкан ҳисса кўшганлар. Улар хусусий мулкни ҳеч бир идеаллаштиrmай ва илоҳийлаштиrmай, ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича тавсифлаганлар. Бу ҳуқуқ уларга ашёлардан фойдаланиш ва уларга ҳукмронлик қилиш, ашёларни ўз хоҳишларига кўра тасарруф этиш ҳуқуқини берган.

Римликларнинг: „*Ашёлардан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, ҳатто уларни йўқ қилишгача бўлган ҳуқуқи*“<sup>1</sup>, деган ибораси хусусий мулкчиликнинг классик ифодаси бўлиб хизмат қилди.

Энгельс: „*Рим ҳуқуқи – соғ хусусий мулкчилик ҳукмронлик қилган жамият ҳаётий шароитларининг ва келишмовчиликларининг классик ифодаси*“<sup>2</sup>, деган фикрни айтиб ўтган. „*Кейинги феодал қонунлари ҳам, буржсуа қонунлари ҳам унга арзирли ўзгариш кирита олмади*“<sup>3</sup>, — дейди у давом этиб.

„Ашё“ тушунчаси. Рим юристлари ҳам биз ашё ҳисоблаган нарсаларни ашё ҳисобига киритгандар. Уларнинг фикрича ҳам, ашё ёки нарса маълум ҳажмга, вазнга эга бўлиб ва муайян макон (жой)ни эгаллаб туриши керак. (*Масалан, ер, сув, тураг жой, кийим-кечак, озиқ-овқат, уй анжомлари ва бошқалар.*) Улар инсон ихтиёридан ташқаридағи объекtlарни (яни ҳаво, ой, қуёш кабиларни) ашё ҳисобига киритмагандар.

Рим ҳуқуқида эгасиз нарсалар бўлганидек, жисмсиз нарсалар ҳам бўлган. Чунончи, бирор кишининг мерос ҳуқуқи, аммо бу ҳуқуқ амалга ошмай, яъни унга тегмай қолиши мумкин (амалга ошмаган сервитут ва узуфрукт ҳуқуқлари каби). Агар бир киши бошқа кишининг еридан ўз молларини ҳайдаб ўтиш ҳуқуқини олган бўлса, унда бу жисмли ашё булади, аммо у шу ер эгасининг ёрдамисиз ҳайдаб ўтолмаса, унда вужудсиз ашё ҳуқуқи бўлиб қолади.

**Муомаладан чиқарилган ашёлар.** Диний муассасалар,

масjid, ибодатхоналар, қабристон буюмлари ва бошқалар муомалага кирмайдиган ашёлар ҳисобланган. Ромул подшо даврида Римда қуилган (ҳозирда сақланиб қолмаган) деворлар ҳам, муқаддас ҳисобланган дарёлар ва, умуман, оқар сувлар, умумий йўллар, ҳаммомлар, спорт заллари, оммавий заллар ҳам муомаладан ташқаридағи мол-мулклар ҳисобланган.

**Муомаладаги ашёлар.** Биз мулкнинг қўлдан-қўлга ўтиши (манципация) ҳақида юқорида гапирган эдик. Аммо қўлдан-қўлга ўтадиган ашёлар маълум бир тартибда танланган. Бунда Римнинг ер жамоаларининг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган, чунки ҳали бу даврда империянинг (ҳокимиятнинг) ишлаб чиқариш куролларига (хусусан, ерга) бўлган ҳуқуқи сақланиб қолган.

Рим империясида манципация қилинадиган нарсаларга ер, қуллар, иш ҳайвонлари, яъни уруш йўли билан, римликлар жамоасининг барчаси қатнашиб (свитас) қўлга киритилган нарсалар кирган. Улар Рим жамоасининг барча аъзолариники ҳисобланиб, чек ташлаш йўли билан ўртада тақсимланган. Ер халқнинг умумий мулки ҳисобланиб, кўп маротаба қайта тақсимлашларга дучор бўлган.

**Кўчар ва кўчмас мулк.** Рим ҳуқуқида кўчиб юриши мумкин бўлган „кўчар“ ва қўзғатиш мумкин бўлмаган „кўчмас мулк“ тушунчаларининг аҳамияти катта бўлган. Кўчмас молмulkка римликлар, авваламбор, ерни ва ундаги иншоотларни, дов-дараҳтларни киритганлар. „Нимаики ер устида яратилган бўлса, ер билан бирга бўлади“ деган принцип асосида иш кўрилган. Кўчар ашёларга барча ўзи юрар ёки жисмоний хусусиятларига зарар етказмаган ҳолда кўчириш мумкин бўлган нарсалар киритилган. Кутубхона, омборхона кабиларни мулкнинг қайси турига киритиш ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳозирга қадар давом этмоқда. Хусусан, бутун кутубхонани бир ашё ҳисоблаш керакми ёки унинг ҳар бир китобиними, деган тортишувлар бунга яққол мисолдир.

Ашёларни кўчмас ёки кўчар деб ажратиш масаласи уларни қўлга киритиш муддатлари масаласини аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

**Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар.** Рим ҳуқуқи ашёларни икки турга бўлиб қараган. Уларнинг бир қисми фойдаланиш натижасида тугаб кетади ёки тамом бўлиб қолади (масалан, озиқ-овқатлар ёки пул (бировга ўтиб кетади) ва ҳ. к.). Иккинчи хил ашёлар борки,

улар тамом бўлмайди ёки аста-секинлик билан емирилиб боради (масалан, кийим-кечак, иморатлар, иш қуроллари, безак моллари ва бошқалар).

**Бўлинар ва бўлинмас ашёлар.** Ульпианнинг кўрсатишича, бўлиниш, майдалаш натижасида ўз хусусиятларини йўқотмайдиган нарсаларни бўлинмас ашёларга киритиш керак (масалан, ер ва унинг берадиган маҳсулотлари, рудалар ва ҳ. к.) Аммо бўлинмас нарсаларни ҳам, агар у битта бўлса, ўртада келишиб бўлиб олиш мумкин. Масалан, уч ўғилга бир сигир мерос қолган бўлса, бири сигирни, қолган икки нафари ўз ҳиссаларини пул шаклида олишлари ёки келишиб олиб, маълум вақт давомида ундан галма-гал фойдаланишлари мумкин (уидан ҳам, кўлдан ҳам ва ҳ. к.).

**Оддий ва мураккаб ашё. Помпоний унинг классик таърифини берган:**

1. Оддий ашёлар бир бутун бўлади (масалан, қул ёки бир ёғоч каби).

2. Мураккаб ашёлар иккига бўлинади: а) бошқа бўлаклардан йигилган (уй, кема каби); б) бир ном остида бирлашган, аммо бир-бирига қўшилмас алоҳида нарсалардан йигилган (масалан, моллар подаси каби).

Мураккаб ашёларнинг тури кўп бўлиб, улар юзасидан юридик қарор қабул қилиш анча қийинчилкларни келтириб чиқарган. *Масалан*, бир пода қўйни гаровга олиб, қарз берган киши қарз қайтариладиган вақтгача қўйларни олган ҳолатида сақлаб туриши керак бўлган. Бу эса осон эмас (уларни бўри тортиб кетиши, ўғирланиши ёки касаллик тегиб, қирилиб кетиши мумкин).

**Хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар.** Ашёлар йўқолса, шикастланса ёки синса, бунинг учун амалга ошириладиган тўлов масаласидаги низоларда уларнинг ўхшашлиги ёки ўзигагина хослиги масаласи катта аҳамиятга эга бўлган. Олиш-сотишда оғирлигига, ҳажмига ёки сонига қараб ўлчанадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ҳисобланган. Масалан, бирорвга пул берилса, ўша пулларнинг ўзи талаб қилинмайди, балки миқдорига қараб олинади. Аммо бирорвга идиш берилса, худди ўзи талаб қилинади, шу боис бу хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё ҳисобланади. Бундай нарса синса ёки йўқолса, уни қайтариш масаласи қийинлашади, суд унинг қийматини боса оладиган нарса билан қоплашни талаб этади ва ҳ. к.

## 2- §. ЭГАЛИК

Ашёга амалда хўжайинлик ёки хукмронлик қилиш, кўлда сақлаб ёки ушлаб туришга эгалик (possessio) дейилган. Бу тушунча „мулк“, „мулкдор“ тушунчаларидан илгари маълум бўлганлиги туфайли Рим юристлари бу ҳақда алоҳида таълимот яратганлар. Бу таълимот шунчалик мукаммал бўлганки, „мулкдорлик“ ва „эгалик“ тушунчалари орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ (*Nihil commune habet proprietas cum possessione*) деган гапда ҳам асос бор. Модомики, шундай экан, сўз қандайдир вақтинчалик эмас, балки доимий эгалик ҳақида боради. Эгалик қилинган ашё фақат шахс қўлида бўлади, доимий равишда шахсники бўлиши керак. Баъзи бировлар ашёни ўзиники қилиб юриб, „охири меники бўлиб кетар“ деб умид қўлсалар ҳам, унинг эгаси ҳисобланмайдилар. Шунингдек, ўғирлаб олинган ашёлар ҳам то эгаси топилмагунча эгасиз бўлади, вақтинча олиб юрган киши унинг эгаси ҳисобланмайди.

Қадимги Римда ер тақчил бўлган. Шу боис ер умумхалқ мулки ҳисобланган. Унинг бўш ётиши барчанинг манфаатига зид бўлган. Шунинг учун ҳам эгасиз, ташландиқ ётган ёки эгалари қарамай қўйган ерларни эгаллаб олиб, ишлаш ва обод қилиш авж олган. Агар янги хўжайин ерни икки йил яхши ишлаб, обод қилса, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат етган ҳисобланган. Кўчар мол-мулкка нисбатан ҳам бу қоида қўлланилган, аммо бунда муҳлат икки йилдан бир йилга туширилган. **Демак, „эгалик“ икки жиҳат билан белгиланган:**

- а) ашёга амалда хўжайин бўлиш;
- б) шу нарсага хўжайин бўлиш истаги.

Агар булардан биттаси бўлмаса ҳам, эгалик ҳуқуқи тасдиқланмаган. **Бунинг учун қўйидагиларни инобатга олиш керак бўлган:**

- 1) бу буюмлар худди марҳумнинг ўз мулкидек ворисларга тўғридан-тўғри мерос ҳуқуқи билан ўтмаган;
- 2) инсофли асосда эгалик қилаётган одамни эгалик остидаги ашёга эгалик ҳуқуқи зўрлик билан бузулганда, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб даъво билдиришга ҳақли;
- 3) асирикдан қайтиш ашёларга эгалик ҳуқуқини мулк ҳуқуқи каби ўз-ўзидан тикламаган;
- 4) хусусий мулк ҳуқуқи даъво билан ҳимояланган, ашёга эгалик эса интердикт билан ва суд орқали тикланган.

**Шахс эгалик ҳуқуқини бошқа киши орқали ҳам қўлга киритиши мумкин бўлган, бунинг учун:**

а) унинг вакилида шу нарсани олиш учун берилган тўлиқ ваколат бўлиши керак бўлган. Бу ваколат қонунан, яъни васийликдан ёки ворисликдан, ёхуд алоҳида шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган;

б) вакилда ашёни ўзи учун эмас, бошқа бироъ учун олиш истаги бўлиши лозим бўлган.

Ушбу икки ҳолатнинг бўлиши вакил орқали эгалик ҳуқуқини олишга имкон берган.

**Ушлаб туриш.** Буюмларни қўлда ушлаб туриш, уларга эгалик қилишдан фарқ қилган. Масалан, бирорнинг хона-донини ижарага олган киши унга хўжайинлик қиласди, уни ясатиши ҳам, тузатиши ҳам, бирорни киритиши ёки киритмаслиги ҳам мумкин ва ҳ. к. Аммо у ҳали бу мулкнинг мулкдори ҳам, эгаси ҳам эмас.

Қадимги Римда мулк эгаси бундай ашё бўйича ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун преторга мурожаат қилиши мумкин бўлган, аммо ашёни ижарага олган кишининг бунга ҳақи бўлмаган. Чунки у ашёни вақтинча қўлида ушлаб турувчи ҳисобланган. Аммо агар нарса сақлаб бериш ёки бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб бериш учун берилган бўлса, у вақтда ашёни олганлар ушлаб турувчи ҳуқуқига ҳам эга бўлмаганлар, чунки улар бу ашёдан фойдалана олмаганлар. Бирорнинг илтимосига кўра вақтинча фойдаланиш учун бериб турилган ер „*претар ери*“ дейилган ва бу ҳолда ҳам претор ерни олган кишининг эмас, ер эгасининг ҳукуқларини ҳимоя қилган.

**Эгалик ҳуқуқининг турлари.** Биз юқорида эгаликнинг бевосита ва билвосита турлари билан танишдик. Рим юристлари, бундан ташқари, яна эгаликнинг цивиль турини ажратганлар. Эгаликнинг бу тури XII жадвал қонунларида ҳам кўрсатилган. Бу турдаги эгалик умумжамоа ерларидан бир қисмини эгаллаб олиш билан боғлиқ бўлиб, шахс унда икки йил ишлаганидан кейин ер унга эгалик ҳуқуқида берилиган. Претор фақат бундай мулк эгасинигина эмас, балки уни фойдаланишга олган шахсларни ҳам ҳимоя қилган. Римда: „*Маза-маза шуларники*“ деган гап ҳам юрган. Демак, эгалик, асосан, де-факто тан олинган. Чунки ашёга эгалик қилиб турган одамнинг бошқаларга нисбатан ҳуқуқи кўпроқ ҳисобланган.

Эгалик ҳам қонуний, ҳам ғайриқонуний бўлган. XII жадвал қонунларига асосланган эгалик қонуний ва инсофли

эгалик ҳисобланган. Унга түғри келмаганлари эса (масалан, бирорнинг ерини эгаси йўғида босиб олиш ва ҳ. к.) гайриқонуний ва инсофсиз эгалик ҳисобланган.

**Эгалик ҳукуқининг бошқа кишига ўтиши.** Ашёларнинг қўлдан-қўлга ўтишига доир сон-саноқсиз ҳукуқий қоидалини келтириш мумкин. Улардан энг муҳимлари ернинг бошқа кишига (масалан, меросхўрнинг қўлига) ўтиши ҳақидагилардир. **Цивиль ҳукуқи** бўйича меросхўрнинг эгалик ҳукуқи бўлмаган, чунки у биринчи бўлиб ушбу буюмни қўлга киритмаган. Фақат претортина ўз буйруғи билан бу ҳукуқни унга бериши мумкин бўлган.

Вақт ўтиши билан бу ҳол қонуналаштирилган ва „буюмга узоқ муддатли эгалик ҳукуқи бўлган киши ўлса, ўша давр учун унинг меросхўри ҳам эгалик қиласидиган“ бўлган. Ўғирлаган ва куч билан тортиб олинган нарсаларга эгалик ҳукуқи (қанча вақт ўтса ҳам) берилмаган.

**Эгалик ҳукуқининг ҳимояланиши.** Римда эгалик ҳукуқи алоҳида ҳимояга эга бўлган. Аввало мулкка эгалик ҳукуқининг мавжудлиги ва унинг бузулганлиги аниқланган (possessorium), сўнгра эгалик даъволари билан эмас, балки интердиктлар билан ҳимоя этилган. Интердиктларнинг мулкни а) ушлаб қолиш ва б) йўқотилганини қайтариб бериш каби турлари бўлган. *Мулкни ушлаб қолиш учун бериладиган интердиктлар ҳам икки хил бўлган:* 1) кўчмас мулкни ушлаб қолиш учун бериладиган интердиктлар ва 2) кўчар мулклар ҳимояси учун берилган интердиктлар.

**Мулкни қайтариб олиш интердиктлари ҳам асосан икки хил бўлган:**

— **unde vi** интердикти кўчмас мулкидан зўрлик билан маҳрум қилинган шахсларга берилган. Жавобгар киши ерни ва унинг барча ҳосилини тўлиқ қайтариб бериши керак бўлган;

— **de precario** интердикти ўз мулкини бошқа бирорга талаб қилиб олгунча, яъни вақтинча берган, аммо олган киши қайтаришдан бош торган ҳолларда қўлланилган.

Интердиктлардан ташқари, яна **actio in rem publiciana** деган даъво ҳам бўлган. Бу даъво мулкнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан қайтариб олишга ҳақли кишилар ҳукуқини ҳимоя қиласидиган. Уни претор амалга оширган.

**Эгалик ҳукуқининг бекор бўлиши.** Эгалик икки ҳолда: 1) ашёнинг ўзи йўқолган, нобуд бўлганда ёки 2) эгаси ашёдан воз кечган, унга эҳтиёжи қолмаган ҳолда тутатилган.

Агар ашёнинг йўқолишида эгаси айбдор бўлмаса, (*масалан*, ишланмай ўт босиб ётган ерни бирор босиб олса), унда претор эгасининг тарафини олиб, эгалик ҳуқуқини тиклаб берган. Эгалик қилган кишининг ўлими билан ҳам эгалик тугаган. Аммо унинг ворислари преторга мурожаат этиб, ушбу ашёга эгалик ҳуқуқини олишлари мумкин бўлган.

### 3- §. МУЛК ҲУҚУҚИ

Рим ҳуқуқида мулк лотинча „*dominium*“ сўзи билан ифодаланган. Бу сўз „*бўйсундиришган*“, „*ром қилинган*“, „*қўлга олинган*“ маъноларини англатган „*domare*“ сўзидан олинган бўлса керак. Бирорнинг мулкига айланган ашё ёки буюм „*proprietas*“ (*proprietas*) деб аталган.

Республиканинг охирги даврида фақат Рим фуқароларигина бу ҳуқуққа эга бўлганлар. Мулк ҳуқуқининг асосий қўрсаткичи мулкка мутлақ хўжайинлик ва унинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқларининг қўшилишидир.

**Қадимги Римда мулк ҳуқуқи қўйидагилар билан белгиланган:**

- 1) ашёга бевосита хўжайинлик, ҳукмронлик қилиш;
- 2) ашёга бошқа кишиларнинг ҳар қандай даъвоси ва ҳақ-ҳуқуқини истисно қиласидиган маҳсус ҳуқуқнинг мавжудлиги;
- 3) қонунда кўрсатилганлардан ташқари ҳолларда ашёга бўлган тўлиқ, чекланмаган, мутлақ ҳукуқ;
- 4) хўжайинликнинг, ҳукмронликнинг шароитга енгил мосланиши;
- 5) ашёга қонуний ҳақдорлиги;
- 6) мулк эгасининг ашёдан ҳамда у келтирган ҳосил ва даромадлардан фойдаланишга бўлган тўлиқ ва бевосита ҳокимиятга эга бўлиши.

Рим хусусий мулкчилигига ерга бўлган ҳукуқ бошқа барча ҳуқуқлардан устун турган.

**Ер ва ер учун кураш.** Жамият иқтисодиётининг асосий қисмини аграр соҳа ташкил қилган пайтларда ер масаласи жуда муҳим бўлган ва у энг қимматли мулк ҳисобланган. Шу боис турли сиёсий курашлар билан бирга, ер учун кураш ҳам авж олган: уни тақсимлаганлар, қайта тақсимлаганлар, кимларгадир берганлар, кимлардандир тортиб олганлар ва ҳ. к.

Ер ҳақида доимо турли қонунлар, фармонлар чиқиб турган. Биз қадимий даврлар ҳақида гапирмасак ҳам, кейинги даврлар қонунларидан қўйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин: **Лициний-Секстий қонуни** (мил. ав. 3—7 й.) фуқа-

роларга (патрицийларга ҳам) 500 югер (125 га) дан ортиқ ерга эга бўлишни тақиқланган. Жамоат ерларида 100 бошдан ортиқ мол боқиш ҳам тақиқлаган. **Фламиний қонуни** (мил. ав. 228 й.) Шимолий Италия жамоа ерларини муҳтож кишиларга бўлиб беришга рухсат этган. **Ливий қонуни** (мил. ав. 89 й.) Италияда бўш ётган ерларни камбағалларга бўлиб бериш хақида бўлган.

Майда ер эгалари билан катта заминдорлар орасидаги курашнинг қизишига **Тиберия Гракх** ислоҳоти (мил. ав. 133 й.) сабаб бўлган. Бунда давлат ерларини босиб олиш тақиқланган, бир киши учун илгаригидек 500 югер қолдирилган, аммо вояга етган ўғиллари бўлса, уларга 250 югер қўшиб бериладиган бўлган. Аммо оиласининг умумий ери 1000 югердан ошмаслиги керак бўлган. Ортиқчasi 30 югердан қилиб камбағалларга бўлиб берилган.

Бу қонун сенат арбобларининг қаршилигига учраган, чунки улар орасида катта ер эгалари — просессорлар кўп бўлган. Рим тарихчиси **Апиан** бу давр ҳақида: „*Бойлар ерни босиб олдилар, камбағаллар эса бола-чақасини боқиши учун маблағсиз қолдилар*“,— деб ёзган эди. „*Тиберийга келсак, у камбағалларга раҳм-шафқатдан эмас, уларга ер бериб, давлатга жанговар аскарлар олишини мўлжаллар эди*“, деб ёзган эди яна у.

Ер учун авж олиб бораётган курашни сусайтириш мақсадида халқ мажлиси мил. ав. 111 йил қонунини қабул қилишга мажбур бўлган. Бу қонунга биноан, барча ер мулклари, уларнинг келиб чиқишидан қатъи назар, квирит мулклари ҳисобланадиган бўлган. **Спурий Торий қонунига** биноан, мусодара қилишига рухсат этилган ерларни мажбуран тортиб олиш тақиқланган (мил. ав. 121 йилда бекор қилинган эди).

Ҳарбий диктатура даври ерларни қайта бўлиш шиори остида ўтган. Сулле даврида (81 й.) катта-катта ер майдонлари мусодара қилиниб, уларга 100 минглаб аскарлар жойлаштирилган. I аср охирида камбағалларга ер бериш ҳақида **комициал қонун** чиқкан. Кейинги йилларда ерларнинг бир тўда кишилар қўлида тўпланиши *латифундиялар* ва *колонатларни* келтириб чиқарган. Бу эса деҳқонларнинг ерсизланишига ва эксплуатация қилинишига олиб келган.

**Манципация.** Римда мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантана билан ўтказиш тартиби манципация деб аталган. Бу маросимда, иккала тарафдан ташқари, беш гувоҳ ва тарозибоннинг ҳозир бўлиши талаб этилган. У вақтларда Римда

танга-чақалар зарб қилинмагани сабабли, пул вазифасини бажарувчи мис оғирлиғига қараб қабул қилинганды. **Ашёни оловчи** (харидор) олаёттан нарсасининг бир чеккасини бўлса ҳам қўлида ушлаб туриб, одатта айланган қуидаги сўзларни такрорлаган: „Мен иқрор қиласменким, квиритлар ҳуқуқига биноан, бу нарса менга қарашили ва мен буни мана шу мис эвазига сотиб олдим“. Мисни тарозига бир уриб олгач, харидор уни сотувчига топширган ва шу билан маросим тугалланган.

Вақтлар ўтиши билан манципация удуми бошқа соҳаларда (масалан, ҳадя, мол алмаштириш, бола асраб олиш ва бошқаларда) ҳам қўлланиладиган бўлган. Бунда рамзиийлик кучли бўлса-да, харидорнинг мулкка бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб, унга кафолат берган.

Пул бериш масаласига келганда эса, у хоҳлаган шаклда бажарилиши мумкин бўлган. XII жадвал қонунларидан илгари понтификлар ўйлаб чиқарган бир чақа бериш орқали ижро этиш усули қўлланилган. Бу усулга кўра, манципацияда харидор биргина чақани сотувчига тантанали топширган ва бу ҳисоб-китоб тамом бўлганидан дарак берган. Манципация олди-сотди ишларини тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлган. Эски иқтисодиётнинг туташи билан манципация ҳам барҳам топган. Аммо „бу меники“ („меум эссе“) ибораси анча вақтгача қўлланилган. Бу эса судьяларга алоҳида вазифа юклаган. Улар даъвогарлардан қайси бирининг „Бу меники“си асослироқ эканлигини аниқлашлари ва адолатли қарор чиқаришлари лозим бўлган. Бу жуда нозик иш бўлган, чунки ютқазган тараф нафақат еридан, балки суд бошланиши олдидан қўйган каттагина гаров маблағидан ҳам ажralиб қолган.

**Инюре цессио.** Қадим замонлардан бошлаб манципация билан бирга, „инюре цессио“ (*in iurecessio*) деб аталган усул ҳам қўлланилиб келинганды. Бу кўп вариантили сохта суд жараёни бўлган. Бунда низолашувчи томонлар преторга мурожаат этганлар. Претор ашёнинг тақдирини ҳал қилиб, биттасига ҳукм чиқарган ва ҳужжат ҳам берган. Шу билан жанжал ҳал бўлган. Претор бунинг учун тарафкашлардан бири — харидор талабларини, гапларини эшитган, агар у сукут қилса, буни даъвогар сўзларини тасдиқлаш деб ҳисобланган ва қарор чиқарган.

Бу маросим, ашёга эгалик ҳуқуқини бировга ўтказишдан ташқари, бошқа муносабатлар, масалан, меросдан воз кечиши, қулни озод қилиш, сервитутни бошлиш ёки туталлаш кабилар муносабати билан ҳам қўлланилган.

Манципациядан фарқли ўлароқ, бу усул құлдан-құлга расмий анъанавий йүл билан ўтган барча нарсаларга нисбатан құлланилған. Бунда гап преторлар әмас, балки квиритлар мулкчилигини аниқлаш устида боради.

**Анъана.** Римда манципациясиз бир құлдан иккинчисига ўтадиган ашёлар ҳам күп бўлган. Уларнинг ўтиши ҳозиргидек оддий анъана йўли билан бўлаверган. Жуда күп юридик фактлар — шартномалар, қарз беришлар, нарсаларга эгалик қилишлар ва бошқалар анъана асосида амалга оширилган. Анъанага қура бирор олган нарсанни шу ондаёқ унга топшириш шарт әмаслиги бу усулнинг кенгроқ тарқалиш сабабларидан бири бўлган ва товар айланишини осонлаштирган. Анъананинг асосий талабларидан бири буюм нархини аниқлаш бўлган, аммо шунда ҳам унинг пулинин бирдан ва шу ондаёқ әмас, балки оз-оздан тўлаб бориш мумкин бўлган. Бу анъананинг қаердан келиб чиққанлиги номаълум: эҳтимол, у Грециядан ёки Мисрдан келгандир. Анъана усули бора-бора манципацияни сиқиб чиқарган, жуда оз нарсаларгина манципация қилиниши лозим бўлган. Ашёларга эгалик ҳукуқи фақат анъанавий усулга таяниб ҳужжатлаштириладиган бўлган. **Юстиниан кодификациясида** фақат анъана тан олинган.

**Претор мулки.** Юқорида кўриб чиқилган; икки усул билан құлдан-құлга ўтган нарсалар квиритлар мулки бўлган. Анъана бир қанча вақтгача квиритлар ва преторлар ҳукуқи чегарасида бўлган, кейинчалик у преторлар мулкчилиги тарафига ён босган ва, шундай қилиб, преторлар ҳукуқини ифода этадиган бўлган. Ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши билан манципация ёки инюре усулларини қўллаш мушқуллашган, савдода вакил юбориш кенг қўллана бошлаган. Агар орада келишмовчилик чиқса ёки буюм эгаси фирромлик қилиб, жанжал чиқарса, уни суд ҳал қилган. *Судда ютиб чиққан харидор нарса эгаси бўлган. Аммо мулк квирит ёки цивиль мулки әмас, балки претор (бонитар) мулки ҳисобланган.*

Вақти келиб цивиль ҳукуқи даъвосига алдов ҳақидаги экsepция қарши қўйиладиган бўлган. Машхур экsepция дол (*exemptio doli*)да: „*Агар даъвода ёлғон, алдов борлиги маълум бўлиб қолса, уни рад этиш учун шунинг ўзи кифоя, бошқа нарса керак әмас*“,— дейилган.

Преторлар шу йўллар билан савдо-сотик ва, умуман, муносабатларнинг инсофли ва адолатли бўлишига эришганлар.

Шундай қилиб, претор экспедицияси, яъни фактга асосланган эътиroz вужудга келадики, у даъвонинг хукуқий асосини ҳам барбод этиши мумкин бўлган.

Анча вақтгача бу усуслар параллел равишда ишлатилиб келинган. Бу аҳволнинг узоқ давом этолмаслиги очик маълум бўлиб қолганда, претор Публициан эдикти пайдо бўлган (мил. ав. 70 й.) ва даъво ҳам унинг номи билан аталадиган бўлган.

Ушбу орқали бонитар мулк эгаси (мулкдор) винди-кацион даъво қилиш хукуқига эга бўлган.

**Провинция мулки.** Рим давлати босиб олган (Европа ва Осиёдаги) жойлар Рим империясининг чекка ўлкалари ҳисобланган ва провинция деб аталган. У ерлардаги мулк эгалари ўз мулкдорлигича қолдирилган. Уларнинг бирдан-бир эгаси бўлган Рим давлати улар устидан барча хукуқларга эга ҳисобланган, ерни мустамлакачи аскарларга бўлиб бериш хукуқи ҳам давлатга тегишли бўлган. Бундан чекка ўлкаларнинг ахолиси сиқилган ва норози бўлган. II асрга келиб провинция ер эгалари изуфруктарий хукуқини олиб, ҳимояланиш имкониятига эга бўлганлар.

Галлия ва Ибериядаги ерларнинг кўп қисми Рим сенаторлари ва суворийлари томонидан босиб олинган. Улар посессорлар деб аталган.

**Чекка ўлкалардаги ер эгалиги икки жиҳати билан ажралиб турган:**

- 1) унинг учун солиқ тўланган;
- 2) бу ерларнинг хукуқий ҳолати перегрин ҳукуқи асосида тартибга солинган (цивиль қоидаси бўйича эмас).

**Перегринлар мулки.** Перегринлар квирит мулк эгалари тоифасига кирмаганлар. Аммо савдо-сотиқнинг ўсиши бу табака қишилари мулкий хукуқларини ҳам муҳофаза қилишни тақозо эта бошлаган. Кўп ҳолларда перегринлар мулки ҳам квиритларники сингари ҳимоя қилина бошлаган ва, шундай қилиб, Рим ҳукуқида хусусий мулкчиликнинг умумий бир тизими ишлаб чиқилган.

Рим давлатининг ривожланиши билан мулкчиликнинг турли кўринишлари орасидаги фарқлар ҳам барҳам топа борган.

Домината даврида Рим юристлари хусусий мулкчиликнинг умумий бир тушунчасини ишлаб чиққанлар. Бу тушунча бўйича, кимнинг қандай мулкка эгалик қилиши ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган.

**Хусусий мулк ҳукуқи.** Хусусий мулк ҳукуқи куйидаги хукуқларни ўз ичига оладиган бўлган:

- 1) мазкур мол-мулкка эгалик қилиш хуқуқи (*ius possidendi*);
- 2) ундан фойдаланиш хуқуқи (*ius utendi*);
- 3) ҳосил ва даромад олиш хуқуқи (*ius fruendi*);
- 4) тасарруф қилиш хуқуқи (*ius abutendi*);
- 5) ўз мулкининг бошқалар қўлидан ўзига қайтарилиши-ни талаб қилиб олиш хуқуқи (*ius vindicandi*).

Бу хуқуқлар хусусий мулк эгасининг ҳамма мулкларига ва уларга қўшила борган ашёларга дахлдор бўлган. Мулкдор бу ашёларни кўпайтиришда ўз меҳнати ёки бошқалар меҳнатидан фойдаланиши мумкин бўлган. Ер эгаси эса ерига ва унинг устидаги барча нарсаларга хукмронлик қилган.

**Рим юристлари** „Мулкдор ўз мулки билан нима хоҳласа шуни қилиши хуқуқига эга, фақат у қонунда тақиқланган ишлардангина сақланиши керак“, деган фикрда бўлганлар. Бундай чеклаш кўпроқ кўчмас мулкка тааллуқли бўлган.

**XII жадвал қонунларида қўйидаги қоидалар мавжуд:** 1) ер эгаси ўз еридан арава ўтадиган йўл ва сўқа, омоч айланиши учун жой қолдириши шарт; 2) у тўкилган меваларни териб олиши учун қўшнисига кунора ўз ерига киришга рухсат бериб туриши керак ва ҳ. к.

**Мулк хукуқини бевосита ёки билвосита ҳосил қилиш.** Агар ҳеч кимга қарашли бўлмаган ёввойи ҳайвонни тутиб олсанк, биз унга эгалик хукуқини биринчи бўлиб бевосита олган бўламиз. Агар еримиздан қадимда кимдир кўмиб кўйган бойликни топиб олсанк ҳам, бирор кераксиз ҳисоблаб, ташлаб юборган нарсани олсанк ҳам шундай бўлади. Аммо агар бирорвга тегишли мулкнинг эгалик хукуқи бошқа кишига ўтказилса, у билвосита олинган ҳосила хукуқ бўлади.

**Қадимги Римда нарса маълум маросимлардан кейин бошқа бирорвнинг қўлига ўтса** (анъанага кўра), у претор мулкидан квирит мулкига айланган. Ерни босиб олиш (оккупация) йўли билан қўлга киритиш алоҳида ҳолат саналган. Ернинг ҳақиқий эгаси қаердадир бўлса-ю, тайин этилган муддатда пайдо бўлмаса, бу ернинг ҳозирги эгаси ҳам (бошқа нарсалар ҳам) дастлабки асосда қўлга киритилган мулк хукуқини олган. Юстиниан қонуни ушбу муддатни кўчар мулкка уч йил, кўчмас мулкка 10 йил қилиб белгилаган.

**Эгалик муддати бўйича мулк хукуқини олиш.** Римда эгалик хукуқини олиш муддати ҳам қўлланилган. Бунда қонун тарафидан белгиланган муддатгача бирор мол-мулкка эгалик қилиб келган шахс пировардида ўшанинг мулкдори ҳисобланган ва унга нисбатан барча хуқуқлардан фойдаланган.

XII жадвал қонунлар мажмуасида ер учун бу муддат икки йил, бошқа ашёлар учун бир йил қилиб белгиланган, фақат бу ашё ўғирланмаган, ҳалол, инсофли йўл билан топилган бўлиши шарт бўлган.

### **Юстиниан даврида қўйидаги щартлар бажарилиши лозим бўлган:**

- 1) ашёга белгиланган муддатгача эгалик қилиш;
- 2) ашёга инсоф билан муносабатда бўлиш;
- 3) эгалик қилиш учун қонуний асосларнинг мавжудлиги;
- 4) кўчар мулк учун бу муддат — уч йил. Кўчмас мулк учун эса — 10 йил (хатто 20 йил), мулк эгаси шу жойнинг ўзида яшаса — 10 йил, акс ҳолда 20 йил қилиб белгиланган;
- 5) ўша мол-мулк ашё олишга арзийдиган ҳолатда бўлиши лозим (муомаладан чиқарилган, ўғирланган ва бошқа баъзи нарсалар бундан мустасно ҳисобланган).

**Ашёларни қайта ишлаш.** Бу жараён спецификация дейилади ҳамда ашёларни қайта ишлаш, қўшимчалар қилиш ва ўзгартиришни англатади.

Қадимги юристлар ашё ўзгарганидан кейин кимга таалтуқли бўлиб қолиши ҳақида кўп тортишганлар. Юстиниан қонунлари бу масалани қўйидагича ҳал қилган: Агар қайта ишланган ашёни аслига қайтариш мумкин бўлса, ашё унга сарф этилган нарса (масаллик, хом-ашё) эгасининг мулки ҳисобланади, агар энди аслига қайтариш мумкин бўлмаса, у ашёни ясаган одамнинг мулки ҳисобланади. Бундай ҳолатда масаллик, хом ашё, материал эгасига унинг баҳоси тўланади.

**Ашёларни қўшиб ёки аралаштириб юбориш.** Асосий мулкка қўшилган бошқа ашё асосий мулк эгасига қарашли бўлади. *Масалан*, ерга экилган экинлар, дарахтлар, унда солинган иморатлар ва бошқалар ер эгасига тегишли бўлади.

Ерда турган ва ерсиз ҳам мустақил мавжуд бўла оладиган ашёлар, масалан, асбоб-ускуна, омоч, арава ва кабилар бунга кирмайди. Агар икки-уч нарса қўшилиб ажралмас, яхлит бир ашёни ташкил қилса, унга ҳар икки ашё эгалари эгалик қиласди.

Агар бир хил ашё, масалан, буғдой ёки шунга ўхшаш нарсалар қўшилган бўлса, ҳар ким ўз улушига эгалик хукуқини олган. Шу тариқа хусусий мулкчиликка кирган ва ҳаётда учрайдиган ҳар бир катта-кичик воқеа қонунда кўрсатилган хукуқий асосга эга бўлган. Масалан, одат бўйича мулкни суд қарори билан ёки васият қилиш орқали бошқа бирорвга ўтказиш каби ҳолларда мулк хукуқи вужудга келган.

**Мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотиш. Куйидаги уч ҳолатда фуқаро хусусий мулкка бўлган эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилинган:**

- 1) мулкнинг батамом нобуд бўлиши (синиши, ёниб кетиши ва бошқалар);
- 2) мулк эгасининг мулкни ўзидан бегоналаштириши (бирорга бериб юбориши, ташлаб юбориши ва ҳ. к.);
- 3) мулк эгасининг эрки-иродасидан ташқари ҳолларда.

**Умумий мулк.** Қадимги Римда бир мулкка бир неча кишининг бир вақтда эгалик қилиши умумий мулкчилик дейилган, ўртадаги мулк эса умумий мулк ҳисобланган. Бу мулкнинг тақдири барча ҳаммулқдорлар қўлида бўлган. Уларнинг ҳар бири айрим-айрим ҳолда ушбу мулкка доир ҳеч қандай қарорга келолмаган, уни бажара олмаган ва алоҳида ҳолда ҳеч ким мулкни тасарруф эта олмаган. Бирортаси ажралиб чиқмоқчи бўлса, унинг улуши ажратиб берилиши мумкин бўлган, аммо бу ҳам унинг даъвосига асосан суд қарори билан амалга оширилган. У суд ажратиб берган улушгагина эгалик ҳуқуқини олган.

#### **4- §. МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

„Виндикация“ („мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш“) ибораси жуда қадими „vindicera“ сўзидан келиб чиққан бўлиб, „куч ишилатаман“ маъносини англатган. Бунда гап одамнинг ўз мол-мulkини талаб қилиб олиш ҳуқуқи ҳақида борган. Аммо вақт ўтиши билан бу вазифа шахсга, мулкдорга эмас, балки давлат, яъни преторга юклатилган. Мулкдорлар мулкини претор ҳимоя қиласиган бўлган, бу ҳақда у интердикт чиқарган. Шу билан бирга, претор мулк эгасининг судга мурожаат этиб, ўзига етказилган зарарни қоплатишига ҳам имкон берган. Мулкни қонунга хилоф тарзда ўзлаштирган жавобгар шахс уни ўз ихтиёри билан қайтариб бермаса, ишга претор аралашган. Ушбу мулкдан олинган фойда, ҳосил ва даромадлар ёки унга қилинган сарф-харажатлар ҳисобга олинган ҳамда уларни кимнинг ҳисобидан ундиришни суд белгилаган.

Империя даврига келиб, виндикацион даъволар фақат мулкдорнинг фойдасига эмас, балки яна мол-мulkни қонуний асосда олган ижаракчилар фойдасига ҳам қўллана бошлаган. Кўпинча бу жуда узоқ чўзилувчи процессларни (литисконтестация) юзага келтирган.

**Петитор ва негатор даъволар.** Даъволар Рим хукуқида петитор ва негатор турларига ажратилган бўлиб, бу ҳол ҳозиргача сақланиб келмоқда .

Петитор даъво — мулкидан ажралиб қолган мулкдор унинг мулкига ноҳақ эгалик қилиб келаётган шахсга қарши берилган даъво. Бу даъво орқали у ўзининг қонуний мулкини қайтариб олиши, ўзига етказилган зарарни қоплатиши мумкин бўлган.

Негатор даъво — мулкдан фойдаланишда мулкдорга қилинган тўсқинликларни бартараф қилиш тўғрисидаги даъво бўлиб, у мулкдорнинг мулкка нисбатан тўлиқ хукуқини тиклашга қаратилган.

**Публициан даъво.** Бу даъво бонитар мулк эгаларининг манфаатини кўзлаб ўйлаб чиқарилган. Бирор сабаб билан йўқотилган мулкни топиб олган ва ҳақиқий эгасига топшириш имконияти бўлмаган шахсларга мана шу даъво қўл келган. Бу даъво преторга изҳор қилиниб, бирорнинг мулкини эгаллаб олган киши ҳам мулкка яхши вижданан муносабат билан қараганлиги туфайли муайян вақт ўтиши билан ҳақиқий мулкдор хукуқини қўлга киритиши мумкин бўлган. Албатта, куч билан тортиб олинган, ўғирланган нарсаларга бу даъво ўтмаган. Бу даъво фақат ҳалол топиб олинган ашёларгагина қўлланилган. У бирор нарсани (масалан, ташландик ерни) ўзлаштириб, унда вижданан ишлаётган шахсни бошқа бир шахснинг тажовузидан ҳимоя қилган.

**Хуллас, виндиқацион даъвонинг хусусиятлари қўйидагилардан иборат бўлган:**

1) доимо ашёни бошқа киши эгаллаб олишига ёки унга тажовуз қилишига қарши қаратилган;

2) бу даъво мулкини қўлдан бериб қўйган квирит мулкдорининг бу мулкни ноҳақ эгаллаб олган янги эгасига қарши даъво бўлиб, даъвогарнинг хукуқини ҳимоя қилиш ва мулкини қайтаришга қаратилган;

3) даъво аниқ кўчмас ёки кўчар мулк устида боради ва даъвонинг бутун исботлаш юки даъвогарга тушади;

4) классик давр охирларида виндиқацион даъво мулкни ўз қўлида қонуний ушлаб туриш учун берилган шахслар томонидан ҳам қўлланилган;

5) жавобгар низолашмасдан ҳам чекиниши мумкин бўлган. Аммо кўчмас мулкни қайтариб бериши учун преторнинг буйруғи талаб қилинган;

6) даъвогар литистанция пайтигача ҳамма нарсасини қайтариб олиши керак бўлган;

7) агар даъво қилингандан мулкка сарф-харажатлар қилингандан бўлса ва жавобгар уларни қайтариб олишига ишонса, эксепцияга ҳақли бўлган;

8) жавобгар суд хукмини бажармаса ёки пайсалга солса, даъвогар фойдасига белгилаган жаримани тўлаган;

9) даъвогарни ҳимоя қилиш учун публикация даъвоси кўлланилган. Ўтган муддатнинг сохта юридик кўрсаткичига рухсат берилган.

## 5- §. МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ

„*Кўшининг девори қанча баланд бўлса, қўшини шунча яхши*“ деган инглиз мақоли қадимги римликларга ҳам тўғри келади. XII жадвал қонунларидаёқ „*қўшини еридан бир фут (30 см) чекиниб девор ол, чегара чиз, дарахтларнинг бўйи б метрдан ошмасдан қирқиб тур (сояси қўшининикига тушмасин), қўшининикига чиқиб кетган шохларини кес, қўшининикига тушган мевалар уники*“ сингари қоидалар битилган. Кейинроқ, уларга „*қўшинидан оқиб келган ёмғир сувлари, тутун ва бошқаларга чидаш*“ каби кўплаб чекловлар қўшилган.

Мулк ҳуқуқидаги бундай чекланишлар ҳар икки томон учун ҳам қабул қилинадиган ва иккала томоннинг манфатини ҳимоя қиласидиган бўлган. Бундай ҳолларнинг ҳаммасида сабр қилиш, тоқат қилиш талаб этилган.

**Ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқлар.** Мулкий ҳуқуқ доира-сига хусусий мулкдан ташқари, ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқлар, унга эгалик (ундан фойдаланиш) ҳуқуқи ҳам кирган. Бу ҳуқуқ ер, боғ, иморат ва бошқалар эгасининг эмас, балки ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ „сервитут ҳуқуқи“ деб аталган. Бунда ҳар икки томоннинг розилиги жуда муҳим бўлган.

Қадим замонлардан маълум бўлган ушбу ҳуқуқ бирон қонун билан белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирги кунда унинг қонун билан тайинланганлиги ёки ўзи ҳаётга одат бўлиб кириб келганлиги ҳақида бир нима дейиш қийин.

### Бундай сервิตутлар тўрт хил бўлган:

1) бошқалар еридан ўтиш ҳуқуқи (йўл тушиши ва бошқалар натижасида);

2) бошқалар еридан молларни ҳайдаб ўтиш ҳуқуқи;

3) аравага ортилган юклар билан бошқалар еридан ўтиш ҳуқуқи;

4) бошқалар еридан сув ўтказиш ҳуқуқи.

Бундай сервитутларга барча рози бўлган ва улар ошкора (легал) ва қонуний ҳисобланган. Улар интердиктлар билан ҳимоя қилинган.

Бундай сервитутларга ҳожат қолмагач, улар тугатилган.

Вақт ўтиши билан шаҳарга оид сервитутлар ҳам пайдо бўлган (сув қувурлари, канализация ўтказиш, қўшнининг деворидан фойдаланиш сингарилар учун).

**Анъянавий ва шахсий сервитутлар.** Маълумки, „сервитут“ бирорвнинг мулкидан маълум мақсадда фойдаланиш ҳукуқи ёки ўз мулкидан бошқаларнинг чекланган равишда фойдаланишига имкон беришдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, икки ёндош ер майдони ёнма-ён бўлса, уларнинг бири, яъни тузукроғи устунлик қилувчи, хукмрон, иккинчиси эса ёрдамчи ҳисобланган. Уларнинг муносабатлари сервитут билан белгилаган. Сервитутлар ўртада тортишувлар пайдо бўлишининг олдини олган. Сервитутлар илк республика даврида икки йиллик бўлган, сўнг эгалик ҳукуқлари 10, ҳатто 20 йилгача узайтирилган. Шундан кейин ҳар хил қийинчиликлар келиб чиқа бошлаган.

Кўп ҳолларда ер эгалари сервитут олиш учун ўзаро фойдали шартномалар тузишлари лозим бўлган. Бундай аҳволдан чиқиш йўлини қидирганлар ва, аввало, **манципация** мурожаат этганлар ёки **ин юре цессия**. Ер меросга қолганида васиятномада сервитутнинг сақланиб қолиши ҳақида кўрсатма берилган. Ер майдони тақсимланганида ҳам сервитут сақланган. Ернинг фойда бериши ёки бермаслиги борасида ёрдамчи ер майдонга ҳеч қандай талаб қўйилмаган, аммо хукмрон ер эгаси ёрдамчисига ҳам қараб туриши талаб этилган.

Хўжалик талаблари нуқтаи назаридан, сервитутлар қишлоқ ва шаҳар сервитутларига бўлинган. Қишлоқ сервитутида қўшнининг еридан ўтиш, ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш, аравада, отда ўтиш, ариқ ўтказиш ёки сув олиш каби ҳукуқлар бўлган. Шаҳар сервитутига эса қўшнининг деворидан фойдаланиб, иморат солиш, ёмғир сувларни қўшни ери орқали ўтказиб юбориш, канализация ўтказиш, маълум белгиланган баландликдан юқори иморат қурмаслик, қўшнининг деразасини тўсиб қўймаслик каби вазифалар кирган.

Демак, сервитут, бир тарафдан, ер эгасига маълум ишларда қўшни еридан фойдаланиш ҳукуқини берса, бошқа тарафдан, маълум мажбуриятларни ҳам юклайди ёки маълум ҳаракатлар содир этишни ман этади. Мил. ав. I асргача

сервитутлар ўтган муддатга қараб қарор топган. Кейин бу усул бекор қилингандык. Классик даврда қўшни ерига сервитутдан фойдаланиш муддатига унчалик эътибор берилмаган. **Юстиниан** бунинг учун 10 ёки 20 йиллик муддат белгилаган.

**Скрибоний қонунига** мувофиқ, сервитут шарти бузилса (масалан, баланд иморат солинса) ёки сервитутдан фойдаланилмаса, икки йилдан сўнг сервитут бекор қилингандык. Фойдаланиш узилиб турса-ю, аммо у икки йилга етмаса, сервитут давом этаверган.

Сервитут қўшни ер майдонлари ўртасидаги узвий боғланнишини билдиради. Шунинг учун қўшни ерга келган ҳар ким (унинг мулқдоригина эмас, балки меҳмонми, табибми, устами) — барча сервитутдан фойдаланиш хукуқига эга бўлган, чунки сервитутсиз бу ердан ҳеч ким фойдалана олмаган. Шахсий сервитутлар алоҳида шахсга хизмат қўлган ҳолатлар вақтинча бўлган.

**Узуфрукт.** „Узуфрукт“ атамаси бирорвнинг ашёси ва даромадидан умрбод фойдаланиб, унинг бутун сақланиши ва хўжаликка яроқли бўлишини таъминлашни англацган. Узуфрукт бошқалар ашёсидан фойдаланишнинг классик шакли бўлган. **Раул** бу ҳақда: „*Узуфрукт — бу ўзгалар нарсасидан фойдаланиш ва ундан фойда, ҳосил ундириб олиш*“, — деган. Демак, узуфруктда ашёнинг ўзи эмас, унинг фойдаси, меваси кабилар бошқа бирорвнинг ихтиёрига ўтган, ашё эса эгасининг мулки бўлиб қолаверган.

Аммо узуфруктчи ашёлар самарасидан фойдаланиш хукуқини бошқаларга ўтказиши, ҳатто ижарага бериши ҳам мумкин бўлган. **Масалан**, мулк эгаси уйининг бир хонасини хизматкорига бутун умр фойдалинишга берган бўлса, узуфрукт соҳиби берилган мулкни қараб, сақлаб туриши керак бўлган. Ушбу мол-мулкнинг эгаси ўзгарса ҳам, меросхўр бўлса ҳам, узуфруктни бекор қилолмаган. Бундай мулкларнинг сотилиш баҳоси анча паст бўлган. Аммо узуфруктни берган киши ҳам уни бекор қила олмаган, претор доимо узуфруктчининг тарафини олган.

Узуфрукт хукуқий тизими оиласидан ҳаётдан бошланган, хотинидан ажралган эрлар унга умрбод фойдаланиш учун бирор ашёни берганлар (уй-жой ва бошқа). Бу одат мил. ав. III аср ўрталарида пайдо бўлган. Узуфрукт сеп ёки совға сифатида ҳам берилган. Узуфрукт соҳибининг вафоти билан у тугатилган. Фойда берувчи ашёнинг нобуд бўлиши ҳам узуфруктнинг тугатилишига олиб келган.

**Ўзгалар уйида яшаш хукуқи** кишиларга умрбод берилган ва улар бу уйни ижарага бериш хукуқига ҳам эга бўлганлар.

**Ўзгаларнинг қулидан фойдаланиш.** Қуллар ёки иш ҳайвонларининг эгалари уларни бошқаларга бутун умрга фойдаланиш хукуқи билан берганлар.

**Узус** — бу узуфруктнинг бир тури бўлиб, бунда ер ёки боф ҳосилидан фойдаланишгина, у ҳам бўлса қисман чекланган.

**Сервитутнинг пайдо бўлиши ва тугатилиши.** Сервитутни тугатишнинг энг оддий йўли ин юре цессияга таяниб, уни рад қилиш бўлган.

Шахсий узуфруктлар эгасининг ўлими билан, ер узуфруктлари эса ерда ишловчининг вафоти билан ёки берилган уйнинг ўт тушиб ёниб кетиши билан тугатилган. Сервитут хукуқидан узоқ вақт фойдаланилмаган тақдирда ҳам уни тугатиш мумкин бўлган. Сервитут хукуқининг эгаси ўзининг ҳаки бўлмаган ишларни қилса ҳам уни тугатиш мумкин бўлган. Бу ҳол, айниқса шаҳарларда юз берган, чунки шаҳарда сервитут масаласи мураккаброк бўлган (бу ердаги иморатларнинг яқинлиги ва бошқалар туфайли).

**Сервитутнинг ҳимоя қилиниши.** Сервитутлар конфессор даъволар билан ҳимоя қилинган. Бундан ташқари, претор эдиктлари орқали ҳам ерларни ҳимоя қилиш учун бир неча интердиктлар чиқарилган.

**Сервитутлар қуйидаги ҳолларда тугатилган:**

- 1) қонуний йўл билан;
- 2) сервитутга берилувчи ашё сервитут эгасига ортиқчалик қилиб қолган тақдирда, бошқа кишига шартнома ёки вассият йўли билан;
- 3) ашёлар тақсимотида суд қарори билан;
- 4) эгалик хукуқини ҳимоя қилиш пайтида эгалик хукуқи муддатининг ўтиб кетиши натижасида;
- 5) сервитутда белгиланган муддатнинг тугаши;
- 6) сервитутдан воз кечиш;
- 7) сервитут ашёларининг нобуд бўлиши;
- 8) сервитутдаги ҳоким (асосий) ва маҳкум (mansub) ерларнинг бирлашиб кетиши;
- 9) сервитутдан 10—20 йил фойдаланмаслик.

**Суперфиция.** Бошқалар мулкига бўлган хукуқлар ичida суперфикация ҳам бор. Бу сўз қурилишларнинг ер устки қисмига ёки, умуман, ер билан боғлиқ ашёга бўлган хукуқни билдиради. Бирорнинг ерига қурилган иморатини ижарага олиш ва бунда иморатнинг ўзига ҳақ тўлаш ёки у қурилган

ерга ҳам ҳақ тұлаш суперфиций дейилган. Ижарачи имаратнинг ёнига яна хоналар солиши мүмкін бўлган, бунда уларга ҳам ерига қараб пул тұлаб турған. Суперфиций ҳақи ҳар бир фойдаланган йилга тұланган. Бу узоқ муддатли ижара ҳисобланган ва ҳатто меросхўрларга ҳам ўтган. Аммо мулкдор ва ижарачи келишсалар, ижарага хусусий мулк қилиб ўтказиб беришлари ҳам мүмкін бўлган.

Претор интердикт чиқариб, ижарачининг хуқуқини ҳимоя қилған. Аввалига ҳимоя ушбу мулкка даъво қилған бошқа шахсларга қарши, кейинчалик эса ижара мулки эгасига қарши билдирилиши ҳам мүмкін бўлган. Ҳар икки ҳолда ҳам претор ижарачи тарафини олган.

**Эмфитесис.** Узоқ муддатли мерос бўлиб ўтадиган ижара шундай аталған. Бунда ижарага олинган ернинг ижара ҳақи анча паст бўлган ва ижара авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтганлиги учун ерсиз деҳқонларга қўл келган. Катта ер эгаларига ҳам бу фойдали бўлган. Бунда ижарачининг кўпгина хукуқлари ер эгасининг хукуқларига тенг келадиган даражада бўлган. Улар бир қисмини иккиласми ижарага ҳам бера олганлар. Ҳосилнинг ҳаммаси ўзлариники бўлган.

Ижара ҳақи пул ёки бошқа ашёлар билан белгиланган ҳамда вақтида тұлаб турилмасагина ер эгаси эмфитесисни бекор қила олган. Рим юристларининг ўзлари эмфитесиснинг олди-сотди шартномаси ёки ижара шартномаси эканлиги ҳақида тортишиб юрганлар. Фақат Юстиниан даврига келиб бунга аниқлик киритилган.

**Эмфитесис бўйича ерни ижарага олган киши қўйидаги хукуқларга эга бўлган:**

- 1) олинган ердан фойдаланиш;
- 2) олинган ерга унинг сифатини пасайтирмаслик шарти билан ўзгаришлар киритиш;
- 3) ердан олинадиган ҳосилни йигиб олиш;
- 4) ерни гаровга қўйиш, ўзидан бегоналаштириш ва авлодларига қолдириш.

Эмфитесисчи ер эгасига ижара ҳақи ва давлат солиқларини мунтазам равища тұлаб туриши шарт бўлган. Агар у ижара ҳақини уч йил тұламаса, эмфитесис хукуқи бекор қилинган.



### *Nazorat учун саволлар*

1. Ашё деб нимага айтилади?
2. Муомаладаги ва муомаладан чиқарилган ашёлар нима?

3. Күчар ва күчмас мулклар нима?
  4. Бўлинар ва бўлинмас ашёлар нима?
  5. Оддий ва мураккаб ашёлар нима?
  6. Хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар деб нималарга айтилади?
  7. Ашёвий ҳукуқининг ўзига хос томонлари нимадан иборат?
  8. Ашёвий ҳукуққа нималар киради?
  9. Эгалик ҳукуки нима?
  10. Қадимги Римда эгалик ҳукуқининг қандай турлари бўлган?
  11. Эгалик ҳукуқининг тугатилиши қандай тартибда амалга оширилган?
  12. Эгалик интердиктлари неча хил бўлган?
  13. Рим ҳукуқида мулкнинг белгилари нимадан иборат бўлган?
  14. Манципация нима?
  15. Претор мулки ҳақида нималар биласиз?
  16. Провинция мулки нима?
  17. Перегринлар мулкининг хусусиятлари нимадан иборат?
  18. Хусусий мулк ҳукуки қандай ҳукуқлардан иборат?
  19. Қандай ҳолларда фуқаро мулкка эгалик ҳукуқини йўқотган?
  20. Виндикация нима?
  21. Ўзгалар мулкига эгалик ҳукуки қандай вужудга келган?
  22. Мулк ҳукуқини чеклаш нималардан иборат бўлган?
  23. Анъанавий ва шахсий сервитутлар қандай бўлган?
  24. Сервитут қандай ҳолларда тугатилган?
  25. Узуфрукт нима?
  26. Эмфитевесисни тушунтириб беринг.
-

## VII боб. МАЖБУРИЯТЛАР ВА ШАРТНОМАЛАР ТҮГРИСИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

### 1- §. МАЖБУРИЯТЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**Мажбурият.** „Мажбурият“ сўзини жуда оддий тушуниш мумкин, аммо Қадимги Рим юристлари унга турлича таъриф берганлар. **Масалан, Таубенишлаг:** „*Мажбурият бу кредитор (қарз берувчи) ва қарздор ораларидаги хуқуқий муносабат бўлиб, бунда қарздорга кредитордан олган қарзини тўлаш ва бошқа хил вазифаларни бажариши мажбурияти юкланган, уларни бажармаса турли салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин*“,— дейди. Бу ерда мажбурият предмети бироз тор маънода, яъни қарз бериш ва қарз олиш билан боғлиқ ҳаракатларни бажариш билан ифодаланади. Аслида, мажбурият турли хил, чунончи, товарни етказиб бериш, сотиш, ишни бажариш, хизмат қўрсатиш, қарз бериш каби ҳаракатларни бажаришга қаратилган бўлиши мумкин. „Мажбурият“ тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234- моддасида берилган. **Ҳ. Раҳмонкуловнинг** таъкидлашича, „*Мажбурият бўйича бирон-бир ҳаракатни бажаришга ёки бошқаришдан ўзини сақлашга мажбур бўлган тараф — қарздор, ушбу ҳаракатни бажаришни ёки бажармасликни талаб қилиш хуқуқига эга бўлган тараф — кредитор*“ деб ҳисобланади. Шунга кўра мажбуриятнинг субъектлари „**қарздор**“ ва „**кредтор**“ деб юритилади.<sup>1</sup> **М. Андреев** фикрича, римликлар мажбуриятни давлат томонидан тасдиқланган қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятлари, бажарадиган ёки бажармайдиган ишлари сифатида тушунгандар. Рим юристи **Павелнинг** ёзишича, „*Мажбуриятнинг асл маъноси бирор жиссий ашёни бизники қилиш эмас, балки бирорни бизга боғлашдир, у шахс ушбу боғланиши туфайли бирор нарсанни бизга берши, бажариши ёки бирор нарсага имкон берши керак*“.

<sup>1</sup> **Ҳ. Раҳмонкулов.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т., „Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси“ нашриёти уйи, 1997. 380- бет.

Бирога бир нарса бериб, ундан сўз олинар экан, биз унга ишонамиз. Демак, мажбурият ишончсиз бўлмайди. Мажбуриятга асосланган талаб доимо шахсий бўлади.

Рим юристлари фикрича, „кредитор“ ва „қарздор“ йўқ жойда мажбурият ҳам бўлмайди. „Кредитор“ ва „қарздор“ни қонун бир-биридан юқори қўймайди, улар қонун олдида тенг ва ҳар иккиси ҳам бир хил ҳимояга лойик. **Юстиниан** қўлланмасида: „Мажбурият ҳуқуқий кишандир, бунда „кредитор“ ҳам, „қарздор“ ҳам фуқаролик ҳуқуқимизга муқобил маълум вазифаларни бажарии мажбурияти билан боғланган. Мажбуриятни бажарии эса мана шу борич — кишанлардан фориг бўлишидир“, — дейилган.

**Рим юристлари мажбурият ҳуқуқини қўйидаги турларга бўлиб қараганлар:**

- 1) XII жадвал ва кейинги қонунлар билан тасдиқланган цивиль мажбурияти;
- 2) претор томонидан ҳимоя қилинадиган претор мажбурияти;
- 3) натурал мажбуриятлар.

**Деликт ва контракт.** Мажбурият икки манбадан ҳосил бўлади: 1) ҳукуқбузарлик, айборлик, бирога зарар етказиш, турли тақиқларни бузиш; 2) биз ўзимизга турли вазифаларни оладиган контрактлар ва шартномалар. **Биринчиси деликт** деб аталади. XII жадвал қонунларида бу ҳақда: „Синдирдими — тузатсин“, „зарар етказдими — тўласин“ каби қоидалар мавжуд. **Иккинчиси — контракт**, яъни шартномага асосланган мажбурият дейилади.

Шартномалар ҳақида жадвал ва қонунларда: „Шартномани бажарии шарт, ваъда бердингми бажар“ деган қоидалар тақорланган. Ўз мажбуриятини бажармаган, сўзидан қайтган киши икки баравар жарима тўлаши керак бўлган. Ибтидоий тараққиёт даврида бўлган жамият учун шунинг ўзи етарли бўлган, чунки уларда натурал муносабатлар мавжуд бўлган.

Рим ҳуқуқи 3—4 аср давомида шундай тараққиёт йўлини босиб ўтдики, у оддий мол эгалари — „кредитор“ билан „қарздор“, сотовчи ва харидор, ижарага берувчи ва ижарабчи кабилар орасидаги муносабатларни аниқ белгилайдиган қонунларни ишлаб чиқкан.

**Юридик фактлар.** Маълум юридик нормаларга мувофиқ ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзариши ёки тутатилишига сабаб бўлган ҳаётий шароитлар, воқеа-ҳодисаларга юридик фактлар дейилади. Юридик фактлар ўз табиатига кўра юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатларга

бўлинади. Инсоннинг туғилиши, ўлими, ногирон бўлиб қолиши сингариларнинг ҳар бири юридик факт ҳисобланади ва ҳаммаси „ҳодисаларга“ киради, чунки улар инсоннинг хоҳиш-иродасидан ташқарида содир бўлади.

Юридик ҳаракатлар эса инсоннинг ўз хоҳиши билан бажарилади. Улар фуқаролик хукуқида — битим, маъмурий хукуқда — акт (ҳаракат), жиноят хукуқида — жиноят деб аталади.

**Мажбурият ва даъво орасидаги муносабат.** Римда мажбуриятларнинг бажарилиши даъвогарнинг даъво билдириши орқали ҳимояланган, шу боис ҳам агар мажбурият шунга мувофиқ даъво шакли билан юридик таъминланган бўлсагина, у қонуний кучга эга бўлган, аммо, шунга қарамай, қўйидаги икки ҳолатнинг юз бериши ҳам мумкин бўлган: 1) норасмий мажбуриятни шартнома орқали расмийлаштириш ва 2) расмий ҳолатдан чекиниб, қарзни тўлаш ёки бошқа мажбуриятларни шартномада кўрсатилмаган усуlda ижро этавериш (агар икки томон ҳам бунга рози бўлса). Бундай ҳаракатлар натижасида шартнома талаблари бажарилган деб ҳисобланган ва у цивиль ҳолатга ўтган ёки янги шартнома тузилиши ҳам мумкин бўлган.

## 2- §. РИМ ШАРТНОМАСИ ТИЗИМИ

Анъанавий Рим шартнома тизими қўйидаги турларга бўлинади:

1- гурӯҳга қадимдан маълум сўзларни такрорлаш орқали *оғзаки* келишиб тузилган шартномалар киради. Шундай одатлар билан боғлиқ оғзаки тузилган шартномалар „стипуляция“ дейилган. Улар олдин қарз соҳасида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа соҳаларга ҳам ўтган. Империя вақтида стипуляция ўзининг расмий қимматини йўқотган. Стипуляция перегринларнинг ҳаётида ҳам қўлланган. Ниҳоят ҳар қандай оғзаки шартлашиш ҳам хукукий ҳимояланадиган бўлган ва у Римда битим шакли деб ҳисобланган.

Оғзаки сўзларнинг шартнома асосини ташкил қилиши ҳақида Рим юристлари ўртасида кўп тортишувлар ва муно-заралар бўлган.

Рим шартномаларининг иккинчи гурӯҳи ёзма (литерал) шартнома деб аталган. Улар илгариги оғзаки шартномалардан сўнг пайдо бўлган, аммо уларнинг ҳам дастлабки ва кейинги шаклларини фарқлаш керак.

Дастлаб кредиторларда уй ҳисоб дафтарлари пайдо бўлган, унга ким ва қанча қарз эканлиги ёзилган. Қарздор ҳам ўзи учун қандайдир ёзма ҳисоб олиб борган. Аммо ушбу ёзувлар бир томонлама бўлгани учун ўргада баъзан келишмовчиликлар келиб чиқсан ва ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаш қийин бўлган.

Шу боис Юнонистондан кириб келган ва юонча аталган янги усул тарқалган. Булар қарз хужжатлари бўлиб, барча ҳозирги халқларда ҳам қўлланилмоқда. Юстиниан дигестлари қарз китобларини ҳаётдан сиқиб чиқарган. Аммо бу вербал (офзаки) шартлашувлар бутунлай йўқолиб кетди деган гап эмас, улар то ҳозиргача қўлланилмоқда. Чунки оғзаки келишувда тарафларнинг қай бири сўзидан тонса, унинг обру-эътибори уч пул бўлади ва кейинчалик ҳеч ким у билан иш юритмай қўяди. Битим (шартнома)нинг оғзаки шакли ҳақидаги тушунча ва таъриф Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг **106- маддасида** берилган.

Ёзма мажбурият векселда эса барча мажбуриятлар кўрсатилган бўлади ва бажарилиши шарт ҳисобланади.

Халқаро вексель муомаласи 1837 йил қабул қилинган Женева конвенцияси билан тартибга солинади. Бундан ташқари, 1882 йилда Англияда қабул қилинган вексель қонуни ҳам бор. Уларнинг баъзи нормалари Рим ҳукуқи билан боғлиқ. Бозор муносабатлари тизимида векселларни кенг қўллаш имкониятлари мавжуд. Ундан олдинги ёзма хужжатларда мажбуриятни гувоҳлантириш воситаси сифатида тилхат ҳам ишлатилган.

*Учинчи гуруҳ шартномалар реал ва консенсуаль шартномалардан иборат.*

Ашё ёки пулни иккинчи шахсга берган пайтдан кучга кирадиган шартномалар реал (ҳақиқий) шартнома дейилган (қарз бериш каби). Тарафларнинг келишувидан шартнома талаблари ҳақидаги ўзаро келишувдан кейин кучга кирадиган шартномалар консенсуаль шартнома дейилган (олиш-сотиш, ишга ёлланиш ва ҳ. к.)

### **3- §. ШАРТНОМАЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ ШАРТЛАРИ**

**Мажбурият предмети.** Мажбурият предмети (мавзуи) ҳақида икки хил фикр мавжуд. Улардан бирига кўра, мажбурият предмети фақат ашёлардан иборат бўлиб, уларга нарсалар, пул ёки шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар

киради. *Бу фикрга кўра, мажбурият предмети бўлган барча нарсалар икки гурӯҳга бўлинади:* 1) хусусий аломатлари билан белгиланмайдиган ашёлар — бунда уларнинг ҳажми, оғирлиги, миқдори кўрсатилади (масалан, пул, вино, дон ва ҳ.); 2) хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар (масалан, ҳайкалчалар, гулдонлар, уй-жой ва ҳ. к.), бунда уларнинг аниқ белгилари, сифат хусусиятлари ҳақида шартномада кўрсатмалар мавжуд бўлиш лозим.

*Иккинчи фикрга кўра,* шартнома мажбурияти бирор ашёни бериш (даре), нимадир ижро этиш (фацаре), бирор нарсани тақдим этиш (престаре)дан иборат. Яъни бунда шартномадаги ашёлар эмас, уни бажариш ҳаракатлари назарда тутилади. Ҳар икки фикрнинг ҳам мантиқий асоси бор.

**Мажбуриятларда кауза.** „Кауза“ сўзини лотинчадан „сабаб“, „мақсад“ деб таржима қилиш мумкин. „Кауза“ субъектив тушунча бўлиб, шартнома тузиш ва мажбуриятлар олиш сабабини билдиради (моддий ва бошқача манфаат ва ҳ.к.). Аммо бу мақсад қонуний бўлиши ва одобдан ташқари бўлмаслиги лозим. *Мажбурият олиш сабаблари:* 1) бирор нарсасини бериб юбориш; 2) қарз бериш; 3) сеп тайинлаш; 4) хизмат кўрсатиш; 5) новация — илгариги мажбуриятларини янгилаш бўлиши мумкин.

Шартнома шартлари бажарилмаганида ёки қисман бажарилганида ҳар икки тарафга ҳам шикоят қилиш хукуки берилган.

**Тарафлар келишуви.** Шартноманинг деликтдан ажратиб турадиган биринчи белгиси томонларнинг келишувидир. Аммо келишувни юридик ҳужжат даражасига кўтариш керак бўлади. Бунинг усуслари хилма-хил: қадимги шумерликлар қасамлар билан кучайтирилган ёзма шартномаларни ихтиро қилганлар, славянлар кўп асрларгача қўл бериш билан қаноатланганлар, римликлар стипуляция давомида бош иргаш билан чекланганлар. Розиликнинг кўп турларини (ҳатто индамаслик, сукут сақлашни ҳам) эътироф этган римликлар шартнома учун розиликнинг энг керакли, зарур шарт эканлигини тушуниб, уни изҳор этишининг турли усусларини қўллаганликларини юқорида кўрдик (вербал, консенсуал, литерал каби). Аммо *шартнома* (келишув) учун *таклиф* (оферта) уни қабул қилиш (акцепт) зарур бўлган. Бунинг натижасида кредитор ва қарздор майдонга келган. Ушбу келишувдан ҳар икки томон манфаатдор бўлиши керак бўлган. Ҳеч қайси тараф шартнома тузишга мажбур қилинмаслиги шарт бўлган.

**Тарафларнинг иродаси.** Унга кўра, икки маъноли шартлар шартнома тузувчиларнинг истак-иродасини қувватлаши, унга зид бўлмаслиги лозим. Юридик амалиётда мерос қолдирувчининг васиятномаси хусусида ушбу васиятнома васият қилувчининг ўз эрки билан ёзилганми, унинг ҳақиқий иродасини акс эттирадими каби масалаларда жуда кўп тортишувлар бўлиб туради.

Рим амалиётида ҳам кўп тортишувлардан кейин претор амалиётида ҳам, обрўли юристларнинг асарларида ҳам васиятчининг ўз хоҳиши, иродасини аниқлаш ва эътиборга олиш лозим, деган муҳим қоида қабул қилинганди.

**Шартнома нуқсонлари.** Шартнома нуқсонлари, асосан, икки турга бўлинади. Уларнинг биринчиси — янглишув, адашиш. Бунда тарафларнинг ҳақиқий иродаси шартномада тўғри таърифланмайди (шартнома матнида керакли сўзлар топиб ишлатилмаган ёки муҳим масала тушиб қолган ва ҳ. к.) Иккинчиси — келишувнинг юридик нуқтаи назардан нотўғри ёки қисман нотўғри тузилганлиги.

**Рим ҳуқуқида кечириш мумкин бўлган ва тузатиш лозим бўлган нуқсонларга қуйидагилар киритилган:** 1) битим маъносини, моҳиятини яхши тушунмай хатога йўл қўйиш; 2) битим предмети хусусида янглишиш (масалан, бир қул ўрнига бошқасини бериб юбориш). Агар нуқсон ва хатолар жиддий бўлса, у ҳолда шартнома бекор қилинганди. Агар хато тузатилса, шартнома кучда қолиши мумкин бўлган. Булар келишув хатолари деб аталган. *Масалан*, олтин деб мис ашё бериб юборилган бўлса, шартнома мис ашё олди-сотдисига ўtkazilgan (эркак ёки аёл қуллар ҳақида ҳам шундай). Аммо Рим юристлари келишув хатолари ҳақида аниқ бир фикрга келолмаганлар. Машхур Цельз: „Ҳуқуқ „инсоф“ ва „адолат“ тушунчаларидан моҳирона фойдаланишдир“, деб бежиз айтмаган.

**Долюс.** Шартноманинг бекор бўлишига долюс деб аталган ҳаракат асос бўлган. Унда кимdir ўз манфаатини кўзлаб, фойдали, аммо ноқонуний келишувга киришган. Претор ҳуқуқи ривожланиши билан қонунга мувофиқ, аммо инсофга зид бўлган адолатсиз ҳаракатлар ҳам долюста киритилган. Цицероннинг хабар беришича, долюс шартномани бекор қилувчи асос сифатида претор Аквилий томонидан мил. ав. 44 йилда киритилган. Претор долюсни „зоҳиран бир, мазмунан бошқа ҳаракат“ деб таърифланган. Юз йилларча вақт ўтгач, бошқа претор ёлғончилик ва қалбаки алдов билан шартнома

тузишни айб ҳисоблаб, долюсга кирилган ва айборларга катта жарима белгилаган, ёлғончи эса халқ ичида шарманда қилингандай. Бундан ташқари, претор алдов учун жавобгарликни йўқ қиласидиган „келишув ва битимларни“ бекор қилган. Бундай битимларнинг кўпчилиги сотиб олинганлиги ёки зўрлик билан мажбуран тузилганлиги учун ҳеч қандай кучга эга бўлмаган шартнома деб ҳисобланган ва бекор қилингандай.

**Зўравонлик.** Мил. ав. I асрларда ёқ Рим ҳуқуқшунослиги куч ишлатиб, жисмоний ёки руҳий зўравонлик билан тузилган барча шартномаларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаганлар. Рим маъмурияти орасида саркашларни қийнаш, қамаш шу билан бирга, тамагирлик, порахурлик кенг тарқалган. Чет вилоятларига бориб ишлаб келганлар ҳақида „қашишоқ кетиб, бой бўлиб келди“ деган гаплар юрган.

Аммо руҳий тазиикни аниқлаш қийин бўлган. Қайсиadir ҳолда қайдадир дўқ-пўписа роль ўйнаган бўлса, баъзан шахснинг ўзи келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан қўрқиб ён бериши мумкин бўлган. Бундай ҳолларда претор судьяга: „Агар даъво исботланса, унда етказилган зарарнинг 4 ҳиссасига тенг жарима тайинла ва келишувни бекор қил“, деган кўрсатма берган. Бу масаланинг биринчи қисми претор эдикти билан, иккинчи қисми эса цивиль ҳуқуқи билан ҳал этилган.

**Корреоль мажбурият.** Стипуляция жараёнида кредитор „реус“ деб аталган, бу сўзнинг кўплигидан „корреоль“ сўзи келиб чиққан. Агар биргина мажбурият бўйича бир неча киши кредитор ҳисобланса, шундай дейилган. Биргаликдаги мажбурият реал биргаликдаги талаб билангина эмас, ишончлироқ бўлиш учун ҳам корреоль жорий қилингандай. Кредиторлардан бирининг тўлиқ қониқиши бошқаларининг даъвосини ҳам бажарилган деб ҳисоблаш учун асос бўлган. Биргаликдаги мажбурият ҳар бир кредиторга якка ўзи даъво қўзғатиш ҳуқуқини берса ҳам, лекин кредиторлардан бирининг даъвоси билан қарз батамом тўланса, барчасининг даъвоси бекор бўлган.

**Новация.** Мажбуриятнинг янгиланиши. Бу масала, аввало тарафларнинг бири вафот этганда юзага келган. Бунда ворислар ҳуқуқидан бошқа мажбуриятлар бекор қилингандай, чунки ворислик бутун оиласга тааллуқли бўлган.

Ҳаётда эса қарздорнинг ўлими билан иш анча қийинлашгандай. Аммо новация йўли билан бу аҳволдан чиқиш йўлини топганлар, яъни шартнома янгидан тузилган. Бунинг учун тарафларнинг розилиги керак бўлган. Бунда бир турдаги шарт-

нома иккинчи тур шартнома билан алмаштирилган ёки шартноманинг баъзи шартлари ҳам ўзгариши мумкин бўлган. *Масалан*, олди-сотди шартномаси бўйича сотиб оловчи товар ҳақини ўз вақтида тўламаса, тарафдорларнинг келишуви билан товар ҳақининг тўланмаган қисми бўйича қарз шартномасини тузишга йўл қўйилган (мажбуриятнинг янгилаши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 347- моддасида тегишли қоидалар назарда тутилган).

Қарзни тўлаш муддатини чўзиш ёки шартномани бироз ўзгартириш керак бўлиб қолганда ҳам новация қўлланилган. Классик даврларда ҳар қандай новация стипуляцияни талаб қилган. Кейинги даврларда эса литтерал шартноманинг ўзи кифоя қилган. Авваллари новация кредиторни алмаштириш учун тузишган бўлса, кейинчалик муракқабликлардан қочиш учун цессия усулига ўтилган.

**Цессия.** Мажбуриятни бажаришни талаб қилиш хукуқининг бир кредитордан бошқасига ўтиши ва қисман ён бериш цессия деб атала бошлаган. Бунда кредитор ўрнига унинг вакили қатнашган. *Вакидан уч нарса талаб қилинган:* 1) датвони ҳимоя қилиш учун бутун кучини сарфлаш; 2) ёлғондан сақланиш; 3) ишонч билдирган, ваколат берган шахсга тегишли барча ҳақни тўлаш. Шундай қилиб, когниция одати пайдо бўлган.

Когнитор талаб қилиб ундирадиган нарсани тўлашга (масалан, еб қўйган тақдирда) етадиган ашё бўлиши керак бўлган. **Антония Пий** даврида (VIII–XI асрлар) цессия имкониятларини торайтирадиган кўп жиҳатлар бекор қилинган ва бора-бора у мустақил одатга айланган. Бизнинг давримизда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Кредитор ўз хукуқларини бошқа кишига (вакилига) ўтказиб, ваколат беради (унга цессионар дейилади), аммо унга ўзининг хукуқидан ортиқ хукуқ беролмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313-моддасига биноан, цессия „*Кредитор хукуқларининг бошқа шахсга ўтиши асослари ва тартиби*“<sup>1</sup>, деган сўзлар билан ифодаланади. Ушбу модданинг 1-қисмида кредиторга тегишли бўлган хукуқнинг мажбурият асосида бошқа шахсга ўтказилиши ҳақида гап юритилади. Лекин баъзан қонунларда маҳсус назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулкка асосланган хукуқ ҳам бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. *Масалан*, патент оловчи шахс унга бўлган хукуқни хоҳлаган шахсга ўтказиши мумкин (ФК 1088-м.). Товарлар, ишлар ва

хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмiga нисбатан товар белгисига бўлган хуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин (ФК 1105-м.).

**Шартлар ва муддатлар.** Шартнома — ўз номи билан шартнома, яъни у турли шартларга асосланган бўлади. Аммо Рим хуқуқидаги шартномаларда, *масалан, „агар фалончи консул бўлса, сен менга фалон нарсани берасан“ деганга ўхшашиб шартлар ҳам бўлган. Ёки васиятномадаги „агар ўғил туғилса, фалон-фалон бўлсин“ каби шартлар қўшимча (иккинчи даражали) шартлар ҳисобланган*. Аммо маълум шароитларда улар ҳам эътироф этилган. Улар ижобий ёки салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин бўлган. Агар шартноманинг асосий, муҳим шартлари ноқонуний ёки аслида бажариб бўлмайдиган бўлса, қўшимча шартлари ҳам шартнома билан бирга бекор қилинган.

Шартнома муддатлари ҳам турлича бўлган. *Масалан, „фалон қулимини тўлов пули 100 сестерингга етганда қўйиб юбораман“ ёки „агар ижарачи фалон вақтгача нарсаларини олиб кирмаса, шартнома бекор бўлади“* сингари тарзда тузилган шартномалар бўлган.

#### **4- §. ШАРТНОМАНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**Шартноманинг ижросини таъминлаш воситалари.** Ҳар қандай кредитор, айниқса бу ишда мутахассис бўлган банкчи ёки судхўр бировга берган қарзини ундириб олишни ўйлайди. Унинг учун ушбу қарзнинг маълум бир тартибда ва вақтда қайтарилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса закалат бериш, кафиллик (кафолат) бериш, гаров, бурдсизлик тўлови (айбона, неустойка) каби воситалар қўлланилади.

Закалат (бай пули) бериш римчасига „арра“ ёки „арха“ дейилиб, қимматли бир нарсани гаровга қолдиришдан иборат бўлган. Қарз шартномаси бўйича унинг қиймати ашё қийматидан кам бўлар эди. Кейинчалик закалат олди-сотди ишларида ҳам қўлланила бошлаган, аммо шартнома бекор қилинганда у ҳам қайтариб берилган. Фақат Юстиниан давридан бошлаб бай пули жарима вазифасини ўттай бошлаган. Аслида Шарқдан келган бу одатни **Юстиниан** 628 йилда қонунлаштирган.

**Кафолат.** Кафолат масаласини Гай таърифлаб берган. Кафилликка ўтган киши шартнома шартларини қабул қиласи ва қарздор ўз қарзларини тўламаган тақдирда уларни тўлайди.

Аммо шундан кейин у ҳам қарздорга нисбатан регресс даъво ҳукуқига эга бўлади.

Агар қарздор мажбуриятини бажармаса ёки ўз вақтида қарзини тўламаса, бошқа бир шахс ушбу мажбуриятнинг ижросини ўз зиммасига олиши мумкин бўлган. У қарздор учун кафолат берган ёки кафилликка ўтган. Бу нарса ҳам стипуляцияда кенг қўлланилган. Бундай кафилликни Рим-нинг бадавлат фуқаролари бажарганлар. Улар учун бу камбағал фуқароларга таъсир ўtkазиш, ҳатто уларни ўзларига тобе қилиш шаклларидан бири бўлган.

Мажбурият муддати ўтгач, унинг ижро этилмагани учун кредитор нафақат қарздорга, балки кафилга нисбатан ҳам чора кўришга ҳақли бўлган (ўзбекларда „кафил турма — кафансиз кетасан“ деган мақол бор). Демак, қарздор ҳам, кафил ҳам бир хилда жавобгар ҳисобланган.

Агар қарздор ўрнига кафил қарзни тўлаб юборса, қарздор унга икки баробар қилиб қарзини қайтариши лозим бўлган.

**Гаров.** Дигестларда айтилишича, гаровга нарса қўйган киши бу билан ўзини мажбуриятлар билан боғлаб беради. Шунинг учун ҳам гаров римчасига *pignus*, яъни „жишан“ деб аталади. Гаровни шартномага қўшимча мажбурият дейдилар.

Иқтисодий ривожланиш даврларига келиб кредиторга гаровни сотиш ҳукуқи берилган. Баъзан гаровга қўйилган нарса бир неча кредиторга тегишли бўлган. Унда претор, аввало, биринчи кредиторнинг ҳукуқини ҳимоя қилган.

Гаров предметини баъзан бирорга ёки ўз эгасига вақтинча фойдаланиш учун бериб туриш ҳам мумкин бўлган. Кўп ҳолларда кредитор шартнома асосий мажбуриятининг бажарилиш муддати ўтиши биланоқ, гаровдаги буюмнинг ўзига ўтиб кетишини шарт қилиб қўйган. Фақат 326 йилда гаровдаги нарсанинг барча ҳолларда ҳам сотилиши ва ортиқча пули эгасига берилиши ҳақида қарор чиққан. Бу вақтга келиб банк ишларида „ипотека“ деган гаров шакли вужудга келган.

**Ипотека.** III асрга келиб греклардан келган ипотека усули кенг қўлланила бошлаган. Ипотеканинг пигнусдан асосий фарқи шундаки, гаровга қўйилган нарса кредиторда эмас, қарздорнинг ўзида сақланган ва қарздор ундан фойдаланиб юриши ҳам мумкин бўлган. Қарздор у нарсани бирорга ўтказиб юборсагина кредитор уни талаб қилиб олиши мумкин бўлган. Агар қарздор ўз мажбуриятини бажармаса, кредитор унинг гаровдаги нарсасини тортиб олган.

Вақт ўтиши билан ипотека кўчмас мулкка, биринчи галда, ерга нисбатан қўлланиладиган бўлган, ундан кейин қарздорнинг бор мол-мулкига нисбатан белгилаш удум бўлган. Бу „бош ипотека“ деб аталган. Бу одат бизнинг кунларда ҳам давом этмоқда ва эндиликда ипотека оммавий равища қайд этиладиган маҳсус рўйхат китоблар пайдо бўлди.

Ипотека Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 265- моддасида назарда тутилган.

**Шартноманинг бажарилиш жойи.** Бажарилиш жойи ё шартномада кўрсатилган, ё ўз-ўзидан тушунарли бўлган. Аммо Италияning босиб олиниши ва Римning жаҳон бозорига кўшилиши билан иш анча мураккаблашган. Греция, Миср, Финикия, Карфаген каби давлатлар билан алоқаларнинг ўрнатилиши нарсаларни узоқ жойларга олиб бориш, бунинг нарх-навога таъсири масалаларини келтириб чиқарган. Бундан ташқари, бозор қоидаларнинг муайян муаммоларини юзага келтирган. Агар кредитор икки-уч жойнинг номини айтса-ю, бажарувчи ўзига маъқул жойни кўрсатмаган бўлса (масалан, васиятномада), шартнома бажариш мумкин бўлган жойда бажарилаверган. Аммо жавобгар (бажарувчи) бу ҳақда огоҳлантирилиши керак бўлган. Акс ҳолда шартнома бажарилмаган деб ҳисобланган. Агар олди-сотдида нарсанинг баҳоси кўрсатилмаган бўлса, унда шартнома бажариладиган жойдаги нарх-наво мезон қилиб олинган.

**Шартноманинг бажарилиш муддати.** Шартномада унинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлса, ҳеч қандай муаммо бўлмаган. Агар у кўрсатилмаган бўлса, унда кредитор талабига қараб бажарилиши керак бўлган. Аммо бажарилиш жойи узоқда бўлса, уни ҳисобга олишга тўғри келган. *Масалан*, Римда келишилган юкни Карфагенда топшириш керак бўлса, йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олишга тўғри келган. Агар кредитор „мендан олаётган қарзингни бошқа шаҳардаги ўглимга тўлайсан“ деса, у шунга яраша вақт бериши керак бўлган. Агар муддат ҳақида тортишув чиқса, уни суд ҳал қилиши керак бўлган. Муддат белгиланадиган барча ҳолларда кредиторнинг эмас, қарздорнинг аҳволини ҳисобга олиш керак бўлган.

Агар тўлаш вақти ўтиб кетса, даъво муддати бошланган. Икки томон келишган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланган. Башарти шартномада аниқ муддат кўрсатилмаган бўлса, қарздорга имконият бўлиши учун талаб олдиндан билдирилиши ҳақида огоҳлантирувчи писанда бўлиши талаб этилган.

Кредитор ўз вақтида келмаса, нарса ёки пул депонентга (сақлашга) берилган; мазкур буюм йўқолса ёки нобуд бўлса, кредитор айбдор ҳисобланган.

**Айбона** (бурдизлил тўлови). Бунда тарафлардан бири қўйилган шартни бажармаган тақдирда, жарима тўлашни зиммасига олади. Кредитор учун бунинг икки тарафлама фойдаси бўлган: *биринчидан*, бу билан шартноманинг бажарилиши таъминланган; *иккинчидан*, унга етказилган зарар қопланган. Дигестларда бу жаримани тўлашга мажбур қилиш мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатма берилган, аммо бу одат давом этаверган.

**Айбдорлик ва зарарни қоплаш.** Юқорида Рим юристларининг „долюс“ деган атамалари, унинг „ёзув ният“ маъносини англатиши ҳақида сўз юритилган эди. Ҳар бир шартнома томонларидан шартнома предметини эҳтиёт қилиш талаб этилган. *Масалан*, ижарачининг ижара мулкига ўз мулкидек қараши талаб қилинса-ю, у мазкур талабни бажармаса, демак, унинг акси, яъни бепарволик, айбдорлик пайдо бўлади. Аммо ижарачи ҳамма лозим эҳтиёт чораларини кўришга қарамай, масалан, табиий офат натижасида ижара мулки шикастланса ёки нобуд бўлса, айбсиз ҳисобланади. Бинобарин айбдан айбдорнинг фарқи бор.

**Айб шакллари** ҳар хил бўлган, аввало, *қўпол хото* (лата кулпа)ни ўтакетган *масбулиятсизлик* деб ҳисоблаганлар. Юристлар бундай айбни „ёвуз ниятга“ кўшиш тарафдори бўлганлар. Аммо Цельз буни хото ҳисоблаган ва тарихан ҳақ бўлиб чиққан. Енгил маъсулиятсизликни „кулпа“ деганлар. Зарарни қоплаш масаласига келганда эса, барчалари „айб ўйқ жойда, зарар ҳам йўқ“ деган фикрда бўлганлар. Аммо „лата кулпа“ қаёд билан тенглаштирилган ва жавобгарликни келтириб чиқарувчи асос ҳисобланган. У жавобгарликдан озод этиш учун бўлади, деган келишув ҳақиқий ҳисобланмаган.

**Кустодиа.** Кустодиа — сақлаш, муҳофаза қилиш дегани бўлиб, Рим ҳуқуқи ашё ҳақида фамхўрлик қилишдан уни асраб, авайлашни юқори қўйган. *Масалан*, тикувчи бир кийимни тузатиб беришга олса, унинг сақланишини ҳам бўйнига олади. Қулни ёки молни сотиб беришни бўйнига олган даллол уни боқишини ҳам ўз зиммасига олган. Бунда гап ашёларнинг ўғирланиши, йўқолиши, ёниб кетиши каби ҳодисалар учун жавобгарлик хусусида бормоқда.

**Енгид бўлмас куч.** Енгид бўлмас куч, табиий офатлар, масалан, зилзила, бўрон кабиларни ҳисобга олмай бўлмайди.

Агар бирорнинг томидаги черепицаларни, шиферларни учирган шамол уларни бирорнига тушириб, сигирини босиб ўлдириб қўйса, томнинг ёпилишини текшириш керак бўлади. Агар том лозим даражада мустаҳкамланмаган бўлса, жавобгарлик, айб масаласи вужудга келади.

**Манфаатдорлик.** Рим юристлари шартномани бажармаслик ёки жавобгарнинг деликти натижасида кредиторга етказилган ашёвий зарарни шундай деб атаганлар. **Кредиторнинг зарари икки хил ҳисобланган:** 1) у шартноманинг бажарилмагани учун мол-мulkни харажатлари, киришилмасданоқ бир қатор харажатлар шикастланиши ва нобуд бўлиши — реал зарар ва 2) шартнома бажарилмагани учун у ололмай қолган фойда — бой берилган даромад. Манфаатни тарафнинг алоҳида талаблари билан чалкаштирмаслик керак. *Масалан, ўлдирилган қул учун хўжайн: у менинг никоҳсиз туғилган ўғлим эди, шунинг учун унга меҳрим алоҳида эди, деб жуда юқори баҳо талаб қиласа, бу ҳисобга олинмаган. Дигестларда: „ҳар бир келтирилган зарар учун ўша билан боғлиқ харажатларгина тўланади“, дейилган.*

## 5- §. ДЕЛИКТ (ХУҚУҚБУЗАРЛИК)ДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР

Ушбу дарслик Рим хусусий хукуқига бағишлангани учун унинг бу қисмида ҳам „**Улыниан формуласи**“га биноан „**Айрим шахсларнинг хукуқ ва манфаатлари**“та тааллуқли хукуқбузарлик ҳақида сўз юритамиз. Бунга шахсни ҳақоратлаш, шикастлантириш, қалтаклашларгина эмас, ҳозирги даврда жиноят „**криминал**“ ҳисобланган бошқа (*масалан, ўғрилик, талончилик, бирорнинг мулкига зарар етказиш каби*) хатти-ҳаракатлар ҳам киради.

Тарихий келиб чиқишига кўра, деликтлар XII жадвал қонунларига бориб тақалади. Унда қонга қон талаб қилиш, ҳатто ўлим жазоси ҳам бўлган. Катта жиноят ёки енгил айблар учун жарима солинган. Жадвалларда „**давлатга қарши жиноят**“ тушунчаси ҳам бўлган. Уларда Римга хужум қилиш учун гижгижлаш, судъяларнинг порахўрлиги каби баъзи жиноятлар учун ўлим жазоси берилиши ҳақида ёзилган.

**Инюора.** Бу атама, кенг маънода, ҳар қандай хукуқбузарликка, аммо кейинчалик кўпроқ жисмоний шикаст етказишга нисбатан ишлатилган. Преторлар кишини таҳқирлаш, ҳақоратлашларни ҳам, оиласа нифоқ солишни ҳам инюора доирасига киритганлар. XII жадвалда белгилаб қўйилган

жарималар рўйхатини преторлар жабрланувчи талаб қилган жарималар билан тўлдирганлар. Фақат жабрланувчига (у ўлганда эса ворисига) даъво қилиш хукуқи берилган.

**Фуртум** (ўғирлик). Ўғирлик бошқалар буюмини, ашёсини яширин тарзда олиб кетиш ҳисобланган. XII жадвалда тунги ва кундузги ўғирлик алоҳида-алоҳида қаралган. Тунгисига нисбатан қаттиқроқ жазо қўлланилган. Ўғирланган нарса ёнидан топилган киши ўғри деб ҳисобланган. Преторлик хукуқида сақлашга берилган ёки гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланиш ҳам Ўғирлик ҳисобланган.

**Босқинчилик.** Ўғирликдан фарқли ўлароқ, босқинчилик яширин эмас, балки очиқдан-очиқ содир этилади. У тунги Ўғирлик билан баробар жазога лойиқ ҳисобланган.

Италияда сулланслар ва марианцлар орасидаги фуқаролар уруши натижасида босқинчи бандитлар кўпайиб кетган даврда босқинчиликка қарши алоҳида қонун чиқарилган ва унинг муаллифи номи билан „Лукулла эдикти“ деб аталган.

**Аквилий қонуни.** Нотиқ Аквилий номи билан аталган бу қонун (мил. ав. 286 й.) ўзигача бўлган барча жазоларни бекор қилди ва янги жазолар жорий этдики, бундан кейинги судлар фақат шу қонунни қўллашлари лозим бўлган. Қонунда хукуқбузарликнинг ҳамма турларига нисбатан турли жарималар ва бошқа жазо чоралари белгилаб чиқилган. *Масалан, қуйидаги хукуқбузарликларга:* 1) бирорнинг қулини ёки ҳайвонини ўлдириш; 2) бирорнинг ашёсини шикастлантириш ёки бошқача зарар етказиш; 3) қўшимча кредитор (адистипулятор) томонидан етказилган зарар; 4) бирорнинг қулига ёки ҳайвонига зарар етказиш.

Аквилий қонунига асосан, қулнинг ёки ҳайвоннинг ўлими ёки жароҳатланишига олиб келувчи атайин қилинган жисмоний ҳаракат „зарар“ ҳисобланган. Аммо бу ҳаракатнинг қасддан ёки билмасдан қилинганлиги ҳақида баҳслар кўп бўлган. Қонун айбдорга нобуд бўлган ашёнинг энг юқори баҳосини тўлаш мажбуриятини юклаган. Агар айбдор буни асоссиз рад қилса, жарима икки баробар оширилган.



### *Назорат учун саволлар*

1. Мажбурият нима?
2. Деликт ва контракт мажбуриятлар қандай фарқланади?
3. „Юридик факт“ тушунчаси?
4. Мажбуриятларни бажариш шартлари Рим хукуқида қандай белгиланган?

5. Мажбуриятлар қандай вужудга келган?
  6. Шартномаларнинг қандай шакллари бўлган?
  7. Шартномага нима асос бўла олади?
  8. Шартнома предмети нимадан иборат?
  9. Шартнома нуқсонлари нималардан иборат?
  10. Долюс нима?
  11. Мажбуриятларда „Кауза“ деганда нимани тушунасиз?
  12. Мажбуриятларда новация (янгиланиш) қандай аҳамиятга эга?
  13. Цессия нима ва у қандай мақсадда қўлланилади?
  14. Мажбурият ижросини таъминлашнинг қандай усусларини биласиз?
  15. Гаров Рим ҳукуқида қандай ҳолатларда қўлланилган?
  16. Ипотека нима?
  17. Шартноманинг бажарилиш муддати қандай белгиланган?
  18. Рим ҳукуки бўйича айбнинг қандай шакллари назарда тутилган?
  19. Зарарни белгилаш ва уни ундириш қандай амалга оширилган?
  20. Деликт мажбурияти нима ва унинг қандай турлари мавжуд бўлган?
-

## VIII боб. ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ. ПАКТЛАР ВА КВАЗИКОНТРАКТЛАР

### 1- §. ВЕРБАЛ ШАРТНОМАЛАР

Гап шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни амалга ошириш вазифалари ҳақида бораар экан, икки нарсани таъкидлаб ўтиш керак: *биринчидан*, ҳар икки тараф ўз розилиги билан битим тузган; *иккинчидан*, шартнома шартлари ва қонун олдида ҳар икки тараф ҳам баробар. **Нексум** (қарзини тўламаганни қул қилиш ҳуқуқи) бекор қилинганидан кейин, жарима фақат пул ёки ашё шаклида солинадиган бўлган. Жанжал чиқса, ҳокимиятга (претор, суд ва ш.к.) мурожаат қилинган. Шунинг учун Рим шартномасида мажбурият ҳуқуқи ҳақида гапирилганда, томонлар ҳуқуқининг тенглиги, шартнома шартларини бажармаганларнинг мулкий жавобгарлиги, товарларга нисбатан таклиф ва талаб каби шароитлар ҳисобга олиниши керак. Фақат ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланган шартномагина римча шартнома ҳисобланади.

**Бу шартномалар қўйидаги тўрт асосдан бирига эга бўлган:**

- 1) **вербис**, яъни анъанавий ибораларни оғзаки тақоррлаш асосида тузилган ва улар вербал шартномалар дейилган;
- 2) **литтерис** — уй китобларига ёзилган литерал шартномалар;
- 3) **реал** — бу шартномалар буюмни топшириш билан бошлангани учун реал шартномалар дейилади;
- 4) **консенсус** — келишувга асосланган шартномалар.

Энг қадими Рим шартномалари шаклларидан бири стипуляция бўлган. У дин томонидан ҳам маъқулланиб, муқаддаслаштирилган оғзаки келишув бўлиб, унда қасам ва дуо сўзлари ҳам ишлатилган (қарғиш).

**Стипуляция таъсири.** Классик Рим ҳуқуқида **стипуляция** универсал юридик шаклда қўлланилган. Унда бир томонда қарз берувчи ва бошқа томонда қарздор турган. Қарз фақат пул бўлмай, ҳар қандай буюм ёки мулк бўлиши мумкин бўлган. Ундан ташқари, *новация* (ўтказиш) ҳам, ҳатто шартноманинг бажарилганлиги ҳақида сохта ҳужжат

гузилиши ҳам мумкин бўлган. Чунки „спонде“, „сподео“ сўзларини айтишнинг ўзи кифоя қилган. Ҳар қандай долюс (алдов) ҳам мажбуриятга киритилган ва суд учун ҳужжат вазифасини бажарган.

Кейинроқ мажбуриятларни ёзма равишида ҳужжатлаштириш одат тусига кирган.

## 2- §. ЛИТТЕРАЛ ШАРТНОМАЛАР

**Уй дафтарлари.** Биз уй дафтарлари тутилиб, унга қарзларнинг ёзиб борилганлиги ҳақида гапирган эдик. Бу ёзувлар вақт-вақти билан кўздан кечирилиб, текширилиб ва аниқланиб турилган ҳамда шартнома шаклини ҳам ола бошлаган. Чунки олди-сотди ишлари талаби билан ёки қарзнинг қўшилиши ёки камайиши натижасида янги келишувлар пайдо бўлган. Улар ёзувда ўз аксини топган ва литерал (ёзилган) мажбуриятга айланган. Баъзан бирорнинг қарзи бошқа бирорвга (келишилган ҳолда) ёзилган. Буларнинг ҳаммаси новация, яъни янги келишув деб тушунтирилган.

Уй дафтари жуда оддий бўлишига қарамай, банкирлар, савдогарлар ва бошқалар учун ишончли ҳужжат бўлиб, битим ва шартномалар ўшандан бошланган, десак бўлади.

Орада тилхат деган ёзма ҳужжат ҳам пайдо бўлган. У Юнонистондан кириб келган.

**Синграф ва хирографлар.** Римда тилхатни **синграф** (грекча „ёзма ҳужжат“) деб атаганлар. У икки нусхада тузилган ва ўзига хос вексель вазифасини ўтаган. Бу ҳужжатни қўллаш учун фақат римликларгагина эмас, балки перегринларга ҳам рухсат этилган. Синграфлар учинчи шахс номидан ёзилган (*масалан, „Фалончи бунча қарз“ шаклида*) ва уни аввал қарздор, сўнгра гувоҳлар имзолаганлар.

**Хирограф** юнонча „ўзи қўйган қўл“ дегани бўлиб, бундай тилхатга гувоҳлар аралашмаган. Хирограф биринчи шахс номидан „*Мен, фалончи писмадончига бунча қарzman*“ деган тартибда тузилган.

Империя даврида хирографлар ўзининг соддалиги ва осонлиги билан синграфларни сиқиб чиқарган.

## 3- §. РЕАЛ ШАРТНОМАЛАР

**Қарз.** Реал шартномалар бирорвга бериш мўлжалланган ашё унга берилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланган. Бирорвга берилган пул ёки ашё унинг ўз мулкига айланган ва у мазкур ашёлар билан нима хоҳласа, шуни қилиш

ҳуқуқига эга бўлган. Қарз берган киши қарздордан ўз пули ёки нарсаларининг худди ўзини эмас, балки худди шундай турдаги (ўша хил ва ўша сифатдаги) нарсаларни қайтариб олган. Шартнома муддати ҳақида „*биринчи талабдаёқ қайтарилиши лозим*“ дейилган ёки бошқа муддат кўрсатилган Қарзлар унга қўйиладиган фоизлар билан боғлиқ, аммо Рим шартномаларида бу кўрсатилмаган (бу ҳол қадимий одат — бирорвга ёрдам бериш билан боғлиқ бўлса керак), фоизлар ҳақида оғзаки гаплашиб олинган ёки алоҳида ҳужжат тузилган Қарз ҳақидаги шартнома бир ёқлама ҳисобланган, чунки кредитор нарсани, масалан, дон сақланаётган омбор қалитини қарз олувчига бергач, қолган ҳамма мажбурият (донни сақлаш, ишлатиш, қайтариш ва ҳ. к.) қарздорнинг зиммасига тушган.

**Ссуда шартномалари.** *Ссуда* (лотинча *commodatum*) қарздан фарқ қилган. Қарз берилган нарсани ишлатиб юбориш ва ўрнига бошқасини қайтариш мумкин бўлса, ссудага берилган нарсанинг ўзини ишлатиб, сўнг ўзини қайтариб бериш лозим бўлган. Бундай вақтинча берилган ашё билан боғлиқ муносабатлар ҳам турли мураккабликдаги юридик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган: берилган ашё бузук, идиш тешик ва бошқалар бўлиб, қарздорга зарар етказса, кредитор айбдор ҳисобланган ва, аксинча, олинган нарсани қарздор синдириб, бузиб қўйса, қарз олган шахс айбдор ҳисобланган.

**Оддий қарз ва ссуданинг фарқлари қўйидагиларда намоён бўлган.**

**Қарзда:**

- 1) ашё — умумий сифатга эга ҳажм, оғирлик, саноқ ёки миқдор билан ўлчанадиган ашё;
- 2) ашёлар қарздорга ўз мулки сифатида берилган;
- 3) ашёнинг тақдири, яъни нобуд бўлиши, шикастланиши ва бошқалар қарздорнинг зиммасида бўлган;
- 4) мажбурият фақат бир томонлама бўлмаган.

**Ссудада:**

- 1) хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар берилган;
- 2) ашёдан вақтинча фойдаланиб, қайтариб берилган;
- 3) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши кредиторнинг зиммасида бўлган;
- 4) қарздорнинг зиммасига юкланган асосий мажбуриятлардан ташқари, бошқа турли мажбуриятлар ҳам вужудга келиши мумкин бўлган.

**Омонат сақлаш шартномаси.** Омонат сақлаш шартномаси (**depositum**) ҳам ўз хусусиятларига эга бўлган. Бундай шартнома бўйича сақлашга берилган ашё биринчи талаб қилиниши билан ёки белгиланган муддатда қайтариб берилиши лозим бўлган. Бу шартномага ҳақ тўланмаган, шунинг учун *ашё сақловчи* (депозитар) ушбу нарсаларни ўз мулкидек сақлаши керак бўлган. Омонатни сақлашга берувчи (депонент) омонат сақловчи сифатида инсофли, адолатли шахсларни танлаган. Омонат сақловчи ашёнинг нобуд бўлишида *унинг айби* (қасд ёки қўпол эҳтиётсизлиги) бўлганида жавоб берган, енгил эҳтиётсизликда эса жавобгар бўлмаган.

**Икки ҳолда бу қоидадан чекиниш мумкин бўлган:**

1) агар омонат сақловчи ўз ихтиёри билан сақлашга олган бўлса, ашёнинг шикастланиши ёки йўқолишига *кустодия* йўли билан жавоб берган, чунки ашёга ўз мулкидек қарashi лозим бўлган; 2) сақлашга берилган нарса (ут тушиш, ер қимирилаш каби фавқулодда шароит туфайли) омонатга топширилган бўлса, омонат сақловчининг ашё учун масъулияти икки баравар ошган.

**Омонат сақлашга берилган ашёлар билан боғлиқ икки хил даъво, яъни:** 1) ашёлардан фойдаланиш ва 2) ашёларни қайтариб бериш ҳақидаги даъволар бўлган.

#### 4- §. КОНСЕНСУАЛ ШАРТНОМАЛАР

Икки томоннинг ўзаро оддийгина келишувидан вужудга келган шартномалар консенсус шартномалари дейилган. Улар олди-сотди, биргаликдаги фаолият, пудрат, ишчи ёллаш, ижара кабиларда қўлланилган.

**Олди-сотди муносабати.** Қадимги Римда олди-сотди шартномалари биринчи ўринда турган, хизмат кўрсатиш соҳалари эндинга пайдо бўла бошлаган. Кулчилик тузуми хизмат кўрсатишни унчалик тақиқламаган, аммо унинг ҳукуқий асослари бўлмаган. Олди-сотди шартномасининг асосий кўрсаткичи товар-пул ёки *пул-товар муносабатидир* (*emtio-venditio*). Бу шартнома тарафлар келишган вақтдан бошлаб кучга кирган. Бунда сотувчи олувчига пул эвазига маълум бир буюмга мулк ҳукуқини батамом ўтказиб берган. Олди-сотди муносабатлари ашё алмаштиришнинг қийинлашиши сабабли юзага келган. Шу боис барча нарсаларга алмаштириш мумкин бўлган товар-пул вужудга келган. XII жадвал амал қилган даврда бу мис қуймаси бўлган.

Мил. ав. V асрда бронзадан зарб қилинган 32,5 граммли ассо (чақа пул)лар пайдо бўлган.

Олди-сотди шартномасининг асосий предмети — *товар* (тегх). Муайян жисмий аломатларга эга бўлган ва фуқаролик муомаласида бўлмаган ашёлар **товар** ҳисобланади. Бусиз олди-сотдининг юзага келиши мумкин эмас. Олди-сотдида *харидор*, *сотувчи* ва *ашё қатнашади*. Сотилаётган ашё икки талабга жавоб бериши керак: у *жисмоний* ва *юридик* жиҳатдан яроқли бўлиши керак. Жисмоний жиҳатдан у ўз вазифасини бажара олиши, юридик жиҳатдан эса ўз сотувчисиники бўлиши, яъни ўғирлаб олинмаган бўлиши шарт.

Олди-сотди шартномаси товар баҳоси келишилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Баҳо ҳақидаги келишувда, *биричидан*, баҳо пулда ифодаланиши, *иккинчидан*, пулнинг аниқ миқдори белгиланган бўлиши, учинчидан эса баҳо товарнинг ҳақиқий нархи даражасида бўлиши шарт.

**Сотувчининг мажбуриятлари.** Сотувчи харидорга ашёни мулк қилиб топшириши, ундан фойдаланиш йўлларини ўргатиши ва, ниҳоят, бошқаларнинг унга даъво қилолмаслигини таъминлаши шарт. Сотилган ашёда бошқа шахсларнинг **хукуқи** — эвикция бўлмаслиги керак. Бу ўринда гап қандайдир сабабга кўра ашёнинг сотувчига тегишли эмаслиги ҳақида бормоқда. Ҳатто буни сотувчининг ўзи ҳам билмаган ҳоллар бўлиши мумкин.

**Манципация** даврида бундай ҳоллар маълум бўлиб қолганда сотувчи харидорга тўланган нархни икки баравар қилиб қайтариб бериши қонунда белгилаб қўйилган ва бу қоида узоқ вақтгача амалда бўлган. Сотилган ашёнинг камчиликларини яширганлик ёки бу ҳақда огоҳлантирганлик учун ҳам сотувчи жавобгар бўлган. Бундай ҳолда сотувчи тўланган пулни икки баравар қилиб қайтарган.

Бундан ташқари, яна икки юридик восита қўлланиши мумкин бўлган: шартномани бекор қилиш ёки ашёнинг нархини пасайтириш. Сотувчи харидор олдида *стимуляция* мажбуриятларини зиммасига олган, аммо майдада нуқсонлар ва ўзи ҳам билмайдиган камчиликлар учун жавобгар бўлмаган. *Масалан*, бир гуруҳ қулларни кўтара харид қилиб, битталаб сотган сотувчи уларнинг феълини билмагани табиий ҳисобланган. Қул филай ёки чўлоқ бўлса, харидор кўриб олиши керак бўлган.

**Ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши.** Агар келишув, битим тузилган бўлса-ю, харидор ашёни ўз вақтида олиб кетмай,

у тасодифан йўқолиб қолса ҳамда сотувчи ҳам бундан бехабар бўлса (масалан, олинган қул ўлиб қолса ёки уй ёниб кетса), айб харидорга тушган.

Ҳар икки томонга ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайдиган мазкур битимлар „*синалагматик*“ шартномалар дейилган. Бу сўз юончада „*ўзаро баробар бажариш*“ деган маънени англаради.

## 5- §. ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

**Ёллаш шартномалари.** Улар уч хил, яъни ашёларни ижарага олиш, хизматчиларни ёллаш ва пудрат шартномаларидан иборат бўлган. Уларнинг учаласи ҳам олди-сотди шартномаси каби *консенсуал* ва *синалагматик* шартномалар бўлган. Қадимги Римда дастлаб шартномаларнинг иқти-содиётнинг ривожланиши билан ана шундай турлари келиб чиқкан. Кейинчалик шундай турларга бўлинган.

**Нарсаларни ижарага олиш.** Бунда қуйидаги белгилар мавжуд бўлган:

**A. Ижарага берувчи (локатор)нинг мажбуриятлари:**

- 1) харидорга буюмни тўлиқ, бус-бутун ҳолатда бериш;
- 2) алоҳда белгили нарсани бериш;
- 3) вақтинчалик фойдаланиш учун бериш;
- 4) лозим бўлиб қолса, ижаракининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш;
- 5) агар ижарага берувчининг айби билан ашёда камчилик борлиги маълум бўлса, уни тузатиш учун кетган харажатларни тўлаш.

**B. Ижарага олувчининг мажбуриятлари:**

- 1) шартномада белгиланган вақт тугаши билан ашёни қайтариш;
- 2) ашёни бус-бутун ҳолатда қайтариш;
- 3) шартда кўрсатилган ҳақ билан бирга қайтариш;
- 4) олинган ашёдан унинг тайинланиш мақсади бўйича фойдаланиш;
- 5) ашёдан шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиш.

Ижара ҳақини пул ёки ашё билан тўлаш мумкин бўлган. *Масалан*, ерни ижарага олиб ишлаган киши ҳосилнинг бир қисмини бериши мумкин бўлган. Прекор усулида, масалан, шартнома бир йилга тузилган бўлса, агар ижарага берувчи индамаса, ўз-ўзидан яна бир йилга чўзилаверган. Ижара ҳақини қисмларга бўлиб, яъни ҳар уч ойда, ҳар йили, ҳар

ойда тұлаш ҳам мүмкін бўлган. Ижарага олган киши ашёни яна бошқа одамга ижарага бериши ҳам мүмкін бўлган. Ижаачининг шу мулкка (масалан, ернинг ҳолатини яхшилаш, иморатларни таъмирлашга ва ҳ. к.) сарфлаган харажатларини қоплаш анча мураккаб масала бўлган ва суд орқали даъво тартибида ҳал этилган.

**Ижара шартномаси қўйидаги ҳолларда бекор қилинган:**

- 1) шартнома муддатининг тугаши;
- 2) ижаачининг икки йил ичида ижара ҳақини тўламаслиги;
- 3) ашёдан нотўғри фойдаланиш;
- 4) берилган ашё ижарага берувчининг ўзига керак бўлиб қолган тақдирда.

**Турли хизматлар кўрсатиш учун хизматчини ёллаш.** Хизматчи сифатида ёллаш қуллардан бошланган ва кейинчалик мардикор ва батраклар, усталар (хунармандлар) ҳам хизматга ёлланган. Бундай ёлланыш римликларнинг обруни туширган бўлса, перегринлар учун оддий ҳол бўлган. Албатта, жамият юрист, табиб, ер ўлчовчи каби мутахассисларнинг хизматига муҳтоҷ бўлган, аммо улар ёлланниб ҳақ олмаганлар, балки шундай одамгарчилик юзасидан ёрдам бергандек бўлганлар, аммо уларга ҳам бериш орқали ҳақ тўланган.

**Хизматчи ёллашнинг умумий қоидалари:**

- ёлланма хизматчининг меҳнатидан фойдаланувчи шахс ёлланганга доимий иш ҳақи тўлаб туриши керак;
- ёлланган шахснинг беморлиги ёки ногирон бўлиб қолиши уни ҳақ талаб қилиш хуқуқидан ҳам маҳрум қиласди;
- агар хизматга ёлланган шахс вафот этса ва кўрсатиладиган хизмат унинг шахси билан боғлиқ бўлмаса, адолат юзасидан шартнома бажарилиши лозим.

**Пудрат.** Пудратда кўрсатиладиган хизмат эмас, ишнинг, фаолиятнинг охирги натижаси ҳисобга олинган. *Масалан*, бир иморатни қуриш пудратга берилган бўлса, ҳисоб-китоб қилиш учун иморат шартномада кўрсатилганидек битиши шарт бўлган.

**Пудратчи (ишчи) қўйидагилар учун жавобгар бўлган:**

- унинг айби билан иш натижасининг сифатига зарар етганлиги;
- малаканинг етишмаслиги оқибатида ишни бажара олмаганлик ёхуд сифатсиз бажарганлик;
- пудратчининг ўзи ёллаган шахслар (ёрдамчилар, мардикорлар) ишининг натижаси учун ҳам.

Битмаган иш натижаси ёки нарсанинг йўқолиши, куиши, бузилишига ҳам пудратчи (масалан, тикувчи) жавобгар бўлган. Фақат табиий оғатлар натижасида етган зарарлар учун у жавобгар бўлмаган.

### **Ширкат (биргаликда фаолият кўрсатиш) шартномаси.**

Рим оиласини баъзан „консорциум“ деб ҳам атаганлар. У том маънодаги ширкат бўлган деса ҳам бўлади. У оила бошлиғи қўл остидаги кишиларнинг ва мол-мулкнинг бирлашмаси бўлган.

Республиканинг илк даврида турли ишлаб чиқаришларнинг бирлашиши натижасида ширкатлар пайдо бўла бошлаган. Улар, аввало, оилавий муносабатлар замирида амалга оширилган, аммо аста-секин ўз хусусиятларига эга мустақил шартнома сифатида шаклана бошлаган. Ширкат аъзолари шериклар ҳисобланган. Шерикларнинг барчаси қонунга тўғри келадиган, ўзларига ҳам, жамиятга ҳам фойдали бир мақсадга интилишлари лозим бўлган. Шерикларнинг ҳар бири ўз ширкат фаолиятини амалга ошириш учун бир қисм маблағларини пул ёки ашё билан қўшишлари керак бўлган. Улар ўртасидаги ўзаро келишув бошқа шартномалардан ажралиб турган ва доимий бўлган. Шериклардан бирининг ўлими ёки ширкатдан чиқиши билан ширкат тарқалган ёки қайта ташкил қилинган. Ҳар бир ширкат аъзосининг қўшган маблағи турли миқдорда бўлиши ҳам мумкин бўлган. Фойда шунга қараб тақсимланган.

Қатнашчилар ўз маблағларини бирлаштириб, ширкат капиталига айлантирганлар, аммо истаганлар ўз маблағини алоҳида ҳисобда сақлашлари ва агар чиқсалар олиб кетишлари ҳам мумкин бўлган. Фойда ва зарар барча шериклар ўртасида баравар тақсимланган. Вақт ўтиши билан маълум ишларни бажарувчи ихтисослашган ширкатлар ҳам вужудга келган. Улар ўз олдига қўйган мақсадларига эришгач, тарқалиб кетган.

Бу ширкатлар Рим хусусий ҳуқуқида юридик шахс сифатида қабул қилинмаган. Бунинг кўпгина сабаблари бўлган. Хусусан, уларда маҳсус маъмурий ваколатларга эга бўлган раҳбар шахслар белгиланмаган. **Ульпианинг ёзишича, кунидаги ҳолларда ширкат тутатилган:** 1) қатнашчилар қолмагандан (вафот этиши, ширкатдан чиқиши ва ҳ. к.); 2) маблағ тугаб қолганда (банкротликда); 3) шериклар келишуви билан тарқатилганда; 4) шериклар ўртасида ўзаро келишувга эришилмагандан. Бундан ташқари, биргина мақсад учун тузилган вақтинчалик ширкатлар олдига қўйган вазифаси битгач ёки муддати тугагач, тарқаб кетган.

**Топшириқ шартномаси.** Савдо-сотиқ ишларининг баъзиларини савдогарнинг шахсан ўзи бажара олмаслиги сингари ҳолатлар натижасида бирорга илтимос қилиш, ваъдасини олиш ҳоллари юз берган ва топшириқ *шартномалари* (*mandatum*) юзага келган. Бу шартнома бошиданоқ Юс Генциум, яъни ҳалқлар хуқуқи тизимида ҳалқаро миқёсдаги шартнома бўлиб юзага келган. Бу шартнома текин ҳисобланган, аммо берилган топшириққа анчагина меҳнат талаб қилинган тақдирда бажарувчига ҳақ (гонорар) бериш мумкин бўлган.

Топшириқ шартномаси кучга кириши учун, биринчидан, унинг гайриқонуний бўлмаслиги, иккинчидан, топшириқ берувчи, оловчи (бажарувчи) ва бошқа шахснинг ундан манфаатдорлиги зарур бўлган. Бажарувчи **мандатарий** дейилган. Мандатарийга топшириқ берувчи номидан битимлар тузиш, уларнинг бажарилишини талаб қилиш, ҳатто судда қатнашиш хуқуқлари берилган. Шартнома топшириқ берувчининг хоҳиши билан ёки бажарувчининг *раддияси* (протести) билан тутатилган. Топшириқни бажариш харажатларини топшириқ берувчи қоплаган. Мандатарий топшириқ берувчини огоҳлантирмай ишини тўхтатса, жавобгар бўлган.

## 6-§. ПАКТЛАР ВА КВАЗИКОНТРАКТЛАР

**Пактлар.** Адолат ва инсофлиликни ҳимоя қилишда, преторларнинг ташаббускорлигини таъминлашда пактларнинг аҳамияти катта бўлган.

„*Pactum*“ атамаси билан Рим юристлари норасмий бўлгани учун даставвал даъво билдириш орқали ҳимояяга эга бўлмаган мажбуриятларни атаганлар. Уларнинг келиб чиқишини XII жадвал қонунлари билан боғлайдилар. Кейинчалик, преторлар ҳам пактларни ҳимоя қила бошлаганлар, чунки улар адолатга асосланганлар. Уларнинг алоҳида, маҳсус предметлари бўлмаган, улар шартномаларни аниқлаш, шартномага кўшимча ҳужжат, далил учун қўлланилган.

**Претор:** „*мазмунида „далюс-малюс“ и бўлмаган, қонунга хилоф бўлмаган, ҳалқ мажлислари, декретлар, эдиктларни бузмайдиган пактларни мен ҳимоя қиласман*“, — деб ёзган. Пактга эксцепция йўли билан мурожаат этилган ва уни претор ҳам, судья ҳам рад этолмаганлар.

**Квазиконтрактлар.** Дейлик, бир киши дўконининг томини шамол учириб кетди. Эгаси бир ёқقا кетган. Ичидаги

нарсалар ёмғирда қолмаслиги учун бошқалар уни тузатиб қўйдилар. Бу ишни улар ёрдам сифатида қилдилар. Аммо унга муайян миқдордаги материал, маблағ сарф бўлди. Римда: „Хизматингизга ташаккур, харажатларни эса тўлаш керак“ деган гап бор. Мана шундай ҳолат **квазиконтракт** деб аталган. Р. Зом буни „шартномасифат шароит“ деган. Агар мажбурий бўлмай туриб, ҳатто янглишиб, бировга ҳақ тўлаб қўйган пайтда ҳам квазиконтракт ҳолати ҳеч қачон чин истакни ифода этмайди. Шу боис бу ҳолатда ҳам шартноманинг асоси бўлмайди ва у **квазиконтрактга** киради.

Бундай ҳолатлар учун икки хил даъво ўйлаб топилган, улардан бирини кондикцион даъво деб атаганлар. Бу сўз Қадимги Рим атамаларидан бўлиб, маълум пул ёки ашё талаб қилинган цивиль даъвони билдирган. Квазиконтрактда ҳам бу атама пул ёки ашёни талаб қилишда ишлатилган. Иккинчиси — бирор мақсадни амалга ошириш учун **маблағ талаб қилиш даъвоси**. Аммо кўзланган вазифа бажарилмаса ёки уни бажарилбўлмаса, кондикция ҳолати вужудга келган, чунки бажарилмаган иш учун пул ёки бошқа маблағ олинган.

Бунда виндикацион даъвони қўллаб бўлмайди, чунки ушбу даъво жавобгар хусусий аломатлари билан ажралиб турувчи ашёни олгандагина қўлланиши мумкин.



### *Назорат учун саволлар*

1. Шартнома тузишнинг қандай ноўрин асослари бор?
2. Стипуляция тартибда шартнома қандай тузилган?
3. Литтерал шартномалар қандай таърифланади?
4. Қарз ва ссуда шартномалари қандай хусусиятларга эга?
5. Омонат сақлаш шартномасининг мазмuni ва уни тузиш тартиби?
6. Консенсуал шартномалар тушунчаси?
7. Консенсуал шартномаларнинг турлари?
8. Ашёлардан ижарага олиш шартномасининг тушунчаси.
9. Хизматчини ёллаш шартномасининг тушунчаси.
10. Пудрат шартномасининг тушунчаси.
11. Ширкат (биргаликда фаолият кўрсатиш) шартномасининг тушунчаси ва қўлланиши.
12. Пактлар ва контрактларни таърифлаб беринг.
13. Қарз, ссуда, сақлаш шартномаларини таърифлаб беринг.
14. Рим хукуқида қандай пактлар маълум?

15. Шартномалар ҳақиқийлигининг шартлари нималардан иборат?
  16. Шартнома ва деликт мажбуриятлари нима билан фарқланади?
  17. Шартномаларнинг қандай турлари бўлган?
  18. Пактлар ва квазиконтрактлар нимаси билан фарқланган?
  19. Цессия нима?
  20. Шартномани таъминлашнинг қандай воситалари бўлган?
  21. Ипотека ва пигнуснинг фарқи нимада?
-

## IX боб. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

### 1- §. ЦИВИЛЬ ВОРИСЛИГИ

XII жадвалдаёқ ворислик муносабатининг: а) қонун бўйича ва б) васиятнома бўйича ворислик каби икки хил тури кўрсатилган.

„Жадвалларда агар кимдир васиятнома қолдирмай вафот этса, унинг хўжалигини энг яқин вориси (*sunus heres*) олсин“, дейилган. Демак, агар васиятнома қолдирилмаган бўлса, мулкка қонуний ворис эга бўлган. Агар марҳум қолдирган васиятнома қонунга зид бўлмаса, у сўзиз бажарилиши керак бўлган муқаддас ҳужжат саналган. Агар васиятнома ҳам, марҳумнинг яқин ворислари ҳам қолмаган бўлса, у вақтда мулк яқин қариндошлар ўртасида тақсимланган. **Жадвалда яна икки ҳолат кўрсатилган:** 1) ворислар марҳумнинг барча қарзларини ҳам ўз зиммаларига оладилар; 2) марҳумга нисбатан пайдо бўлган барча талабларни ҳам ворислар (меросхўрлар) баробар ўзаро тақсим қиласидилар.

Қадим замонлардан то республика давригача мерос қолдирувчи ҳалқ йигини (**комиций**) олдида ўз истагини изҳор этиш одати давом этган. Уруш вақтида эса бу иш ҳарбий саф олдида ижро этилган.

Император ҳуқуқига биноан, васиятнома етти кишининг гувоҳлигида тузилиши лозим бўлган, мерос қолдирувчидан кейин гувоҳларнинг ҳаммаси ёки улар номидан биттаси имзо чеккан. Аёл киши гувоҳликка ўта олмаган. Сўнгра бу ҳужжатга мухр босилган. Ҳужжатга меросхўрнинг номини мерос қолдирувчининг ўзи ёзиши талаб қилинган. Ўз-ўзидан маълумки, руҳий bemорлар, балофатга етмаганлар, кўр, кар ва соқовлар гувоҳликка утолмаганлар. **Император Адрианининг** буйруғига биноан, агар имзо чеккан гувоҳларнинг бирортаси кейинчалик қулликка тушиб қолса ҳам, унинг имзоси ўз кучини йўқотмаган.

XII жадвалдан маълум бўлишича, мерос жанжаллари тез-тез учраб турадиган ҳол бўлган. Мероснинг кўп ёки камлиги, кимгадир ноўрин белгилангандиги, васиятноманинг нотўғри жойлари борлиги ва бошқалар ҳақида низолар бўлиб турган.

## **2- §. УНИВЕРСАЛ ВА СИНГУЛЯР МЕРОС (ВОРИСЛИК)**

Мерос олиш икки хил бўлган: 1) универсал ворислик — бунда *меросхўр* (меросхўрлар) васиятномага биноан ҳамма нарсани — мавжуд мол-мulkни ҳам, қарзни ҳам зиммасига олган; 2) сингуляр ворислик — ёлғиз (якка) *ворислик* бўлиб, унда фақат васиятномада кўрсатилган нарсаларгина қабул қилиб олинган. Бошқалари билан вориснинг иши бўлмаган (масалан, қарзини тўлаш ва ҳ. к.). Қофоз (папирус) каби ёзиш материаллари пайдо бўлиши билан васиятнома ёзиладиган ҳамда имзо ва муҳр билан тасдиқланадиган бўлган. Унда гувоҳларнинг қатнашиши шарт бўлмаган.

Универсал ва сингуляр ворислик турли сабабларга кўра қонуний васиятнома билан юзага келган ворисликда ҳам кўлланиши мумкин бўлган.

### **3- §. ПРЕТОР ҲУҚУҚИГА БИНОАН МЕРОСХЎРЛИК**

Бунда меросхўрлик вазифаларига бўлган эътибор меросхўрдан кўра кўпроқ, мероснинг ўзига қаратилган. Бундай меросхўрлик „*bonorum possessio*“ (*bonorum passessio*) дейилган. Агар қандайдир сабабларга кўра меросхўр меросини қабул қилиб ололмаса, претор унга ёрдамга келган ва интердикт чиқариб, мулкни эгаллаб турган шахсдан ҳақиқий меросхўрга олиб берган.

**Бундай эдиктлар билан қуйидагилар мерос ҳуқуқини олишлари мумкин бўлган:**

1) мархумнинг болалари, шу жумладан эманципация қилингандари (асраб олингандари) ҳам. Аммо улар ўз мулкларини умумий мулкка кўшиш шарти билан олганлар;

2) мархумнинг энг яқин меросхўри (қандайдир сабаб билан узоклашиб юрган бўлса ҳам);

3) мархумнинг бошқа барча қариндошлари (олти авлодгача);  
4) мархумнинг беваси.

Агар васиятномада кўрсатилмаган бўлса, мерос барчага баробар тақсимланган. Меросхўрларнинг бир тоифаси мерос олса, бошқа тоифалари рад этилган. Император кўрсатмалари кейинчалик қон-қардошликтин аниқлашга кўпроқ дикъатни жалб этган ва болаларнинг оналари орқали мерос олишларини таъминлаган.

Преторлик мероси ҳам аста-секин цивиль меросхўрлигига тенглаштирилган ва бу меросхўрликнинг соддалаштирилиши, мустаҳкамланиши ва текисланишига олиб келган.

## 4- §. ВАСИЯТНОМА

Ҳар бир шахснинг ўзининг вафоти муносабати билан мол-мулкини тасарруф этиш бўйича берган бир томонлама, фуқаровий ҳукуқقا асосланган расмий фармойиши „**васиятнома**“ дейилган. Унда марҳум ўзига меросхўр (ворис) ёки *меросхўрлар* тайинлаш, баъзи ворисларни меросдан маҳрум этиш, қулларни озод қилиш, хотини ва ёш болаларига васий тайинлаш, кўмиш маросимлари, мақбара ясаш, тош қўйиш кабилар ҳақида ўз хоҳиш-иродасини изҳор қилиши мумкин бўлган.

Васиятнома ёзиш ҳукуқи актив ёки пассив бўлган. Тўлиқ фуқаролик ҳукуқига эга кишиларга актив ҳукуқ берилган. **Пекулий** олган фарзандлар шу пекулий доирасида расият қилишлари мумкин бўлган.

Қадимдан васият ҳукуқидан маҳрум аёллар васийнинг розилиги билан бу ҳукуқقا эга бўлганлар. Адриан даврида (76—138) аёллар ҳам фуқаролик ва васиятнома қолдириш ҳукуқини олганлар. Наполеон кодексида ҳам васиятнома қолдириш аёлларнинг бирдан-бир имтиёзлари сифатида белгиланган. Васиятнома, тузилган вақтидан қатъи назар, фақат васиятчи вафот этганидан кейингина кучга кирған.

Перегринларга васият қилиш ҳукуқи берилмаган. Шунингдек, интестабел (ахлоқий жиноятлари учун ҳукуқдан маҳрум этилган)лар, руҳий bemорлар ва кейинги империя даврида христианликдан чекинганлар ҳам бу ҳукуқдан маҳрум этилганлар.

Меросхўр тайинлашда ҳам турли тўсиқлар бўлиши мумкин бўлган. Масалан, қуллар мерос олмаганлар, агар мерос катта бўлса (100 минг ассадан ортиқ), унга аёл кишини меросхўр қилиб тайинлаш мумкин бўлмаган, чунки аёлларда исрофгарчилик эркакларга нисбатан кўпроқ ҳисобланган. Васиятномада меросхўрларнинг номлари аниқ кўрсатилиши керак бўлган. Ҳали туғилмай, она қорнида бўлган фарзандлар бундан мустасно бўлган. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган хайрия жамиятлари ҳам ворис бўлишлари мумкин бўлган.

## 5- §. ЗАРУРИЙ МЕРОСХЎРЛИК

*Мерос қолдирувчига қуидагича кўрсатма берилган: у, аввало, ўз ўғиллари масаласини — улардан қай бирини меросхўр қилиб тайинлаш ва қай бирини меросдан маҳрум этиш масаласини ҳал қилиши лозим бўлган. Қизлар ва*

набираштар умумий бир сүз билан маҳрум қилинишлари мүмкін бўлган, аммо ўғиллар номма ном кўрсатилиши лозим бўлган. Агар бу шартлар бажарилмаса, квиритлар ҳукуқига биноан, васиятнома бекор қилинган. Васиятнома бўйича меросдан маҳрум этилганлар кўпинча судга мурожаат этганлар ва бу масала муҳим ҳисобланиб, юзлик (центрумвиral) судларда кўрилган. Туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар биринчи галдаги меросхўрлар ҳисобланганлар. Улар  $\frac{1}{4}$  қисмдан кам бўлмаган меросни олишлари керак бўлган.

Шу гарика, мажбурий улуш белгилаб қўйилган. Меросдан маҳрум қилиш сабаблари кўрсанмаган. Юстиниан бу масалага аниқлик киритган. Ота розилигисиз турмуш куриш, отасининг ҳаётига суйқасд қилиш каби ҳаракатлар меросдан маҳрум қилишга асос бўла олган. Она томон қариндошлар учун эса бу ҳақда васиятномада индамай қўйишнинг ўзи меросдан маҳрум қилиш учун кифоя қилган.

## 6- §. МЕРОСНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Меросни қабул қилиб олишнинг расмий маросими ҳамда икки муҳим қоидаси бўлган: биринчидан, мерос берувчининг қарзомонидаги агнатлар мерос очилиши биланоқ уни биринчи булиб қабул қилувчилар ҳисобланганлар; иккинчидан, улар ҳеч қандай баҳона билан меросни рад эта олмаганлар.

Савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида патриархал оиласарнинг камайиши, ота ҳокимиятининг заифлашуви юз берган. Меросхўрлар ҳам фойдасидан кўра қарзи кўп бўлган мерослардан воз кеча бошлаганлар. Ана шундай ҳолда претор кейинги саф (навбат)даги меросхўрларга мурожаат этган. Улар ҳам меросни рад этсалар, мулкни сотиб юбориш ташкил этилган. Меросни қабул қилиш муддати 100 кун қилиб белгиланган. Меросни талаб қилиш муддати эса мерос қолдирувчи вафотидан бошлаб бир йил бўлган.

Император Федосий II 450 йилда мерос очилгунча вафот этиб қолган меросхўрнинг улушкини кейинги меросхўрлар (унинг ўғли, набираси)га қолдириши (vasiyat қилиш) ҳукуқини берган.

Легат. Мерос қолдиришан мулкнинг бир қисмини бошқа шахсларга бериш назарда тутилган васиятга „legat“ дейилган. Ушбу ҳолда сингуляр меросхўрлик вужудга келган. уни фақат тириклар орасидагина бўладиган ҳадядан фарқлаш керак. Легатда умумий мерос мулкининг бир қисми ажратилади. Легат ҳақида XII жадвалда ҳам сўз юритилган.

Мерос берувчи хотини ва меросга ҳақи бўлмаган бошқа фарзандлари оч қолмаслиги учун уларга легат йўли билан мулкнинг бир қисмини берган.

Легатлар Қадимги Рим ривожланиб борган сари кенгроқ кўлланилган. Легатларда ё аниқ ашё кўрсатилган, ё танлаб олиш хукуки берилган. Кейинчалик *домнацион легатлар* алоҳида ўрин эгаллаган. Бунда ворисдан учинчи шахсга ашё топшириш ёки унинг фойдасига бирор ҳаракат содир этиш талаб қилинган. Легатлар мерос мулкнинг кўп қисмини эгаллаб олган ва натижада меросхўрлар меросдан айрилиб қолган ҳоллар ҳам юз бериб турган. Бунга қарши чиқарилган *Фальцидиев* чораги деган қонун меросхўрлар манфаатини ҳимоя қилиб, легатларнинг хукуқини чеклаган, яъни уларнинг улуши мулкнинг 3/4 қисмидан ошмаслиги белгилаб кўйилган.

**Фидеикомисслар.** Бу сўз бошқалар инсофига ҳавола маъносини билдиради. Бу расмий бўлмаган, яъни васиятномада кўрсатилмаган легат бўлиб, у мерос қолдирувчининг меросхўрлар доирасига кирмайдиган шахсга мулкдан бирор улушни ажратиб бериш ёки уларга бирор хизмат кўрсатиш ҳақидаги илтимосидан иборат бўлган.

Узоқ вақтгача бундай ҳолат ахлоқий мажбурият ҳисобланиб келган. *Император Август* вақтидагина унга расмий юридик тус берилган. Аммо уни ҳимоя қилиб судга даъво билан эмас, маъмурий шахслар, *консул* ёки *фидеикомисс преторига* талаб билан мурожаат этиш мумкин бўлган. Фидеикомисс орқали мерос қолдирувчи шахс хоҳлаган кишиисига мерос мулкидан улуш бера олган. Бу унга кўп фойдали масалаларни ҳал қилишда қўл келган. Шундай қилиб, оиласвий фидеикомисс вужудга келган ва бу Фарбий Европа хукуқлар мажмуасига ҳам киритилган.



### *Назорат учун саволлар*

1. Ворислик турларини санаб, тушунтириб беринг.
2. Эдиктлар билан белгиланувчи мерос хукуки нимани билдиради?
3. Васиятнома нима?
4. Мерос мулкидан мажбурий улуш олиш шартлари қандай бўлган?
5. Легат нима?



Дуб гулчамбар ва Юпитер бургутти ҳокимишт рамзи Август замонидан бери

Рим империясининг тикисоли



*Гай Юлий Цезарь*  
(Эрамизга қадар 100—44 й.и.)

*Император Октавиан Август*  
(эрамизга қадар  
27-эрамизнинг 14 й.и.)



## ХОТИМА

Башарият тарихида ўзига хос ҳуқуқ тизимини, айниқса, хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини яратган, уни ҳар томонлама таҳлил қилиб, ишлаб чиқиб, камолга етказган Қадимги Рим хусусий ҳуқуқи негизлари билан муайян дараҷада танишиб чиқиш шууримизни ёритиб, ҳуқуқий билимимизни оширибгина қолмай, балки умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлишимизга ва маънавиятимизнинг бойишига хизмат қиласди.

Келажаги ўтмишидек буюк мустақил ўзбек диёрида том маънодаги ҳуқуқий демократик давлат куриш сари бораётган ёш авлод учун мазкур ҳуқуқий қадриятлар бебаҳодир. Бунда ўз давлатчилигимиз тарихий тажрибасининг ҳамда умумбашарий тарих сабоқларининг қиймати бир-биридан асло кам эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримовнинг „Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази тузиши тўғрисида“**ти фармонида марказнинг асосий вазифалари сирасида Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси биринчи ўриндаги вазифа қилиб қўйилди.

Бундай инсоний, олижаноб ва башарият учун ниҳоятда долзарб, шу билан бирга, ниҳоят кўп билим ва меҳнат, ақл ва идрок талаб этадиган вазифаларни маромига етказиб бажариш учун умуминсоний мажбуриятларни шуурига сингдирган, билимдон, инсоний қалб эгаси бўлган фидойи кишилар зарур.

Мазкур хислатларга эга бўлган юксак малакали кадрларни тайёрлашда Рим хусусий ҳуқуқи асосларини атрофлича ва теран ўрганишнинг аҳамияти бекиёс.

**Ушбу дарслик бу соҳадаги биринчи тажриба сифатида қабул қилинади ва кейинчалик тўлдириб, такомиллаштирилади деган умиддамиз.**

Шу сабабли ҳам муаллиф мазкур дарслик бўйича билдириладиган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул этади.

## ЛОТИНЧА АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ

*absent* — йўқ одам, ҳозир бўлмаган киши

*actio* — даъво

*actiones in personam* — шахсий даъволар

*addictio* — мажбур қилиш

*adoptio* — фарзандликка олиш

*adversarius* — рақиб томон

*advocatus* — оқловчи, адвокат

*aeguitas* —adolat

*aestimatio* — баҳолаш

*adressores* — қасамёд этганлар (суд ҳайъатида)

*ager* — ер майдони

*arbitrium* — қарор, ечим, ҳал қилувчи қарор

*ars* — қув, маҳорат, усталик

*articulus* — ёзма буйруқ, кўрсатма

*asylum* — бошпана

*auctoritas* — кафиллик

*auxilium* — ёрдам, кўмак

*bona Fides* — ҳалоллик, инсофилик

*bonus pater Familias* — ҳалол ота

*carcer* — зиндан, авахта, қамоқхона

*castigatio* — тан жазоси, жисмоний жазо

*causa* — сабаб

*centuria* — юзлик

*civitas* — жамоа

*clientes* — тобе, қарам кишилар

*commodatum* — ёрдам қарзи шартномаси

*compensatio* — ҳисобга ўтказиш

*conditio* — шарт, шароит

*conditio sine qua non* — зарурий шарт

*constitutiones* — принципат давридаги Рим император-  
ларининг фармонлари

*crimen* — жиноят

*culpa* — эҳтиётсизлик

*curator* — вакил

*damnum* — бузиш, яроқсиз ҳолга келтириш

*de facto* — дарҳақиқат

*de iure* — ҳукуқ қоидаларига мувофиқ

*deminutio* — ҳукуқ лаёқатини камситиш

*depositum* — омонат сақлаш шартномаси

*divortium* — талоқ, никоҳдан ажралиш

**dolus (dolo malo)** — атайлаб, қасддан  
**dominicilium** — турар жой, маскан  
**dominium** — мулк  
**falsus** — сохта  
**familia** — оила  
**fasces** — хивичлар дастаси  
**fides** — чинлик, ишончлилик  
**forum** — бозор майдони  
**gratis** — текин  
**in corpore** — түлиқ тартибда, түлиқ ҳайъатда  
**in flagranti** — жиноят устида  
**interdictio, interdictum** — тақиқ  
**Interpretatio** — талқин, шарх  
**intrregnum** — подшоликлар оралиғи  
**in iure, in iudicio** — претор, судья олдидә  
**inspectio** — күздан кечириш  
**jus** — ҳуқук  
**jussu** — буйруқ билан  
**ipso iure** — ҳуқукқа биноан  
**justitia** — адолат  
**laesio enormis** — баҳоларнинг күшилиши  
**legatum** — вассиятнома мажбурияти  
**legetimus** — қонуний  
**lex** — қонун  
**liberalitas** — саҳоват  
**locatio-conductio** — ёллаш шартномаси  
**magistratus** — магистрат, амалдор шахс  
**mandatum** — топшириқ  
**manifestum** — очиқ-ойдин  
**memoria** — хотира, ёд  
**metalla** — конлар  
**merces** — түлов  
**ministerium** — хизмат  
**modus** — ўлчов, чора, тадбир  
**mora** — муддатнинг ўтиб кетиши  
**morus maiorum** — одат ҳуқуқи  
**mutuum** — қарз  
**Optimo iure** — түлиқ ҳуқук билан  
**Ordo iudiciorum** — суд мұхокамаси  
**Ordo equester** — чавандозлар, суворийлар табақаси  
**Ordo senatorium** — сенаторлар табақаси  
**paganus** — бутпараст  
**pater familias** — оила бошлиғи  
**patria potestas** — ота ҳукмронлиғи  
**patrocinium** — ҳомийлик  
**per aes et libram** — мис ва тароз воситаси ила битишув  
**periculum** — таваккалчилик

*periculum in mora* — кечиктирилиш ҳавфи  
*permutatio* — алмаштириш  
*persona* — шахс  
*pretum* — баҳо  
*primus inter pares* — тенглараро биринчи  
*regnum* — подшохлик  
*regula* — қоида, тартиб  
*restitutio in integrum* — претор буйруғи ила қайта тиклаш  
*Rex* — подшо  
*Rigor iurus* — қонун қатъийлиги  
*sanctus* — муқаддас  
*satis* — етарлы  
*satisfactio* — қониқиши  
*Senatus* — Сенат  
*Senatus consulta* — Сенат қарори  
*servitus* — қуллик  
*servus* — қул  
*sessio* — мажлис  
*signum* — мухр  
*socius* — ўртоқ, гумашта  
*specificatio* — ишлеш (бирап нарасани)  
*Tes lamentum* — васиятнома  
*testis* — гувоҳ  
*traditio* — нарасаларни расмиятчиликсиз бериб юбориш  
*Tresviri* — давлатни уч кишилаб идора қилиш  
*Turba* — қароқчилар, босқинчилар түдаси  
*Venditio* — сотиш  
*verberatio* — уриш, калтаклаш

---

## РИМЛИК МУАЛЛИФЛАРНИНГ БАЪЗИ ИБОРАЛАРИ

*Cives origo facit* — Одамларга насл-насаби ҳуқуқини беради.

*Cui prodest? Cui bono?* — Кимга фойда, кимга зарар?

*Ei incumbit probatio qui dicit, non qui negat* — Бирор воқеани тасдиқловчи киши келтириши лозим, инкор этувчи эмас.

*Jurus praesepia haes sunt: honeste vivere, alterum non leadere suum cuigue tribuere* — Ҳуқуқ талаби шундай: ҳалол яшамоқ, бошқага зарар етказмаслик, ҳар кимни ўзига яраша тақдирлаш.

*Lex posterior de rogat priori* — Кейинги қонун илгарисини бекор қиласиди.

*Negotia vicini nosse praesumuntur* — Кўшни иши қўшнига маълум.

*Nec de suspicionibus debere aliquem damnari* — Фақат шубҳага асосланиб ҳеч кимни айблаб бўлмайди.

*Nemo plus iurus ad alium transferre potest quam ipse habet* — Ҳеч кимга, ҳеч ким ўзида боридан ортиқ.

*Nollus idoneus testis in re sua intelligitur* — Ҳеч ким ўз ишига ўзи гувоҳ бўлолмайди.

*Pasta sund servanda* — Шартномалар бажарилиши шарт (ваъда бердингми — бажар).

*Res nullius cedit primo occupanti* — Хўжайнисиз буюм уни толган киши ортидан эргашади.

*Servitus morti adsimilatur* — Қуллик ўлим билан баробар.

*Ultra posse nemo tenetur* — Ҳеч ким ўз имкониятидан ортиқ мажбурият эгаси бўлолмайди.

*Ubi rem meam invenio ibi vindico* — Ўз нарсамни қайда топсан, шунда қайтариб оламан (қайтариш ҳақида талаб қиласман).

*Utilitas publicia praeferenda contractibus* — Умумий манфаат хусусий шартномалардан устун туради.

*Vim vi repellere licet* — Зулмни куч билан қайтармоқ жоиз.

*Nullus videtur dolo fasere, qui ire suo utitur* — Ўз ҳуқуқларидан тўғри фойдаланувчи киши ҳеч кимга зарар етказмайди.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. *Андреев М. Н.* Римское частное право. София, 1971.
2. *Бартошек М.* Римское право. Понятия, термины, определения. М., 1989.
3. *Бирюков Ю. М.* Государство и право Древнего Рима. М., 1969.
4. *Борисевич М. М.* Римское гражданское право. М., 1995.
5. *Галанза П. Н.* Государство и право Древнего Рима. М., 1963.
6. *Дигесты Юстиниана.* М., 1984.
7. *Дождев Д. В.* Римское частное право. Учебник для ВУЗов. М., 1996.
8. *Дождев Д. В.* Основание защиты владения в Римском праве. М., 1996.
9. *Дронников В. К.* Римское приватное право. Киев, 1961.
10. *Зокиров И. Б.* Фуқаролик ҳукуқи. Дарслык. Т., 1996.
11. *Йоффе О. С., Мусин В. А.* Основы Римского гражданского права. Л., 1974.
12. *Касък П.* Римское право и современная юриспруденция. Советское право. 1969. №1.
13. *Клер Д. Д., Эдвардс М.* Римская империя. М., 1994.
14. *Кофанов Л. Л.* Обязательственное право в архаическом Риме. М., 1994.
15. *Майнц Х.* Введение в элементарный курс системы Римского права. Харьков, 1969.
16. Рим фуқаролик ҳукуқи асослари бүйіча методик күрсатма. Тузувчи О. Эрназаров. Т., 1988.
17. Методические указания по курсу основ Римского гражданского права. Сост. В. А. Рясенцев. М., 1978.
18. *Нерсесянц В. С.* Правопонимание римских юристов. Советское государство и право. 1980. №12.
19. *Новицкий И. Б.* Основы Римского гражданского права. М., 1956, 1960, 1972.
20. *Новицкий И. Б.* Римское частное право. М., 1948.
21. *Новицкий И. Б.* Римское право. М., 1993, 1996.
22. *Перетерский И. С.* История государства и права Древнего Рима. М., 1945.
23. *Перетерский И. С.* О правовом положении рабов в Древнем Риме. М., 1939.
24. *Подопригора А. А.* Основы Римского гражданского права. М., 1990.

25. Покровский И.А. История Римского права. Петроград, 1918.
  26. Программа курса Основ Римского гражданского права. Сост. З. Шомухамедова. Т., 1995.
  27. Римское частное право. Учебник для юридических институтов. Под ред. И.Б. Новицкого и И.С.Беретерского. М., 1948.
  28. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1- жилд. Т., 1997.
  29. Рясецев В. А. Сборник схем по Римскому праву. М., 1997.
  30. Савельев В.А. Римское частное право. М.,1995.
  31. Сайфуллаев Б. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик хукуки (2- китоб). Т., 1988.
  32. Ульянищев В.Т. Римское гражданское право. М., 1995.
  33. Черниловский Э. М. Лекции по Римскому частному праву. М., 1991.
  34. Юридик атамалар ва иборалар лугати. Т., 1993.
-

## МУНДАРИЖА

СҮЗ БОШИ .....	3
I боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИ – ЎҚУВ ФАНИ .....	8
1- §. Рим хусусий ҳуқуқи ва унинг предмети .....	8
2- §. Рим хусусий ҳуқуқининг таркиб топишида давлат органлари .....	15
3- §. Рим хусусий ҳуқуқининг тарихий даврларга бўлиниши .....	18
II боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИННИГ МАНБАЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ .....	25
1- §. Рим хусусий ҳуқуқи манбалари .....	25
2- §. Рим хусусий ҳуқуқи субъектлари .....	31
III боб. СУД ТИЗИМИ ВА Даъволар ҳақида таълимот .....	42
1- §. Формуляр суд .....	43
2- §. Суд ва судьялар .....	45
3- §. Даилиларни тақдим этиш .....	45
4- §. Конгницион иш юритиш .....	46
5- §. Интердикт турлари ва даъво муддати .....	48
IV боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА ШАХСЛАР ТУШУНЧАСИ .....	50
1- §. Жисмоний шахслар .....	51
2- §. Юридик шахслар .....	54
V боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР .....	56
1- §. Оила ҳуқуқи .....	56
2- §. Когнатлар ва агнатлар .....	56
3- §. Никоҳ .....	57
4- §. Эр-хотиннинг мулкий муносабатлари .....	59
5- §. Ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқий муносабатлари .....	61
6- §. Эмансипация .....	63
7- §. Васийлик ва ҳомийлик .....	63
VI боб. РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИДА МУЛК ҲУҚУҚИ ВА бошқа ашёвий ҳуқуқлар .....	65
1- §. Ашёвий ҳуқуқ .....	65
2- §. Эгалик .....	68

3- §. Мулк ҳуқуқи .....	71
4- §. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш .....	78
5- §. Мулк ҳуқуқини чеклаш .....	80
<b>VII боб МАЖБУРИЯТЛАР ВА ШАРТНОМАЛАР ТҮФРИСИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР .....</b>	<b>86</b>
1- §. Мажбуриятлар ҳақида умумий қоидалар .....	86
2- §. Рим шартномаси тизими .....	88
3- §. Шартномаларнинг ҳақиқийлиги шартлари .....	89
4- §. Шартноманинг ижросини таъминлаш ва унинг бузилганлиги учун жавобгарлик .....	94
5- §. Деликт (хуқуқбузарлик)дан келиб чиқадиган маж- буриятлар .....	98
<b>VIII боб ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ. ПАКТЛАР ВА КВАЗИКОНТРАКТЛАР .....</b>	<b>101</b>
1- §. Вербал шартномалар .....	101
2- §. Литтерал шартномалар .....	102
3- §. Реал шартномалар .....	102
4- §. Консенсуал шартномалар .....	104
5- §. Шартномаларнинг айрим турлари .....	106
6- §. Пактлар ва квазиконтрактлар .....	109
<b>IX боб ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ .....</b>	<b>112</b>
1- §. Цивиль ворислиги .....	113
2- § Универсал ва сингуляр мерос (ворислик) .....	113
3- §. Претор ҳуқуқига биноан меросхўрлик .....	113
4- §. Васиятнома .....	114
5- §. Зарурий меросхўрлик .....	114
6- §. Меросни қабул қилиш .....	115
<b>ХОТИМА .....</b>	<b>117</b>
<b>ЛОТИНЧА АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ .....</b>	<b>118</b>
<b>РИМЛИК МУАЛЛИФЛАРНИНГ БАЪЗИ ИБОРАЛАРИ ...</b>	<b>121</b>
<b>ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>122</b>

67.3  
Ш77

Шомуҳамедова З. Ш.

Рим хусусий ҳуқуқи: Дарслик/Масъул мұхаррир:  
Х. Раҳмонкулов.— Т.: „Консаудитинформ“, 2002.—128 б.  
Сарлавҳада: ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат  
юридик институти

ББК 67.3я73

**ЗАМИРА ШОИСЛОМОВНА ШОМУҲАМЕДОВА**

**РИМ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИ**

Мұхаррир *C. Мирзахўжаев*  
Мусахҳих *M. Ибраҳимова*  
Техник мұхаррир *C. Турсунова*

Теришга берилди 2.06.2002. Босишга рухсат этилди 8.08.2002.  
Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Нашриёт ҳисоб табоги 8. Адади  
Буюртма № 242 Баҳоси шартнома асосида

“Консаудитинформ” Агентлиги нашриёти 700000, Тошкент, Бухоро, 6.  
Нашр шартнома асосида

Тошкент шаҳри “Тезкор” босмахонасида босилди. Тошкент 700200,  
Радиал кўчаси, 10 уй.

